**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**“РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

# «РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ»

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

## МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

**(I қисм)**
**(2022 йил 23 апрель)**

**САМАРҚАНД – 2022**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКА И СЕРВИСА**

**КАФЕДРА “РЕАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА”**

# «НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ»

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ**
**международной научно-практической конференции**

**(часть I)**

**(23 апрель 2022 г.)**

**САМАРКАНД – 2022**

**UO'K: 330.111.66(08)**
**005(08) Ш 16**
**КВК: 65.9 65.290-2 65.053**

**Реал сектор соҳаси иктисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари. /** Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (I қисм). 2022 йил 23 апрель куни. Самарқанд, СамИСИ, 2022. – 216 бет.

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**
**Г.М. Шадиева** – иқтисод фанлари доктори, профессор в.б.

**Нашр учун масъуллар:**
**М.Қ.Пардаев –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Б.А.Абдукаримов –** иқтисод фанлари номзоди, доцент,
**Ш.О.Қувондиқов –** иқтисод фанлари доктори, доцент,
**Т.С.Шарипов –** иқтисод фанлари номзоди, доцент,
**Ш.А.Султонов** – иқтисод фанлари доктори, доцент,
**З.С.Артиков –** PhD, доцент в.б.,
**Р.Ж.Қурбонова –** PhD, доцент в.б.,
**Б.О.Дусматов –** PhD, доцент в.б..

**Саҳифаловчи:** Мухаммадамин Эрдонов

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида реал сектор соҳасида барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг илмий-назарий ва методологик ёндашувлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини юксалтиришдаги ролини ошириш масалалари, туризм индустрияси билан интеграциялашув жараёнларидаги тенденциялари ва истиқболли йўналишлари, соҳани ривожлантиришда бошқарув усуллари ва маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш йўллари, соҳа самарадорлигини банк – молиявий тизими орқали ошириш механизмлари, корхоналарда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистик ҳисоб усулларини такомиллаштиришнинг инновацион ёндашувлари, сервис тизими хизматларининг сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари, соҳани шакллантиришда рақамлаштириш муаммолари ва уларнинг ечимларига қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

**Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.**

**ISBN: 978-9943-8124-6-8**

**© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022**

# I ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИДА БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИ”

**М.Э.Пўлатов –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор
**Ш.О.Қувондиқов -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.д.

## ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ - БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш - барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти эканлиги, шунингдек, институтнинг минтақавий ва миллий таълим хизматлари бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида мос йўналишлар негизида кундузги ва сиртқи, нотурдош таълим йўналишлари негизида кундузги шаклда таълимни ташкил қилиш, турдош йўналишлар негизида магистратура мутахассисликлари бўйича амалий малакалар бериш тизимини жорий этиш каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, олий таълим муассасалари, ижтимоий, иқтисодий, стратегик ислоҳот, ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талаблари, касбий стандарт, таълим йўналишлари, мутахассисликлари, бакалавриат, магистратура, докторантура.

**Аннотация:** В статье рассматривается приоритетные направления системного реформирования системы высшего образования в Республике Узбекистан, повышении процесса подготовки высококвалифицированных специалистов, обладающих современными знаниями и высокими морально-этическими качествами, модернизации высшего образования.

**Ключевые слова:** высшее образование, высшие учебные заведения, социальная, экономическая, стратегическая реформа, учебные планы, образовательные программы, квалификационные требования, профессиональный стандарт, направления подготовки, специальности, бакалавриат, магистратура, докторантура.

**Annotation:** The article deals with the identification of priority areas for systemic reform of the higher education system in the Republic of Uzbekistan,

raising the process of training highly qualified specialists with modern knowledge and high moral and ethical qualities, modernization of higher education.

**Keywords:** higher education, higher education institutions, social, economic, strategic reform, curricula, study programs, qualification requirements, professional standard, fields of study, specialties, bachelor's, master's, doctoral.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим ва илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш, уни том маънода ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган илғор стандартлар даражасига олиб чиқиш ва оқибатда жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмини кўтариш, аҳолининг турмуш шароитини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш, умуман мамлакатни ижтимоий иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегик ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни муҳим аҳамият касб этаётир.

Билимларга асосланган давлатнинг шаклланиши, глобаллашув жараёнининг тезлашуви ҳамда жаҳон бозорида рақобат муҳитининг кескинлашуви шароитида янги билимларни эгаллаш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инновацияларни тезкор амалиётга жорий этиш, аккумуляциялашган янги билимларни иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айлантириш барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ҳозирги кундаги муҳим вазифаларидан бири деб аташни жоиз топдик.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлар ҳисобланади.

Бу эса таълим тизими олдида ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, мустақил қарор қабул қила оладиган ва замонавий технологияларга тез мослашишга лаёқатли, юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифасини қўяди.

“Олдимизда турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири – юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан

иборат эканини барчамиз яхши тушунамиз”  деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиётининг 16 фоизи – моддий-техника базага, 20 фоизи – ресурсларга, 64 фоизи – инсон омилига боғлиқ . Бу учала омил бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия моддий-техника базаси мавжуд ресурслардан, имкониятлардан оқилона фойдаланиш инсон манфаатига хизмат қилади ва рационал ривожланишни белгилаб беради.

Европа давлатларининг кўплаб олий таълим муассасаларида олий таълим тизимини модернизациялаш бўйича “агар биз бугун фарзандларимизни кечагидай ўқитадиган бўлсак, унда биз фарзандларимизнинг эртаси (келажаги)ни ўғирлаган бўламиз”  - деган фикрга амал қилишади. Шундай экан, ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим самарадорлигини ошириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби масалаларга олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифа сифатида қараш талаб этилади.

Мамлакатимиз олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга оширишнинг навбатдаги босқичи бир қатор вазифаларни хусусан, олий таълим муассасаларининг академик ва молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш, соҳада давлат маъмурий бошқарувини камайтириш ҳамда мазкур соҳани меҳнат бозори конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимига трансформациялашувини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра молиявий мустақиллик берилган 35 та етакчи давлат олий таълим муассасаларига 2022/2023-ўқув йилидан бошлаб академик ва ташкилий-бошқарув соҳалари бўйича мустақиллик тақдим этилди.

Хусусан, молиявий мустақил бўлган олий таълим муассасаларига **академик мустақиллик соҳаси бўйича** қуйидаги қўшимча ваколатлар берилди:

ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Тадбиркарлар ва ишбиларманлар ҳаракати – Ўзбекистан Либерал-демакратик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. 21 актябр, 2016 йил. "Халқ сўзи", 2016 йил 22 октябрь

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун таълим давомийлиги муддатларини белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда қабул қилиш;

докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

магистратура босқичида таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар, шу жумладан амалий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга ошириш;

олий таълим муассасаси ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш.

Ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳаси бўйича эса:

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлардан қатъи назар муассасанинг тузилмасини тасдиқлаш ва штат бирликлари сонини белгилаш;

меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш, амалдаги таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларни тугатиш;

педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этишни мустақил ҳал этади.

Шунингдек, қарор билан Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик (идора)ларнинг бир қатор ваколатлари таълим муассасаларига ўтказилди. Хусусан:

чет эл фуқароларининг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан республика давлат олий таълим муассасаларига кўчириш;

олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси ва масъул котибини, шунингдек, олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган имтиҳонлар бўйича қабул комиссияси раиси ва аъзолари, имтиҳон олинадиган фанлар дастурлари, баҳолаш мезонлари ва имтиҳонлар жадвалини тасдиқлаш;

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг амалиётни ўташ тартибини тасдиқлаш ва уни ташкил этиш;

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ички тартиб қоидалари, жумладан таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талабларни белгилаш таълим муассасалари томонидан мустақил ҳал этилади.

Шунинг билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг олий, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасидаги қуйидаги ваколатлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўтказилди:

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқитиладиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлаш;

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим давомийлигининг энг кам муддатларини белгилаш;

кечки, сиртқи ва масофавий таълим шакли жорий этилмайдиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини белгилаш;

дарсликлар, ўқув ва илмий адабиётларни тайёрлаш, нашр этиш тартибини, шунингдек, уларни етказиб беришга ва улардан таълим ташкилотларида фойдаланишга қўйиладиган талабларни белгилаш;

таълим муассасаларига нисбатан моддий-техник, инфратузилмавий ва параметрик талабларни белгилаш.

2022-йил 1-январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари тугатилиб, таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ташкил этилади.

2022-йил якунига қадар ягона “Електрон кутубхона” платформаси ишга туширилади.

Олий таълим муассасаларида Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими (ҲЕМИС)нинг:

2022-йил 1-мартга қадар “Ўқув жараёнини бошқариш”, “Илмий жараённи бошқариш”, “Маъмурий жараённи бошқариш” ва “Молия-хўжалик фаолиятини бошқариш” қисмлари;

2022-йил 1-майга қадар “Таълим сифатини назорат қилиш” қисми жорий қилинади.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис интитутида ҳам чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ўз фаолиятини академик ва молиявий мустақиллик тамойиллари ҳамда халқаро таълим стандартларига мувофиқ амалга ошириш бўйича ишлар белгилаб олинди. Бу борада институтнинг

замонавий ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий ишларини чоп этишни янада жадаллаштириш мақсадида институтда нашриёт фаолиятини ташкил қилиш ва матбаа-ноширлик фаолиятини лицензиялаш, замонавий нусха кўчириш, чоп этиш ва бутлаш техника ва технологиялари билан таъминлаш ҳамда ўқув адабиётларини буюртмалар асосида чоп этиш ва нашрга тайёрлаш тизими ташкил қилинади.

Ҳозирда замонавий ўқув адабиётларини яратиш бўйича илмий-услубий салоҳияти юқори профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ ташкил қилинди ва унинг вазифалари белгилаб берилди. Ишчи гуруҳ томонидан замонавий ўқув адабиётлари яратишнинг 2025 йилгача бўлган режаси ишлаб чиқилган ва муаллифлар томонидан амалий ишлар бошлаб юборилган.

Институтнинг минтақавий ва миллий таълим хизматлари бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида мос йўналишлар негизида кундузги ва сиртқи, нотурдош таълим йўналишлари негизида кундузги шаклда таълимни ташкил қилиш, турдош йўналишлар негизида магистратура мутахассисликлари бўйича амалий малакалар бериш тизими жорий этилади.

Шунингдек, ўқув жараёнини оптималлаштириш, замонавий бозор талабларига жавоб бермайдиган ўқув дастурларини интеграллаштириш ҳамда қисқартириш орқали мос йўналишлар негизида магистратурада кундузги ва сиртқи ўқиш муддатини 16 ойга тушириш, турдош йўналишлар негизида бакалавриат таълим йўналишлари учун ўқиш муддатини 2 йилликка келтириш амалиётини йўлга қўйиш устида амалий ишлар бошлаб юборилган.

Бугунги кунда миллий таълим тизимида эришилган аҳамиятга молик натижалар нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам меҳнат бозори конъюнктураси ўзгаришларига мослашувчан малакали кадрларга эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ҳам хорижий давлат фуқароларини ўқишга қабул қилиш вазифасини қўяди. Ушбу мақсадда институтимизда хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш бўйича алоҳида факультет тузилмасини ташкил қилиш, масофавий ва сиртқи шаклда ўқишга қабул қилишни йўлга қўйиш ишлари бошлаб юборилган. 2022-2023 ўқув йилидан хорижий давлатлар фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишда контракт миқдорини умумий асосда белгилашни йўлга қўйиш институтимизнинг минтақавий таълим хизматлари бозорининг потенциал сегментларини эгаллаш имконини беради. Ҳозирда институтда минтақавий ва миллий меҳнат бозоридаги мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб бакалавриатнинг 60411700-Логистика (йўналишлар бўйича), 60412700-Баҳолаш иши, 61010100 – Овқатланиш сервиси, 61010400-Туризм соҳасини ташкил этиш ва бошқариш, Минтақавий туризм, рақамли туризм ва

меҳмонхона хўжалиги, Брендинг, Медиамаркетинг ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича таълим йўналишларини, 70411701-Логистика (йўналишлар бўйича), Медиамаркетинг, Брендинг, Меҳмонхона сервиси, Туризм магистратура мутахассисликларини очиш режалаштирилган ҳамда кадрлар истеъмолчилари, турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлардан ушбу кадрларга бўлган буюртмлар портфели шакллантирилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барқарор суръатларини таъмилашда ОТМларнинг юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга чиқариш асносида меҳнат бозори коньюнктурасига рақобатбардош бўлган, замонавий иқтисодий билим малака ва касбий кўникмаларни пухта ўзлаштирган, иқтисодчи кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишга имкон беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари олий таълим стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш таълим хизматлари сифатини оширишга олиб келади.

**М.Қ. Пардаев** -Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
**О.М.Пардаева**-ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD.

## МАКРОИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – СТРАТЕГИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧИ

**Аннотация:** Мақолада макроиқтисодий ўсиш – стратегик тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи эканлиги асосланган. Бунда иқтисодий ўсишнинг 6 та турлари борлиги, булар рецессия (пасайиш), беқарор, мунтазам, барқарор, юқори суръатд ва жадал суръатдан иборатлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Мамлакат тараққиётининг 1995-2021 йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш даражасига ва 2022-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичларнинг ўсишига белгиланган 6 та мезон бўйича баҳо берилган.

**Калит сўзлар:** макроиқтисодиёт, иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлиги, макроиқтисодий кўрсаткичлар, ЯИМ, ЯММ, истеъмол, тенденция, Истеъмол баҳоси индекси, хизмат кўрсатиш соҳаси, модернизация, диверсификация, инновация.

**Аннотация:** В статье обосновано, что макроэкономический рост – важный показатель стратегического прогресса. В нем также указано, что существует 6 видов экономического роста: рецессионный (спад), нестабильный, регулярный, стабильный, высокий и ускоренный. Оценка уровня роста макроэкономических показателей развития страны в 1995-

2021 гг. и роста прогнозных показателей в 2022-2025 гг. производится по 6 установленным критериям.

**Ключевые слова:** Макроэкономика, экономический рост, благосостояние населения, макроэкономические показатели, ВВП, ВВП, потребление, тренд, Индекс потребительских цен, сектор услуг, модернизация, диверсификация, инновации.

Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонида кўрсатилган асосий устувор вазифаларни бажариш устуди катта ишларни амалга оширмоқда. Бунда 7 та йўналиш белгиланган бўлиб, унинг учинчи йўналиши бевосита “миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”га қаратилган. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини белгилавчи асосий мезон – бу иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Ҳозирги пайтда бундай кўрсаткич мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) билан белгиланади. Охирги пайтларда иқтисодий ўсишнинг турли шакллари ҳақида турли фикрлар айтилмоқда. Масалан ЯИМнинг пасайиши рўй берган мамлакатларда рецессия жараёни рўй бераётганлиги таъкидланса, айрим мамлакатлар иқтисодиётида беқарорлик рўй бераётганлиги айтилмоқда. Яна бошқа бир мамлакатда мунтазам ўсиш сақланиб қолинаётганлиги эътироф этилса, айримларида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётганлиги қайд қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига келадиган бўлсак, олдин барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётганлиги хусусида гап кетган бўлса, орада юқори суръатлар билан ўсиш кузатилаётганлиги қайд қилинган эди. Бироқ, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистон стратегияси, аввало барқарор (таъкид бизники – М.П.) иқтисодиё ўсишни таъминлашга таъминлашга қаратилган”[2] бўлиб, “Келгусидаги иқтисодиётнинг камида 5 фоизга ўсиши, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 фоиздан ошмаслигига қаратилган чора-тадбирлар белгиланади”[3], деб таъкидланган.

Бундай қарашларни жамлаб бир нарсага амин бўлдикки, иқтисодий ўсишнинг мезонларини турли йўналишда ва шаклда бўлиши мумкин экан. Шу туфайли ҳар бир йўналишнинг аниқ мезонларини белгилаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик. Аммо иқтисодий ўсишнинг алоҳида турлари бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Буларни инобатга олиб, ушбу ҳолатларни мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари ҳамда тарихий манбаларни чуқур таҳлил қилиш натижасида, иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг номлари ва даражасини

[2] Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Uzbekiston” нашриёти, 2021. – 129 бет.
[3] Ўша жойда. – 129 бет.

(мезонларини) ишлаб чиқдик. Бу қуйидаги жадвалда таркиб топган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонлари[4]**

| Иқтисодий ўсишнинг турлари | Даражасини белгиловчи мезонлар |
|---|---|
| Рецессия (пасайиш) | Ўтган йилга нисбатан паст бўлса |
| Беқарор | Бир ошиб, бир камайиб ўсганда |
| Мунтазам | 100,1 дан 105,0 %гача ўсишнинг узлуксизлиги таъминланса |
| Барқарор | 105,1 – 108,0 % ўсиш таъминланса |
| Юқори суръатда | 108,1 – 110,0 % ўсиш таъминланса |
| Жадал суръатда | 110,1 % дан ортиқ ўсишга эришилса |

Ўзбекистон иқтисодиётида қатор йиллар давомида (1996-2003 йиллар) мунтазам ўсишга (5,0 %гача) эришилди. 2004-2006 йилларда барқарор суръатлар билан (8,0 %гача) ўсди. 2007-2013 йиллар давомида юқори суръатлар билан ўсиш (8,0 % кўп) таъминланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таҳлил қиладиган бўлсак, 1995 йилга қадар рецессия жараёни юз бериб келди. 1996 йилдан бошлаб ўнгланиш содир бўлди, яъни аста-секинлик билан ривожланиш рўй берди. Буни биз тавсия қилган мезонлар бўйича қуйидагича баҳолаш мумкин бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистонда ЯИМнинг 1995-2019 йилларда ўсиш суръати (%)5**

| Йиллар | Мамлакат ЯИМнинг ўзгариш суръатлари, % | Ўтган йилга нисбатан фарқи (+,-) | Йиллар бўйича иқтисодий ўсишнинг турлари |
|---|---|---|---|
| 1995 | -0,9 | - | Рецессия |
| 1996 | 1,7 | +2,6 | Мунтазам ўсишга эришилган |
| 1997 | 5,2 | +3,5 | |
| 1998 | 4,3 | -0,9 | |
| 1999 | 4,3 | 0 | |
| 2000 | 3,8 | -0,5 | |
| 2001 | 4,2 | +0,4 | |

[4] Муаллиф томонида ишлаб чиқилда ва тузилди.

[5] Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 1965-2010 гг. Т.: Госстандарт. Соответствующие годы. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг йилнинг якунлари ва келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифаларни белгилаб берадиган ҳар йилги анъанавий маърузасида ва Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига анъанавий Мурожаатномасида келтирилган маълумотлардан олинди.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2002 | 4,0 | -0,2 | |
| 2003 | 4,2 | +0,2 | |
| 2004 | 7,4 | +3,2 | Барқарор ўсиш рўй берган |
| 2005 | 7,0 | -0,4 | |
| 2006 | 7,3 | +0,3 | |
| 2007 | 9,5 | +2,2 | Иқтисодиётимиз юқори суръатлар билан ривожланган. |
| 2008 | 9,0 | -0,5 | |
| 2009 | 8,1 | -0,9 | |
| 2010 | 8,5 | +0,4 | |
| 2011 | 8,3 | -0,2 | |
| 2012 | 8,2 | -0,1 | |
| 2013 | 8,0 | -0,2 | |
| 2014 | 8,0 | 0,0 | |
| 2015 | 8,0 | 0,0 | |
| 2016 | 8,0 | 0,0 | |
| 2017 | 4,5 | -3,5 | Мунтазам ўсиш таъминланган |
| 2018 | 5,1 | +0,6 | Барқарор ўсиш рўй берган |
| 2019 | 5,6 | +0,6 | |
| 2020 | 1,7 | -3,9 | Мунтазам ўсиш таъминланган |
| 2021 | 4,7 | +3,0 | |
| 2022[6] | 6,5 прогноз | 0 | Келгусида барқарор ўсиш таъминланади |
| 2023 | 6,5 прогноз | 0 | |
| 2024 | 6,5 прогноз | 0 | |
| 2025 | 6,5 прогноз | 0 | |

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида мустақиллик йилларида иқтисодий ўсишнинг тўртта шаклини бошидан кечирибди. Жумладан, 1996 йилгача иқтисодиётимизда рецессия жараёни

[6] Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонининг 111-бўлим, 26 моддаси 70 банди.

содир бўлган. 1996-2003 йиллар 2017 йил ва 2020-2021 йиллар давомида мунтазам ўсишга эришилган. 2004-2006 йиллар, 2018-2019 йилларда иқтисодиётимизда барқарор ўсиш рўй берган. 2007 йилдан 2016 йилгача юқори суръатлар билан ривожланиб келган. 2017 йилдан бошлаб мунтазам ўсиш суръати давом этиб келмоқда эди, аммо 2020 йилда пандемиянинг таъсирида ўртача ўсиш 1,7 %ни ташкил қилиб фақат мунтазам ўсиш таъминланди холос. Прогноз бўйича 2022-2025 йиллар давомида барқарор ўсиш таъминланади.

Ушбу иқтисодий ўсишнинг турлари ва даражасини белгилашда методологик асос қилиб расмий ҳужжатлар, маърузалар олинди. Жумладан, мунтазам ривожланиш мезони ҳам мамлакатимиз Биринчи Президенти томонидан белгилаб берилган мезонлардан келиб чиқилган. Масалан, 2003 йилнинг натижалари ва 2014 йилда амалга ошириладиган устувор вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги маърузасида: "Кейинги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили мунтазам (таъкид бизники – М.П.) равишда 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда"[7], деб таъкидлади. Демак 5,0 %гача ўсиш суръатини мунтазам ўсиш, деб аташ лозим деган хулосага келдик.

Барқарор ривожланишнинг методологик асосини ҳам расмий маърузаларда кўришимиз мумкин. Жумладан "2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7,3 фойизга ўсди"[8]. Бундай макроиқтисодий кўрсаткичлар "...жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантиқий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг (таъкид бизники – М.П.) амалий намоёни бўлди"[9]. Кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиёти 7,3 % ўсган пайтни Биринчи Президентимиз барқарор ривожланиш, деб атаган эди. Ушбу кўрсаткич 8,0 %дан ошганда эса, юқори ўсиш, деб таъкидланган. Масалан, "2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришган, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар (таъкид бизники – М.П.) билан ривжланганини қайд этамиз"[10], деб таъкидлади.

---

[7] Каримов И.А. Тинчлик ва хафсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қаъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: "Ўзбекистон", 2004. – 185-бет.

[8] Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир./ Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 15. –Т.: "Ўзбекистон", 2007. – 155-бет.

[9] Ўша жойда. – 155-бет. (Мазкур ҳаволада келтирилган таъкид бизники – М.П ва О.П).

[10] Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.**Ўзбекистон**

Президентимизнинг ушбу таъкиди биринчидан, иқтисодиётимизнинг 8,0 %га ошганлиги, унинг "юқори суръатдар" билан ривожланганлигини кўрсатса, иккинчидан, унинг модернизация ва диверсификация ҳисобидан амалга оширилганлигини эътироф этмоқда. Бу ерда гап ўсиш ва унинг омили ҳақида кетмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимиз иқтисодиёти-нинг юқори суръатлар билан ривожланиши айнан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авж олиб турган ва пондемиянинг иқтисодиётга таъсири пайтларида ҳам сақланиб қолди. Бунинг асосий омили, мамлакатимизда мустақил ривожланиш стротегиясини тўғри белгилаб олинганлиги бўлган бўлса, кейинчалик шу асосда мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда унга инновацион омилларни жорий қилиш эвазига ривожлантириш бўлди.

Буни мамлакатимизнинг Биринчи Президентининг 2009 йил 22 майда "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига мурожаатида қуйидагиларни таъкидлайди: "...иқтисодиёт-ни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш ривожланишнинг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак мувоффақиятларга эришади"11, деган гапларидан ҳам англаб олиш мумкин. Биз молиявий-иқтисодий инқироз шароитида айнан шу тамойилларга амал қилганлигимиз учун мамлакат ЯИМнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Кўриниб турибдики, иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда унга инновацияларни жорий қилишдан иборат экан. Аммо ушбу тушунчалар нечоғлиқ муҳим бўлмасин, уларнинг айрим назарий ва амалий масалалари ҳамон иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Шу туфайли ушбу тушунчаларнинг илмий-назарий ва амалий масалаларига 12 эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

---

Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – "Халқ сўзи" газетаси. – 2014 йил 18 январь. – 1-3 бетлар.

[11] Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг асосий мақсадимиз.- Т.17. – Т.: "Ўзбекистон", 2009. – 231-бет. (Мазкур ҳаволада келтирилган таъкид бизники – М.П ва О.П)

[12]Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омили. Монография. – Т.: "Наврўз" нашриёти, 2014. – 104 бет.

Мамлакатимиз 2017 йилдан бошлаб янги йўналишга ўтди. Бунинг ёрқин намунаси сифатида бешта йўналишни қамраб олган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини келтириш кифоя. Энди “Янги Ўзбекистон” шаклланмоқда. ЯИМнинг ҳар бир фоизининг салмоғи ҳам кескин ўсди. 2010 йил жорий баҳосида ЯИМнинг 1 % ўсиши 623,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда – 1718,1 млрд. сўмга, 2018 йилда – 2811,3 млрд. сўмга тенг бўлган. 2018 йилдаги 1 % ЯИМнинг салмоғи, 2010 йилнинг худди шундай кўрсатгичига нисбатан 4,5 марта (2811,3/623,9) юқори. 2020 йилга келиб, бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича 1 % ўсишининг салмоғи 3505,9 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Бугунги 1 % ўсиш, 2010 йилдаги  5,6 % (3505,9/623,9) ўсганлигига тенг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Янгиланаётган Ўзбекистон-нинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган иқтисдий ўсишнинг тўққизта устувор вазифалари белгилаб берилди ва Мурожаатноманинг охирида мамлакатимиз халқига қарата: “Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга улуғ мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмоқдамиз. Олдинда бизни улкан вазифалар, катта имкониятлар кутмоқда”13, деб таъкидлади. Аммо ушбу марраларни бажаришга халқимиз бор куч ва қудратини, илмий ва интеллектуал салоҳиятини аямайди, деб тўлиқ ишонч билдирди. Аммо белгилаб олган марранинг қийинлиги ва қанча машақатли бўлмасин, орқага йўл йўқлигини ҳам қатъий такидлаб, халқимзга катта ишонч билдирди. Унда қуйидаги гаплар айтилди: “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчилик-дан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман”14, деб таъкидлади.

---

[13]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси//“Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетла

[14]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиёти бундан кейин ҳам жадал ривожланади. Юқори суръатлар билан иқтисодий ўсишга эришилади. Бунинг учун барча асосларимиз бор. Булардан ҳам кўриниб турибдики, макроиқтисодий ўсиш – стратегик тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи ва унинг даражасини белгилаб берувчи мезон экан.

**Т.С.Шарипов –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.
**З.С.Артиков -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти в.б., PhD

## РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИДА БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЁНДАШУВЛАРИ

.

**Аннотация.**Ушбу тадқиқот ишида реал сектор соҳасида тадбиркорлик фаоллигини қўллаб-қувватлашнинг институционал ёндошувлари ўрганилган. Бунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг институционал муҳити ҳамда унинг ўзига хос нормалари тизими асослантирилган. Шу асосда тадбиркорлик фаоллигини ривожлантиришдаги институционал характердаги муаммолар танқидий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар.** реал сектор, институтлар, расмий институтлар, норасмий институтлар, институционал ёндашув.

**Аннотация.** В данном исследовании рассматриваются институциональные подходы к поддержке предпринимательства в реальном секторе. Также обосновывается институциональная среда развития бизнеса и ее специфическая система норм. На этой основе критически анализируются проблемы институционального характера в развитии предпринимательской деятельности.

**Ключевые слова.** реальный сектор, институты, формальные институты, неформальные институты, институциональный подход.

**Annotation.** This study examines institutional approaches to supporting entrepreneurship in the real sector. It also substantiates the institutional environment for business development and its specific system of norms. On this basis, the problems of an institutional nature in the development of entrepreneurial activity are critically analyzed.

**Keywords.** real sector, institutions, formal institutions, informal institutions, institutional approach.

---

Мурожаатномаси//“Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар

Реал сектор соҳасида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган самарали институционал муҳитни яратиш заруратини кўрсатмоқда. Муаммоларга институционал жиҳатдан ёндашиш ва бу борадаги назариялар иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва давлат бошқарувида муваффақиятли қўлланилган.[15]

Институтлар мамлакат ёки иқтисодий тизим даражасидаги ўзгаришларни бошқариш учун зарур бўлган қоидалар, чекловлар ва имтиёзларни таъминлайди. Д.Норднинг фикрича "институтлар - бу ўйин қоидалари", уларга жамият амал қилишининг муҳим қонун ва нормалари, ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари киради.[16]

Институционал муҳитнинг тартибга солувчи, когнитив, норматив нуқтаи назардан ёндашувлари асосида реал сектор корхоналари ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг институционал муҳити таркибини аниқлаш мумкин. Шунга кўра институционал муҳит – тадбиркорлик фаолиятининг самарали амал қилишини расмий ва норасмий қоидалари асосида қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизмларига асосланган қулай ишбилармонлик муҳитидир. У таркибига кўра, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатларини, тартибга солувчи, назорат қилувчи ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилий тузилмаларни, улар фаолиятининг субъект-институционал таркибини ҳамда қўллаб-қувватлашнинг институционал инструментларини қамраб олади (1-расм).

Шулардан келиб чиқсак, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг институционал механизми, улар фаолиятига таъсир этишнинг институционал инструментларидан таркиб топиши керак. Бунда унинг тартибга солувчи инструменти энг аҳамиятлиси бўлиб, у тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усулларини, уни ривожлантириш бўйича давлат иқтисодий сиёсатини, ҳамда уларнинг барқарор ишлаши ва ривожланишини таъминлайдиган расмий институтларни белгилайди. Бунда давлатнинг тадбиркорлик соҳасидаги сиёсати ва қонунчилик тизимини доимий равишда модернизация қилиб бориши ўта муҳим.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишнинг институционал асослари билан боғлиқ камчиликлар ҳамон сақланиб

---

[15] Matthews R. C. O., 1986, "The economics of institutions and the sources of economic growth", Economic Journal, 96, p. 903.; Williamson O. E., 1996, The mechanisms of governance, New York: Oxford University Press.; Zenger, T.R., Lazzarini, S.G. and Poppo, L. (2000), "Informal and formal organization in new institutional economics", Ingram, P. and Silverman, B.S. (Ed.) *The New Institutionalism in Strategic Management* (*Advances in Strategic Management, Vol. 19*), Emerald Group Publishing Limited, Bingley, pp. 277-305. https://doi.org/10.1016/S0742-3322(02)19009-7 ; Scott W. R. Institutions and organizations: Ideas, interests, and identities. – SAGE publications, 2013.

[16] North D. C., 1990, Institutions, institutional change and economic performance, Cambridge: Cambridge University Press.

қолмоқда. [17] Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш ва ислоҳотлар натижадорлигини ошириш мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва бу жараёнларда расмий ва норасмий институтларнинг ролини ошириш заруратини кўрсатмоқда.

Мазкур институционал муҳит таркибий элементларининг ўзаро самарали ишлаш принципини яратиш аҳолини тадбиркорликга кенг жалб қилишда бир қатор муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Бу муаммоларни ҳал этишда тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилий тузилмалар (бизнес-омбудсман, сиёсий партиялар, савдо-саноат палатаси, иқтисодий ва ҳакамлик судлари)нинг роли ниҳоятда муҳим. Улардан бири ўз-ўзини бошқариш принципига асосан фаолият кўрсатадиган савдо-саноат палатасидир. Палатанинг асосий мақсади тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ўз фаолиятида бошқарувнинг маъмурий усулларидан воз кечиши белгиланган. Палата низомининг 5.5-бандига кўра, аъзоликка қабул қилишнинг йиллик бадали энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баробаридан 20 баробаригача белгиланган. Шунингдек, низом талабларига кўра мажбурий аъзоликка қабул қилинадиган субъектларнинг йиллик бадали энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан – 2000 баробаригача қатъий миқдорларда белгиланган. Бундай қатъий чекловлар тадбиркорларни кўнгилли асосда бирлаштириш ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконини бермайди. Шу боис палатага аъзо бўлган оилавий корхоналар жуда кам. Бу борадаги маълумотларга кўра, 2012-2019 йиллар давомида Самарқанд вилояти бўйича савдо-саноат палатасига аъзо бўлган оилавий тадбиркорлик субектлари сони 114 тани ташкил этган. [18] Ёки бошқача айтганда бу кўрсаткич шу даврда вилоятда фаолият юритаётган оилавий корхоналарнинг атиги 7 %ини ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики оилавий тадбиркорлик субектларининг 93 %и биронта ҳам уюшмага аъзо эмас.

Савдо-саноат палатасига тадбиркорларнинг аъзо бўлиши, улар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида баъзи имтиёзларга эга бўлишдир. Палатага аъзо бўлиш шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилиб, аризани тўлдириш белгиланган. Бироқ, аъзо бўлиш учун электрон аризанинг “17. тадбиркорлик субъекти категорияси” номли бандида оилавий тадбиркорлик субъекти алохида категория сифатида номи кўрсатилмаган. Бу эса “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга асосан унинг алохида ҳуқуқий мақомини тан олмаслик ёки мазкур қонуннинг 7-боби 31-моддасида белгилаб қуйилган имкониятлари доирасида баъзи чекловларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

---

[17] https://regulation.gov.uz/uz/document/3048 (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳукумат тузилмасига кирувчи идоралар ва хўжалик бошқаруви органларини янада ихчамлаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори).

[18] Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Самарқанд вилояти худудий бошқармаси маълумотлари

Бундай муаммолар институционал характерда бўлиб, ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шу ўринда ҳозирги кунда бундай муаммоларни бартараф этишда институтларни ролини ошириш ва шу асосда қулай институционал муҳитни яратиш амалиёти халқаро тажрибаларда кенг қўлланилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда 2017-2021 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг институционал концепцияси белгилаб қўйилди, булар[19]:

- хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

- давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

- корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

- тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат - хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

Ушбу концепция мақсад ва вазифалари аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ривожлантириш учун етарлича асос бўлади. Бироқ, бугунги эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, ҳар бир оилани тадбиркор бўлишига имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш ўта мушкул масала. Бунда аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш орқали бир қатор ижтимоий-иқтисодий

[19] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ – 4947 – сонли Фармони.

муаммоларни ҳал этиш кутилган самарани бериши мумкин. Шу ўринда бизнингча, тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий сабаблар ҳисобга олиниши зарур, булар:

- тадбиркорлик биринчи галда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг асосий йўли эканлиги;

- тадбиркорлик инсон капиталини ижодий ва интеллектуал жиҳатдан рўёбга чиқариш орқали инновацион жамиятга ўтишнинг муҳим воситаси эканлиги;

- тадбиркорлик ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиши ва б.

Расмий институтлар

Тартибга солиш механизмлари

**Маъмурий усуллар:**
- давлат назорати;
- тадбиркорлик субъектла-рини давлат рўйхатидан ўтказиш;
- солиққа тортиш;
- лицензиялаш;
- монополия устидан назорат;
- ижтимоий тўловларни белгилаш;тарифларни жорий этиш.

**Иқтисодий усуллар:**
-монетар сиёсат;
-фискал сиёсат;
-ОТМни ривожлантириш дастурлари;
-ОТМни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
-давлат бюртмалари;
ташқи иқтисодий сиёсат.

**Ҳуқуқий жиҳатдан:**
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни;
- Давлат Дастурлари: «Ҳар бир оила — тадбиркор».

Президент Қарорлари: “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони; “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ва б.

Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари: “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Оилавий мехмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ва б.

**Когнитив жиҳатдан:** бизнесни юритишда билим, тассавур, малака, иқтидор ва муаммоларни ҳал қилиш қобилятларининг мавжудлиги.

**тартибга солувчи ва назорат қилувчи ташкилий тузилмалар:**
“Олий Мажлис”;
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;
Солиқ, божхона қўмитаси;

**хуқуқларни химоя қилувчи ташкилий тузилмалар:**
- Бизнес-омбудсман;
- Иқтисодий суд;
- Савдо-саноат палатаси

**ОТнинг субъект-институционал таркиби:**
Тадбиркорлик суъектлари;
Давлат корхоналари;
Тижорат банклари;
Истеъмолчилар;
Суғурта ташкилоти;
Жамғармалар;
Биржалар;
Консалтинг;
Юридик, аудиторлик фирмалари;
Реклама агентлиги;
Савдо-саноат палатаси.

**институционал инструментлар:**
- Грантлар;
- Имтиёзлар;
- Субсидиялар;
- Маслахат хизматлари ва тренинглар;

Технопарк;
Имтиёзли кредитлаш;
Давлат-хусусий шерикчилик;
ОТ қўллаб-кувватлаш маркази.

Норасмий институтлар

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**1-расм. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришнинг институционал муҳити таркиби**

Тадбиркорликни ушбу жиҳатлари ҳисобига ривожлантиришда ҳудудларда шаклланган ишбилармонлик муҳити кучли таъсирга эга. Шундан келиб чиқсак, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг институционал механизми самарадорлигини баҳолашда ҳудудий ёндашув мақсадга мувофиқдир. Бу эса ҳудудларнинг ривожланиши учун нотекис ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш имконини беради. Тадбиркорликнинг ҳудудий институционал механизми самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш мумкин:

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижадорлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари тизими;
- тадбиркорликни ҳудудлар ривожланишидаги ролини ифодаловчи кўрсаткичлари тизими.
- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тадбиркорликни ролини ифодаловчи кўрсаткичлари тизими.

Ушбу кўрсаткичлар ҳудудлар ривожланишида тадбиркорликнинг роли ҳамда унинг институционал муҳитини баҳолаш мезони бўлиб, шу кўрсаткичлар асосида худудларнинг рейтингини аниқлаш ҳам мумкин.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг самарали институционал муҳитини яратиш орқали қуйидагиларга эриш мумкин:

- бюрократик тўсиқлар ва коррупцияга тўла барҳам бериш;
- қулай макроиқтисодий муҳитни яратишда молия институтлари (солиқ, кредит) роли ва самарадорлиги ошади;
- фуқаролик жамияти институтларининг аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини оширишдаги роли ошади;
Since ancient times, entrepreneurship has been an important factor for people to build their lives, lead an independent lifestyle, work with initiative and contribute to the well-being of their family and native. It remains to say that business is absorbed into the blood of our people. It should be noted that the involvement of households in family entrepreneurship contributes to the strengthening of families and expands opportunities for rational solutions to various problems arising in marriage. The conflicts associated with living in the family of entrepreneurs are significantly less than in other families. It should be noted that more than half of the entrepreneurs admit that it helps to deal with the same business to solve family problems. In the family business, as a rule, there is a distribution of drinks of functions, in which both the man and the woman, and the children who have reached puberty, are used to the labor. Consequently, the success of the family business is in an organized way, that is, in helping each of them, in protecting corporate interests together and in keeping with family.

In conclusion, so that the “family business” in the form of hereditary entrepreneurship is not a simple business, but rather an entrepreneurial activity to deal with it, because of the characteristics of the type, each family can achieve success only when it takes initiative, organization, innovation, market Science, entrepreneurial abilities such as risk. When the Republic of Uzbekistan implements the proposals related to the development and adoption of the new law “on family business”, the family business in Uzbekistan is more developed. Parents, having started a family business in adulthood and leaving an inheritance to their children and grandchildren, seek financial security for their stable and prosperous future, as well as their old age.

**Ш.А.Султонов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.,

**Б.М.Қулиев** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

# МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИНИ БАҲОЛАШГА ДОИР УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

**Аннотация:** Мақолада мишийхизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги ўрнини баҳолашга доир услубий ёндашувлар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар**: хизмат, маиший хизмат, постиндустриал, иқтисодиёт, инвестиция, аҳоли, даромад, инновация, модернизация, ижтимоий, меъёр.

**Аннотация:** В статье анализируются методологические подходы к оценке роли бытового обслуживания в национальной экономике.

**Ключевые слова:** сервис, бытовые услуги, постиндустриальная экономика, инвестиции, население, доходы, инновации, модернизация, социальная, норма.

**Annotation:** The article analyzes the methodological approaches to assessing the role of consumer services in the national economy.

**Key words:** service, domestic service, postindustrial, economy, investment, population, income, innovation, modernization, social, norm.

Ҳозирги кунда иқтисодий адабиётларда маиший хизмат тушунчасини ижтимоий-иқтисодий категория сифатида моҳиятини ёритиб беришда турлича ёндашувлар мавжуд. Бу масалани кўриб чиқилиши аввало, унинг долзарблигини ифодалаб, у ёки бу кўринишдаги маиший хизматларга тегишли бўлган ёки бўлмаган фаолиятлар турларини аниқлаш имконини беради. Бу эса пировардида аниқ турдаги маиший хизматлар шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади. Хизмат кўрсатиш ва маиший хизмат тушунчалари аста-секинлик билан ўз моҳиятига эга бўла бошлади. Ф.Котлер «хизматлар - бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат бирон нарсага эгалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат» деб қарайди. Т.А.Агапова, С.Ф.Серегина- «хизматлар номоддий соҳага тааллуқли бўлиб, моддий махсулот яратмайдиган инсоннинг турли фаолият юритишидир» -деб ҳисоблайдилар. Худди шундай таърифларни хорижий олимлардан, З.И.Беликина, Е.А.Разомасова, Т.Бурменко, О.В.Конева Л.Демидова, В.Н.Соловьева, Н.Ю.Стоюшко, Л.В.Шемякина ва бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин. Республикамизнинг иқтисодчи олимлари ҳам хизмат кўрсатиш сохасини чуқур тадқик этиб, қуйидаги таърифларни беришган. Жумладан, М.Қ.Пардаев хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳиятини меҳнат жараёни нуқтаи назаридан, ЯИМ ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, давлат нуқтаи назаридан, товар нуқтаи назаридан, меҳнат эгаси нуқтаи назаридан, мулк эгаси манфаатлари нуқтаи назаридан очиб беради, Ж.М.Қурбонов эса хизмат кўрсатишни – яхшилик,

эзгулик, инсоннинг энг муҳим фазилати сифатида изоҳлайди. И.С.Очилов эса хизмат кўрсатиш соҳасини жамият тараққиёти нуқтаи назаридан қарайди. Г.Н.Ахунова, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуровлар «Иқтисодиёт асослари» номли ўқув қўлланмаларида хизматларни фаолият тури сифатида билиб, буюм ва нарсаларнинг сифатини ўзгартириш орқали кишиларнинг эҳтиёжларини қондиради, деб ҳисоблайдилар.

Муайян маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг функционал шаклланиши ва йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида шахсий эҳтиёжларини қондириш сифатида уй хўжалигини юритишда оилавий-маиший муносабатларни ифодалайди деб бир қатор иқтисодчи олимларнинг қарашларида келтириб ўтилган. Мазкур йўналиш намоёндаларидан бўлган В.Н.Кряжевнинг фикрича: “Маиший хизмат – бу халқ хўжалиги тармоқларига тегишли корхоналар сифатида оилавий-маиший муносабатларда юзага келадиган зарурий хизматларни ифодалайди” дейилади. Бу эса хизматларнинг маълум фаолиятлари доирасининг чегарасини жиддий равишда иқтисодиётнинг бошқа ихтисослашган тармоқларига кенгайтиришни талаб этади. Чунки, ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида маиший хизматлар соҳасида замонавий фаолият шакллари ва турларининг шаклланиб бориши мазкур соҳанинг турли йўналишларида кенгайиб боришини асослайди.

В.М.Дмитревнинг фикрига кўра: маиший хизмат – бу самарали ҳаракат сифатида кўпгина меҳнат унумдорлигининг натижалари бўлиб, ё моддий-ашёвий предметларда гавдаланадиган, ё сезиларли натижаларни ифодалайдиган аниқ кўринишдаги фаолият тури ҳисобланади” дейилади. Аммо, муаллиф мазкур таърифда маиший хизмат моддий ишлаб чиқариш соҳасига тегишли тармоқ сифатида бу соҳада меҳнат унумдорлиги аниқланишини эътироф этади. Ушбу фикрни қўллаб-қувватловчи олимлардан яна бири Я.С.Ядгаров эса: “Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ўзига хос моддий ишлаб чиқариш сифатида маиший хизмат аниқланади”[1] ва мамлакат миллий даромади ва жами ижтимоий маҳсулотда тармоқнинг реал улушини ифодалайди деб таъкидлайди. Аммо, бу таърифда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг хусусиятлари ва ўзига хос функционал кўринишлари турдош моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан алоҳида ажратиб келтирилмаган.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўзига хос тармоқ ҳисобланади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг асосий массасини турмуш даражасини қўллаб-қувватлашда унинг ижтимоий аҳамияти юксалиши билан

---

[1] Ядгаров Я.С. Бытовая обслуживаний. Экономика и культура сервиса. М.: Экономика, 1990-с.19.

шартланади”. А.М.Саидовнинг фикрича, “маиший хизмат – бу фойдали фаолият бўлиб, аҳолининг жисмоний, ижтимоий, моддий аҳамиятига эга маиший эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, провард натижалардир” дейилади.

Иқтисодиётнинг инновацион ва инвестицион ривожлантириш шароитида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг ўсиб бораётган маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга қулай шарт-шароит яратиш ишнинг илмий аҳамиятини очиб беради. Бу соҳа аҳолини турли хил маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги эҳтиёжарини қондиришда уй хўжалигида меҳнат сарфини қисқартириш ва фуқароларнинг бўш вақтларини кўпайтириш имконини яратади.

Мамлакатимизда маиший хизматларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

– оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш;

– тикув, мўйна ва чарм маҳсулотлар, бош кийим ва тўқимачилик атторлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш, трикотаж маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш;

– маиший техника ва ускуналарни, соатларни таъмирлаш, заргарлик маҳсулотларни таъмирлаш ва тайёрлаш, радиоэлектрон аппаратура, кампютерлар, теливизорлар, телефонлар, магнитафонлар, мусиқа асбобларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

– мебелни тайёрлаш ва таъмирлаш;

– велосипедларни таъмирлаш бўйича хизматлар;

– спорт анжомларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар;

– жетон (танга) ташлаш йўли билан ишлайдиган машина-автоматлардан фойдаланган ҳолда кир ювиш бўйича хизматлар;

– кимёвий тозалаш ва бўяш;

– ранг бериш ва рангни кучайтириш (жадаллаштириш) бўйича хизматлар

– дазмоллаш бўйича хизматлар;

– сартарошхоналар хизматлари;

– пардозлаш бўйича хизматлар, маникюр ва педикюр хизматлари;

– гўзаллик салонлари хизматлари;

– дафн маросимларини ташкил қилиш хизматлари ва шу билан боғлиқ хизматлар;

– уй-жой тозалаш хизматлари;

– маиший чиқиндиларни йиғиш хизматлари.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолияти ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари билан

назоратга олинади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солишнинг меъёрий усулларига ижтимоий меъёрларни ишлаб чиқиш киритилади. Бир қатор илмий ишларда уларни худудий даражада ишлаб чиқариш ва жорий этиш зарурлиги асосланади. Демак, ижтимоий меъёрларнинг ишлаб чиқилмаслиги ҳудудий даражада келгусида соҳанинг ривожланиши учун тўсқинлик қилиши мумкин бўлади.

Хулоса сифатида мухтасар айтганда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ушбу ижтимоий меъёрлари кенг жорий қилинса, хизмат таъминотининг меъёрлари сифатида мазкур соҳанинг белгиланган даражада ривожланишига ёки мақбул чегарада эҳтиёжларни тўлақонли қондиришни таъминлаб беради. Ижтимоий меъёрлар – бу ижтимоий аҳамиятга эга кўрсаткичларни қатъий равишда аниқлаш тизими бўлиб, инсонларнинг ҳаётий фаолиятлари жараёнлари ва жамият ижтимоий гуруҳларининг аниқ даврдаги шароитида юзага келадиган талабларининг маълум типик даражасини кўрсатади.Қоида сифатида ижтимоий меъёрлар, товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бошлангунига қадар ишлаб чиқарилади ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга марказлашган ҳолда таъсир кўрсатувчи воситалари таркибига киритилади. Ижтимоий меъёрларга қуйидагилар киради: 1000 кишигача тўғри келадиган маиший хизмат соҳасидаги ишчилар сони; аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми; 1000 кишига тўғри келадиган маиший хизмат кўрсатиш субъектлари сони; ҳудудий жойлашиш меъёрлари ва бошқалар.

**Ш.Ж.Маматкулова**-Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти

## МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация:**Ушбу мақолада меҳнат бозорини ўрганиш,эҳтиёжни аниқлаш, топиш ва уни қондириш, тадқиқот қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар**: меҳнат бозори, тадбиркорлик, кичик бизнес, маркетинг, талаб, таклиф, бандлик.

**Аннотация:**В этой статье показано, как изучить рынок труда, выявить, найти и удовлетворить потребности, исследовать.

**Ключевые слова:** рынок труда, предпринимательство, малый бизнес, маркетинг, спрос, предложение, занятость.

**Annotation:**This article shows you how to study the labor market, identify, find and meet needs, research.

**Key words**: labor market, entrepreneurship, small business, marketing, demand, sentence, employment.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида ижтимоий

соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Мамалакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, халқ турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Бинобарин, юртимизда ҳар йили миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ҳудудлар бўйича меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган тегишли дастурлар қабул қилиняпти.

Аҳолининг ишга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш ва унинг бандлик даражасини кўтариш ҳар бир мамлакат ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил қилади. Шу билан биргаликда аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси мамлакат иқтисодиёти ривожланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир” дейилган.

Ишга ёлловчи турли (жисмоний ва юридик) субъектлар, ишга ёлланувчилар ва улар ўртасидаги турли воситачилар меҳнат бозорининг иштирокчилари ҳисобланади. Турли воситачи фирмалар, ташкилотлар ва агентликлар меҳнат бозорининг инфратузилмасини ташкил этади.Ҳаракатлар стратегиясида меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан қисқа муддатли тренинг ва ўқув курсларини ўтказиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш, давлат аккредитациясига эга бўлган нодавлат таълим муассасалари учун давлат намунасидаги ҳужжатларни бериш бўйича чекловларни бартараф этиш назарда тутилган. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан боғлиқ тарзда, унга мос равишда шаклланаётган меҳнат бозори инфратузилмасининг самарали фаолият олиб бориши учун инфратузилма таркибига меҳнат бозорини ривожланиши, унинг кенгайишида асосий ўринни эгалловчи объект сифатида турли мутахассислар ҳамда касб-ҳунар эгаларини тайёрлаб берувчи манба-Олий ва касб-ҳунар таълими тизими асосий ўрин эгаллайди. Чунки меҳнат бозорининг ўсиб янги юқори сифат даражага кўтарилиши ҳамда миқдор жиҳатдан кенгайиши айнан ушбу тизимга боғлиқдир. Бу тизим муассасалари мамлакатимиз меҳнат бозорига ҳар йили етук мутахассисларни етказиб бермоқда. Иш билан таъминлаш, бандлик даражасини кўтариш борасида уларнинг ролини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Меҳнат бозори тизимида иш кучи махсус товар сифатида унинг соҳиби томонидан бозорга таклиф этилади. Иш берувчилар ёки ишга ёлловчилар меҳнат бозорига талаб билан чиқади. Иш кучининг олди-сотдиси бевосита ҳаридор билан сотувчи ўртасида тўғридан-тўғри ёки воситачилар иштирокида юз бериши мумкин. Иш кучининг олди-сотдиси

меҳнат битими шаклида расмийлаштирилади. Меҳнат бозорида иш кучининг сотувчиси билан унинг харидори ўртасидаги меҳнат бўйича келишилган нарх иш ҳақини ташкил қилади.

Замонавий меҳнат бозори иккита муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳал қилиши лозим. Биринчидан киши (меҳнат қилувчи)лар ўз меҳнати эвазига ўзларининг бирламчи табиий эҳтиёжларини қондира оладиган даражада даромадга эга бўлишлари лозим. Бу даромад сарфланган куч ва энергияни қайта тиклашга, бошқа иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга етарли бўлиши керак. Иккинчидан, меҳнат бозори тизими мамлакат аҳолисининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини бериши лозим. Бу тизим иш кучини мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳалари, унинг ҳудудий бирликлари ҳамда улардаги бизнес субъектлари ўртасида мақсадга мувофиқ тақсимлай олиши керак. Фикримизча, мамлакатимизда меҳнат бозорини юқорида зикр этилган вазифаларни тўлиқ бажара оладиган тизим тарзида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Меҳнат бозорида эҳтиёжни аниқлаш, топиш ва уни қондириш бошқа бозорлардагидек маркетинг фаолиятнинг асосини, ўзагини ташкил қилади. Меҳнат (иш кучи)га бўлган эҳтиёжни аниқлаш мураккаб жараён бўлиб, у микро ва макро даражаларда ҳамда жорий ҳолат ва истиқбол учун алоҳида-алоҳида аниқланиши керак. Меҳнатга бўлган жорий талабни микро даражада аниқлаш учун бизнес субъектининг жорий ишлаб чиқариш дастури ва ассортименти асос қилиб олинади. Бу ҳол учун меҳнатга бўлган талабнинг ҳисоб- китоби бирмунча оддий ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқариш дастурига асосан жонли меҳнат сарфи ҳажми меҳнат сарфи меёрларига биноан ҳисоб китоб қилинади. Шунингдек корхонадаги кадрлар қўнимсизлиги ва табиий ҳаракати коэфициентлари ҳисобга олинади. Истиқбол учун меҳнатга бўлган талаб бизнес субъектининг стратегик режасига асосан ишлаб чиқилиши лозим. Афсуски баъзи бир йирик компанияларни ҳисобга олмаганда аксарият бизнес субъектлари стратегик режалаштириш билан умуман шуғулланмайдилар.

Макро даражада эса, меҳнатга бўлган жорий талаб биснес субъектлари ва объектлари жорий талабини иқтисодиёт тармоқлари, соҳалар ва ҳудудий бирликлар бўйича умумлаштириш асосида аниқланади. Истиқболда керак бўладиган талабни аниқлаш анча мураккаб ва қийин жараён ҳисобланиб, унинг таркиби ва миқдори макро стратегик режалар асосида, махсус маркетинг тадқиқотларни ўтказган ҳолда аниқланади.

Меҳнат бозорининг ҳолатини кўрсатувчи ҳамда мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини белгиловчи омил ва энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бу-аҳолининг иш билан бандлик даражасидир. Бандлик деганда ўн олти ёшдан юқори ёшдаги, ишга эга бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони тушунилади. Аҳоли бандлиги муаммоси-кишиларни меҳнат фаолиятига жалб этиш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжини ишчи ўринлари билан қондиришни

назарда тутади. Меҳнатга лаёқатли бўлган барча аҳоли ишга эга бўлмай, ҳар қандай жамиятда ҳам ишсизлар мавжуддир. Ишсизлик-ишга эга бўлмаган ва иш ахтариб юрган меҳнатга лаёқатли аҳоли миқдорини билдиради. Иш ўринлари билан банд бўлганлар ва ишсизларнинг умумий миқдори ишчи кучини ташкил этади. Ишчи кучига меҳнат қилишга қодир ва меҳнат қилаётганлар, уй хўжалиги билан шуғулланаётганлар, мустақил ўз ишини олиб бораётганлар, иш қидираётганларнинг барчаси киритилади. Табиийки, меҳнат фаолияти билан машғул бўлмаган, ёши нуқтаи назаридан (болалар) балоғатга етмаган ёки кекса инсонлар-нафақахўрлар, шунингдек, таълим олаётган ёшлар (мактаб ўқувчилари, талабалар), ногиронлар ва ҳарбий хизматни ўтаётганлар улар таркибига кирмайди. Бир сўз билан айтганда, ким ишлай олмаса ва ишламаслиги керак бўлса, шунингдек, ким иш қидирмаган бўлса ишчи кучи ҳисобланмайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: меҳнатга лаёқатли аҳолининг ялпи бандлигини таъминлаш мумкин эмас. Чунки, кимдир ишчи кучига қўшилади, кимдир унинг таркибидан чиқади, учинчиларини ишдан бўшатадилар ёки уларнинг ўзи ишдан бўшайди, тўртинчилар иш ахтариб юрган бўлади, яъни ишчи кучининг ҳаракати юз беради, бунда унинг бир қисми қандайдир вақт оралиғида ишсиз қолади.

Меҳнат бозори таркибий қисмининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси, иш кучини ёлловчилар ўртасидаги, иш кучи эгалари ўртасидаги ва иш кучини тайёрлаб берувчилар ўртасидаги рақобат. Иш кучига бўлган талаб ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмаси ва халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳалари томонидан меҳнат бозорига буюртма қилинган иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва уй меҳнати томонидан даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган эҳтиёжнинг ҳажми ва таркибини акс эттиради. Таклиф эса, ёлланма ишга эга бўлишдан манфаатдор бўлган ишчи кучининг миқдор ва сифат (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, даромади ва бошқалар бўйича) таркибини ифодалайди. Шуни таъкидлаш жоизки, меҳнат бозори тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ва унинг таркибий қисмларини тизимли тадқиқ қилиш мазкур бозор бажарадиган асосий функция ва вазифаларни тўғри аниқлаш имконини беради. Бу вазифаларга ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажмини, уларнинг таркибини аниқлаш, талаб ва таклифнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, бозор шароитида хўжалик юритишининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш; меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш; ишсизларнинг иш топишига, уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини ошишига кўмаклашиш; ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва меҳнат тақсимотини ўзгартириш кабилар киради.

Ишчи кучининг нархи талаб ва таклиф ҳажми ҳамда таркибининг ўзгариши таъсирида ўзгаради. Иш кучининг нархига иш кучи эгалари

ўртасидаги ва ишга ёлловчилар ўртасидаги рақобат ҳам таъсир қилади. Умуман олганда, малакали меҳнат нархи ўсиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатлар меҳнат бозорининг ўз-ўзини тартибга солиш тамойилига асосланади. Меҳнат бозорининг характерли хусусияти шундаки, унда савдолашиш объекти бўлиб инсон эмас, унинг меҳнат қилиш қобилияти ва меҳнатдан фойдаланишнинг давомийлиги хизмат қилади. Унинг яна бир хусусияти шундаки, ишчи кучи бутунлай эмас, балки вақтинчалик муайян муддатга сотилади ҳамда иш ҳақи ишчи кучи истеъмол қилиб бўлингандан кейин тўланади. Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми миқдорининг ўсиши туфайли ишчи ўринлари билан меҳнат ресурслари номувофиқлигининг вужудга келаётганлигини ҳам унутмаслик керак. Бу ҳолат ишчи ўринларига нисбатан меҳнатга лаёқатли кишилар сони ўсаёгани, иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучларининг ҳаддан зиёд кўпайиши ҳисобига уларнинг меҳнат бозорига кириши, бозор капитали етарли даражада ривожланмаган бир шароитда меҳнат бозорининг шакллана бориши ва бунинг оқибатида ишчи кучига бўлган талабнинг таклифдан узилиб қолиши ва ишчи кучларининг касбий ва ҳудудий жиҳатдан ҳаракатчанлигининг паст даражада эканлиги ҳамда бошқа омиллар билан узвий боғлиқдир.

Республикамизда меҳнат бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий тизимини барпо этиш асосан тугалланди. Иш билан таъминлаш давлат хизмати ташкил этилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашувчи жамғарма барпо этилди. Эндиги вазифа меҳнат бозори бўғинларини ўрганиш асосида бандликнинг юқори даражасини таъминловчи тизимни шакллантиришдан иборатдир. Бизнинг фикримизча яратиладиган ушбу тизимда меҳнат бозорининг икки асосий элементига: биринчидан иш кучи(меҳнат) таклифи, яъни ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш масаласи ва унинг инфратузилмасига; иккинчидан меҳнатга талаб, яъни янги замонавий иш ўринларига эга бўлган бизнес субъектларни ташкил қилишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тизимлилик ва тизимли ёндошув нуқтаи назаридан қараганда ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини ҳам тизим сифатида ўрганиш, лойиҳалаш, яратиш ва такомиллаштириш лозим. Чунки бу жараён ўзаро алоқада бўлган бошқарув объектлари ва бошқарув субъекти синтезидан ташкил топган мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. Ушбу тизимнинг объектларини Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим муассасалари ташкил қилади. Бу тизим мураккаб иерархик структурага эга бўлиб, тузилманинг ҳар бир элементи ишчи кучини тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш бўйича унга бириктирилган функция ва вазифаларни бажаради.

Биринчидан бу тизимда ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишчи кучига бўлган жорий ва келгуси талабни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши керак. Ишчи кучига бўлган жорий ва келгуси талаб ушбу тизим муассасаларининг маркетинг бўлимлари томонидан аниқланиши шарт.

Турли тоифадаги юқори малакали мутахассислар ва касб-ҳунар эгаларига бўлган талаб турли усуллар ёрдамида аниқланади. Ҳар бир ҳолат учун маркетингнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланилади. Иккинчидан маркетинг хизмати томонидан аниқланган таркиб ва миқдордаги иш кучини тайёрлашнинг моддий, ўқув-услубий, тажриба-амалий ва кадрлар таъминоти яратилиши ва доимий ривожлантириб борилиши лозим.

# III ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИНИНГ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ”

**Е.Б.Ивушкина**- д.филос.н., профессор, Чеченский государственный университет им. А.А. Кадырова,

**Е.В.Дашкова** - к.филос.н., доцент, Чеченский государственный университет им. А.А. Кадырова

## ТУРИЗМ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ ТЕРРИТОРИЙ

**Annotatsiya.** Maqolada xalq xo‘jaligining ko‘plab tarmoqlarini rivojlantirish borasida turizmni barqaror rivojlantirish kontseptsiyasi ko‘rib chiqilmoqda. Mintaqada turizmni barqaror rivojlantirishni ta’minlaydigan iqtisodiyot, sotsium va etetik qabul nuqtai nazardan rekreatsion resurslar ko‘rib chiqildi. Sayyohlik klasterlarining shakllanishi sayyohlik korxonalari faoliyatini tashkil etishning innovatsion yo‘li sifatida ko‘rsatildi. Sayyohlik klasteri modeli shakllantirildi.

**Kalitli sozlar:** iqtisodiyot, turizm, barqaror rivojlanish, klaster yondashuvi.

**Аннотация.** В статье рассматривается концепция устойчивого развития туризма во взаимосвязи развития многих отраслей народного хозяйства. Рассмотрены рекреационные ресурсы с точек зрения экономики, социума и этетического восприятия, которые дадут устойчивое развитие туризма в регионе. Показано формирование туристских кластеров как инновационный способ организации деятельности туристских предприятий. Сформирована модель туристского кластера.

**Ключевые слова:** экономика, туризм, устойчивое развитие, кластерный подход.

**Annotation.** The article discusses the concept of sustainable tourism development in connection with the development of many sectors of the national economy. Recreational resources are considered from the point of view of economy, society and ethetic perception, which will give sustainable development of tourism in the region. The formation of tourist clusters is shown as an innovative way of organizing the activities of tourist enterprises. A model of a tourist cluster has been formed.

**Key words:** economy, tourism, sustainable development, cluster approach.

Туристская индустрия в последнее время ориентируется на устойчивое развитие. В связи с чем определяются проблемы и пути их решения. Этим проблемам уделяется особое внимание. О них говорится в нормативных документах, на симпозиумах и конференциях. Глобализационные и информационные процессы, происходящие в обществе, определяют и задачи по устойчивому развитию туриндустрии.

Наибольшее внимание проблемам устойчивого развития туризма уделено в странах Европейского Союза (ЕС), так как они – лидеры как по приёму туристов, так и по ежегодному количеству туристских поездок. Поэтому экологические, социальные последствия туризма являются главенствующей задачей в устойчивом развитии туризма в этих странах.

Проблемы устойчивого развития туризма обсуждаются на различных уровнях: на государственном, на общественном, на институциональном.

В настоящее время категория «устойчивое развитие» широко употребляема. Концепции устойчивого развития принципиально разработаны во всех сферах народного хозяйства.

Однозначной трактовки устойчивого развития и применения его в туризме нет. Главная идея состоит в бережном отношении к природе и окружающей среде, в выработке здорового образа жизни, в определении новых технологий производства. Для реализации этой цели используются теоретические и прикладные знания, внедряются технологии по охране природы, привлекаются финансовые потоки.

Экологическое мировоззрение, вырабатывающееся у местного населения и у прибывающих туристов, также способствует устойчивому развитию туризма. Рекреации с необычным ландшафтом с точки зрения культурной составляющей могут привлекать к себе потоки туристов. А это даст подъём экономики и приток финансов. Из этого следует усиление охраны и бережного отношения к рекреационным ресурсам. Местное население осознаёт, что нанесённый вред рекреационным ресурсам, выведет регион за пределы туристского пользования. Этот факт наиболее стимулирует к правильному бережливому отношению к ресурсам.

Таким образом, рекреационные ресурсы с точек зрения экономики, социума и эстетического восприятия дадут устойчивое развитие туризма в регионе. При этом должны быть сохранены культурные основания, оставаться в равновесии экология, не тронуто биоразнообразие, не изменены системы жизненного обеспечения региона.

Общество располагает природным (естественным), производственным (материально-финансовым), человеческим, социальным капиталами. Их интеграция обеспечит решение многих проблем.

Взаимодействие естественного и материально-финансового капиталов имеют некоторый прогресс. Экология и экономика: уменьшается естественный капитал, замедляется экономика. При этом естественный капитал не заменяется никаким другим видом. И только взаимодействие всех видов капитала приводит к устойчивому развитию.

Туризм во всех своих проявлениях и формах руководствуется принципами устойчивого туризма. Экология, экономика, социокультурные составляющие этого процесса должны быть сбалансированы.

На государственном уровне рассматриваются вопросы по внедрению и использованию ресурсосберегающих технологий на производствах, информирование общественности о проблемах устойчивого развития как стратегического направления, изучение системы взаимоотношений природы и общества.

Индексами состояния страны и её развития должны являться экономические и экологические показатели. Они отражают состояние национального богатства. К этим показателям применяется относительная

оценка, потому как экология не может быть выражена в денежном выражении. Сочетание денежного, материального и нематериального выражения является оптимальным: величина запасов различных ресурсов, красота ландшафтов, нетронутость природы.

Мировому сообществу намного труднее пройти к устойчивому туризму. Страны только во взаимосвязи могут решить проблемы, связанные с этим процессом. К направлениям международной деятельности в области устойчивого развития можно отнести: международную торговлю; демографические процессы; экологию; организация баз знаний с учётом научных исследований и передовых технологий.

Концепцию устойчивого развития необходимо рассматривать в течение длительного времени.

Устойчивое развитие всегда связано с качеством жизни людей. Оно обеспечивает совершенство процессов по жизнеобеспечению настоящих и будущих потребностей с экономической и экологической точек зрения.

Устойчивый туризм предоставляет экономике устойчивый рост, открытие новых рабочих мест, гендерное равенство. Он формирует стабильно развитую инфраструктуру, участвует в создании новых предприятий, управляет инновационными процессами.

Устойчивое развитие туризма способствует выравниванию уровня развития стран, регионов. Безопасные регионы, экологически устойчивые, с высоким стабильным уровнем жизни становятся всё более открытыми.

Устойчивый туризм использует рациональные потребительские и производственные модели.

Устойчивый туризм строит гуманное, миролюбивое общество, открытое для диалога, для совместной международной работы на условиях партнёрства.

Ежегодно увеличиваются обороты мировой торговли, количественный рост товаров и услуг, изменяется структура импорта и экспорта, что является тенденцией устойчивого развития. Туризм занимает первые значимые места в мировом экспорте. А значит эта отрасль экономически важна.

Привлекательность международного туризма увеличивается: задействуются всё большие территории, образуя несоразмерность в задействовании регионов. Хотя туризм внутри регионов превалирует над межконтинентальным.

Страны-лидеры туриндустрии развивают и совершенствуют технологии по предоставлению различных услуг. Они первыми заговорили об устойчивом туризме. В настоящее время на страны Франция, Испания, США, Италия, Китай приходится 35,6% всех прибытий, доходность поступления от туризма в таких странах, как США, Испания, Франция, Италия, Великобритания составляет 41,4% от мировых поступлений.

Основной целью для каждого туристского региона является рост числа туристских прибытий, повышение уровня интереса к туризму,

развитию технологий обслуживания туристов. Любая туристская дестинация стремится стать конкурентоспособной, выйти на новые туристские рынки. В этой ситуации на первый план выходят теоретические аспекты развития туристского бизнеса, анализируются возможные пути развития и совершенствования туризма применительно к конкретной территории. Внедряются инновационные способы организации деятельности туристских предприятий. Одним из таких способов является формирование туристских кластеров.

Одним из признанных инновационных подходов к организации деятельности предприятий является кластерный подход. По нашему мнению, данный подход заслуживает отдельного внимания в связи с возможностью его применения в туризме.

Категорию «кластер» ввёл Майкл Портер: «кластер – сконцентрированные по географическому признаку группы взаимосвязанных компаний, специализированных поставщиков, поставщиков услуг, фирм в соответствующих отраслях, а также связанных с их деятельностью организаций (например, университетов, агентств по стандартизации, а также торговых объединений) в определенных областях, конкурирующих, но вместе с тем и ведущих совместную работу».

Отсюда под кластером будем понимать предприятия, расположенные рядом, взаимодействующие друг с другом и с другими предприятиями в конкретной сфере деятельности. Деятельность таких предприятий дополняют друг друга и объединяются в общее дело.

Факторы, способствующие созданию кластера, М. Портер объединил в «ромб конкуренции» (рис.1).




Рисунок 1 – «Ромб конкуренции» М. Портера

Кластеры в туризме отличаются от кластеров других сфер экономической деятельности. Они имеют особенности, состоящие в организации маршрутов по территории. Образующиеся туристские потоки превращают конкурирующие элементы системы во взаимодействующие. Так туристский поток формирует кластер с главенствующим внутри него объектом и становится главным условием развития туристского кластера.

Как и любая система, кластер должен обладать неким центром, к которому относятся, прежде всего, крупные организации, главные игроки на рынке. Этот центр принято обозначать как «ядро кластера», тем самым подчеркивая значимость его функционирования для деятельности кластера

в целом. Роль «ядра» нельзя недооценивать, ведь именно крупные хозяйствующие субъекты создают спрос не только на свои товары и услуги, но и на продукцию смежных отраслей. В туриндустрии под ядром понимают туркомплекс. Он состоит из различных организаций, частных лиц, имеющих отношение к турдеятельности и потребителей результатов этой деятельности. Потребитель способствует функционированию кластера.

Для образования туристского кластера, помимо основных требований, предъявляемых к кластерам, обязательным является наличие или появление маршрутов и туристских потоков, а также объекта инфраструктуры либо мероприятия, вызывающего туристский интерес. Именно это будет являться условием для появления и успешного развития туристского кластера.

Сформируем модель туристского кластера (рис.2).




Рисунок 2 – Модель туристского кластера

Основанный на анализе как характеристик, ускоряющих развитие кластера, так и факторов, тормозящих его развитие, грамотно организованный процесс функционирования туристского кластера позволит получить максимальную выгоду и обеспечить региону конкурентные преимущества. Успех кластера улучшает экономическую ситуацию в регионе. Отсюда политическая значимость кластеров для властных структур, позволяя им выполнять социальные обязательства. Участники кластера получают преимущества перед организациями, не входящими в кластер за счет снижения издержек, вследствие эффекта масштаба. Кроме того, кластеры играют значительную роль в повышении производительности труда и инновационной деятельности. Войдя в кластер, предприятия малого и среднего бизнеса обретают новые возможности деятельности и доступ к ресурсам. Также в кластере совместно функционируют, дополняя друг друга, бизнес и региональные власти, это позволяет им, продвигать интересы кластерного образования на федеральном уровне.

Таким образом, участники туристского кластера – это туроператоры, гостиницы, транспортные компании, образовательные учреждения и органы

государственной власти, координирующие деятельность туристского кластера. Структура кластера – понятие не статичное, она может изменяться, расширятся и дополнятся. Для создания туристского кластера проводится анализ развития туризма и туристской инфраструктуры, определяются его локальные потребности, характеризуется наличие необходимых условий для создания кластера, рассматриваются различные подходы к оптимизации пространства туристской дестинации, намечаются основные мероприятия для перехода региона от создания отдельных туристских объектов к формированию туристского кластера. Результатом же создания туристского кластера является положительное позиционирование территории туристского кластера на различных уровнях, увеличение рабочих мест для местного населения, рост финансовых потоков от туристской деятельности в регионе.

Для российского опыта создания туристских кластеров характерно значительное участие федеральных органов власти в этом процессе. Формирование туристских кластеров должно происходит в рамках реализации целевых государственных программ, где государство берет на себя функции финансирования строительства объектов вспомогательной (электро- и газообеспечение, водоснабжение и т.д.) и транспортной инфраструктуры (дороги, аэропорты и т.д.). Проекты принимались к рассмотрению от региональных органов власти только при условии гарантированного инвестирования в них средств местного бюджета и частного бизнеса. Тем самым достигалось декларируемое программами государственно-частное партнерство по созданию туристского кластера.

В Стратегии развития туризма в Российской Федерации на период до 2035 года предусмотрено комплексное развитие внутреннего и въездного туризма в стране, основным механизмом для ее реализации названо планирование пространственного развития туристской территории. В реализации Стратегии будет использоваться программно-целевой подход, когда для участия в реализации государственной целевой программы по развитию туризма будут приниматься к рассмотрению только такие проекты, которые отвечают определенным требованиям. В качестве ключевого элемента такого проекта должно стать наличие «мастер-плана развития туристской территории», под которым понимается самостоятельный документ или раздел стратегического документа регионального и (или) муниципального уровня, определяющий локализацию проектов по развитию туристской территории.

Таким образом, с решением задач Стратегии развития туризма в России кластерный подход не только не отменяется, но и значительно расширяются возможности его применения. Поскольку вопрос планирования пространственного развития туризма перенесен на уровень стратегического планирования развития туристских территорий, а не только отдельных муниципальных образований, то это повлечет за собой создания межмуниципальных координационных центров, на которые будет

возложена функция разработки и реализации единой концепции развития и продвижения туристского продукта этой территории.

**Б.Р.Пардаев** – "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети "Офис регистратор бўлими" бош мутахассиси

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТУРИСТЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация**: мақолада иқтисодий тараққиёт стратегиясини таъминлашда туристлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилган. Унда туризм соҳасида фаолият хавфсизлигини ташкил қилиш йўллари, туризм соҳасининг фаолият хавфсизлигини таъминлашда тегишли қонун талаблари ва уларга амал қилиш механизмлари қараб чиқилган.

**Калит сўзлар**: туризм, турист, туристлар хавфсизлиги, инновация, инновацион омиллар, бошқариш, рақобатбардошлик, самарадорлик.

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы обеспечения безопасности туристов при обеспечении стратегии экономического развития. Рассмотрены способы организации безопасности деятельности в сфере туризма, требования соответствующего законодательства по обеспечению безопасности деятельности в сфере туризма и механизмы их реализации.

**Ключевые слова:** туризм, турист, туристская безопасность, инновации, инновационные факторы, управление, конкурентоспособность, эффективность.

**Abstract:** The article deals with the issues of ensuring the safety of tourists while ensuring the strategy of economic development. The ways of organizing the safety of activities in the field of tourism, the requirements of the relevant legislation to ensure the safety of activities in the field of tourism and the mechanisms for their implementation are considered.

**Keywords:** tourism, tourist, tourist security, innovation, innovation factors, management, competitiveness, efficiency.

Турист ўзининг яшаш жойидан саёҳатга чиқишида тегишли маршрутлар бўйича саёҳат қилиш билан бирга ўзининг ҳар томонлама хавфсизлигининг таъминланишини ўйлаб чиқади. Шу туфайли туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи "Туризм тўғрисида"ги қонунда ҳам кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август "Туризм тўғрисида"ги 830-I-сонли қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 14-моддасида "турист бир қанча ҳуқуқларга эга. Буларга:

"шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуидан тўла фойдаланиш;

саёҳатга тааллуқли тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

шахсий хавфсизлик, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шунингдек ўз мол-мулкининиг асралиши;

шошилинч тиббий ёрдам олиш;

шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий зарарнинг тўланиши, шунингдек маънавий зиённинг ўрни қопланиши;

агар турнинг умумий қиймати ошиши унинг шартлашилган қийматидан ортиб кетса, шунингдек форс-мажор ҳолатлари рўй берган тақдирда туристик фаолият субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қопламасдан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга”[1]. Кўриниб турибдики, турист нафақат шахсий хавфсизлик, балки моддий, аънавий жиҳатдан ҳам тўлиқ таъминланиши лозим бўлар экан. Булардан ташқари турист қонун ҳужжатларига ва қонун ости ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Ушбу моддадаги қонуний ҳуқуқларни таъминлаш учун туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Жумладан юқоридаги қонуннинг 19-моддасида “уристик фаолият субъектлари, туристик фирмалар ва унга дахлдор бўлган хўжалик юритувчи субъектлар туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

“туристларнинг сафарда хавф-хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг ободлигини таъминлашлари;

туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;

туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;

фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;

автомобиль, тоғ чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, ғор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт”[2], деб белгиланган.

Ушбу чора-тадбирларни таъминлаш учун туристик фирмалар туристик саёҳатларни ташкил этишда, уларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шаклларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишда ихтисослашган туристлар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи субъектлардан шартнома асосида фойдаланади. Чунки туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб қидирув-қутқарув хизматлари зараур бўлади. Қидирув-қутқарув хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилишини таъминлаш учун тегишли тарзда тузилган шартномаларда тўлиқ ўз ифодасини топади.

[1] Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август “Туризм тўғрисида”ги 830-I-сонли қонуни. 14-модда.
[2] Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август “Туризм тўғрисида”ги 830-I-сонли қонуни. 19-модда.

Туристик саёҳат жараёнида туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш йўлларини ҳам ўша жойнинг аниқ шароитидан, туристик маршрутларнинг ҳолатидан келиб чиқиб тушунтириш ҳамда зарур ҳолларда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари лозим бўлади. Чунки, автомобиль, тоғ чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, ғор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этишда турли шароитлар бўлиши мумкин. Шу туфайли туристлар бунақанги хатарли ва бир вақтнинг ўзида қизиқарли маршрутлардан бемалол юрадиган ҳолатга маънавий тайёр бўлишлигини ҳам тақозо қилади.

Туристлар хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим жиҳатлардан бири, уларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари ҳам лозим бўлади.

Ҳозирги пайтда туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари бўйича ҳам турли фикрлар мавжуд. Аммо қайси туризм шакли бўлмасин, ҳаммасида хавфсизликни таъминлаш масаласи устуворликни ташкил қилади. Шу туфайли туризмнинг турларининг айримларини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик (1-расм).




**1-расм. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туризмнинг асосий турлари**

Туризмнинг барча турлари бўйича ҳам туристик хизматлар таркибида хавфсизлик хизматлари ҳам бўлиши, ва уларнинг ўз вақтида кўрсатилиши таъминланадиган бўлиши лозим. Айниқса кириш туризмида хавфсизликнинг таъминланганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмаса, мамлакатимизга туристлар кирмайди. Худди шундай чиқиш туризми ҳам хавфсизлик таъминланмаган жойга чиқмайди. Шу иккала туризмнинг

натижаси халқаро туризмда ўз аксини топади. Мамлакатимизда жуда кўплаб тарихий обидалар мавжуд ва унга қилинадиган саёҳатларда (туризмда) ҳам хавфсизлик тўлиқ таъминланган-лигига кафолат бўлиши керак. Туризмнинг муҳим турларидан археологик туризм ҳам ўзига хос бўлиб, мамлакатимизда деярли барча туристик маршрутлар таркибида мавжуд. Рекреацион ва соғломлаштирувчи дам олиш туризми ҳам ўзига яраша хавфсизликнинг таъминланишини талаб қилади. Гастрономия туризми ҳам ўта нозик туризмнинг турларига киради. Бу ерда тайёрланадиган таъомлар туристлар талабига тўлиқ жавоб бериши лозим. Айниқса мусулмон мамлакатлардан ташриф буюрувчилар учун ҳалол стандартларга тўлиқ жавоб берадиган бўлиши керак. Бу бевосита диний туризм билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги пайтда экологик туризмга ҳам талаб ошиб бормоқда. Бу ҳам табиат қўйнида турли йўналишларда хавфсизликни таъминлашни талаб қилади.

Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ яна бир йўналиш уларни ҳаракатланишига ҳам катта эътиборни қаратишни талаб қилади. Ҳозирги пайтда ушбу йўналишнинг турлари қуйидагилардан иборат (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Туристларни ҳаракатлантириш воситалари ва уларда ҳам хавфсизликни таъминлаш масалалари**

| Т/р | Ҳаракатлан-тирувчи воситалар | Уларда хавфсизликни таъминлаш жараёни ва воситалари |
|---|---|---|
| 1. | Авиатранс-порт. | Бу аксарият ҳолда халқаро ва мамлакатимизда йирик шаҳарлар ўртасида қўлланилади. Бунда барча хавфсизлик билан боғлиқ масалалар кўзда тутилган. |
| 2. | Денгиз транспорти | Мамлакатимизда денгиз транспортидан фойдаланилмайди. Аммо хорижга саёҳатга борган туристларимиз ундан фойдаланади. Бунда ҳам тегишли хавфсизликлар таъминланган бўлиши лозим. |
| 3. | Темир йўл транспорти | Мамлакатимиз ичкарисида ва айрим ҳолларда халқаро миқёсда ҳам ушбу транспорт туридан фойдаланилади. Бунда ҳам махсус хавфсизликни таъминлаш хизмати ташкил қилинган. |
| 4. | Автомобил транспорти | Автомобил транспортидан мамлакатимиз ичкарисида туристик маршрутлар бўйича саёҳат вақтида фойдаланилади. Бунда йўлдаги ҳаракат хавфсизлиги билан бирга автомобилнинг ичидаги муҳит ҳам талабга мос бўлиши лозим. Бунда ҳарорат, ташқаридан кирадиган шамол, иссиқлик |

| | | |
|---|---|---|
| | | ҳаммаси тегишли тарзда қулайликни таъминлаган бўлишлиги лозим. |
| 5. | От-уловлар билан сайр қилиш | Туристлар экологик, соғломлаштириш, рекреацион, агротуризм каби туризм маршрутларида от-уловлар (от, туя, эшак кабилар) билан сайр қилиш имконияти яратилган. Бунда фойдаланиладиган ҳайвонлар яхши ўргатилган бўлиши шарт. Акс ҳолда туристларни йиқитиб, бирорта шикаст едириши мумкин. Бу ҳолат туристларнинг хавфсизлигини таъминлашда катта хатоликка йўл қўйилганлигидан далолат беради ва мос равишда бундай туризмдан одамларнинг фойдаланиш даражаси сусайиб боради. |

Хулоса қилиб айтганда, туризмнинг барча турларини амалга оширишда туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш жараёнлари муҳим аҳамият касб этар экан. Шу туфайли, мамлакатимизда иқтисодий тараққиёт стратегиясини таъминлашда туристлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари объектив заруриятга айланган. Шу жиҳатдан, ушбу мавзу бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ва туристлар хавфсизлигини тўлиқ ва ишончли таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилмоқда.

**Ж.Р.Зайналов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.
**Д.А. Ахмедов** - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МДМ -120 гуруҳ магистранти

# КЛАСТЕРЛАР ОРҚАЛИ ҲУДУДИЙ ТУРИСТИК ЗОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Илмий мақолада Республикамизда ҳудудий туристик зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш асосида ривожлантириш йўналишларини белгилаш йўллари ўрганилган. Шу билан биргаликда ҳудудий туристик зоналарни ривожлантиришда кластерлар имкониятларини таҳлил қилиш асосида ривожланиш йўналишлари белгилаб олинган ва туристларга сифатли хизмат турларини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

**Калит сўзлар:** туризм, инфратузилма, кластер, рекреация, SWOT таҳлил, жозибадорлик, ресурслар, давлат-хусусий шериклик.

**Аннотация.** В научной статье рассматриваются вопросы организации региональных туристических зон нашей Республики, а также анализируется потенциал данных зон для определения направлений их развития. Более того, на основе анализа возможностей кластеров в развитии региональных туристических зон определены

направления развития данной сферы, и даны предложения и рекомендации по разработке качественных услуг для туристов.
**Ключевые слова:** туризм, инфраструктура, кластер, отдых, SWOT-анализ, привлекательность, ресурсы, государственно-частное партнерство.
**Abstract.** The article examines the organization of regional tourist zones of our Republic, and also analyzes the potential of these zones to determine the directions of their development. Moreover, on the basis of an analysis of the possibilities of clusters in the improvement of regional tourist zones, the directions of development of this area are determined, and proposals and recommendations are given for the development of high-quality services for tourists.
**Key words:** tourism, infrastruct

Ҳозирги пайтда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқишда асосий эътибор нималарга қаратилишини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса соҳада кластер тизимини қўллашда бугунги кунда кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аҳолига рақобатбардош турмаҳсулотни яратиш ва тақдим этишга асосланган туристик-рекреацион кластерларни ташкил этиш ҳудуднинг иқтисодий ўсишининг янги сифатига эришишига ёрдам беради[1]. Экспортбоп ҳом-ашёни ошириш моделидан, инновацияларга йўналтирилган иқтисодий ўсиш моделига ўтишни амалга оширувчи туристик кластерларни яратишнинг ўзига хос жозибадорлиги саноат ривожланиши мавжуд бўлмаган, лекин етарлича табиий ресурсларга бой бўлган ҳудудлар учун хосдир. Илмий изланишларимизда республикамиз ҳудудларида туризм инфратузилмаси ривожланишини белгилашда яқин йилларда кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва шу орқали туризмда кластерларни жорий қилиш методологияси қўлланилиб, бу борада мутахассислар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, қиёслаш, эмперик тадқиқот, қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш каби усуллари орқали туризм инфратузилмасининг таркибий қисмлари ривожланиши йўналишларини белгилаб бериш усули таклиф этилгандир. Шунингдек, ҳудудларда туристик кластерлани ривожлантириш йўналишларининг устивор вазифаларига оид хулосалар қилинган ва кластерларни ташкил қилишнинг истиқболли йўналишларига оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган. Жаҳон туризмидаги каби республикамизда ҳам сўнгги йилларда туристлар ташрифи ва туризм хизматлари экспорти барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда эди. Мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сони 2010 йил 870,9 минг, 2017 йил 2,690 минг, 2018 йил 5,346 минг, 2019 йил 6,748 мингтани ташкил қилган бўлиб, 2017 йилга нисбатан

1 Хасанов Н.Э. ҳудудий туристик зоналарни ривожлантиришда кластерлар имкониятларидан фойдаланиш. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil

2019 йилда қариб 2,5 баробар ортганлигини, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан туристлар ташрифи 26,8 %га ошганлигини кузатиш мумкин. 2020 йилда пандемия туфайли республикамизга 1,504 минг турист ташриф буюрди. Шу сингари туризм хизматлари экспортининг 2010 йилги кўрсаткичи 121,4 млн. бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йил 546,9 млн., 2018 йил 1,041 млн., 2019 йилда 1,313 млн., 2020 йилда 261 млн. АҚШ долларини ташкил этган.[1]

Бу каби юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун соҳани ривожлантириш, хусусан, инвестицион фаолиятни рағбатлантирган ҳолда хавфсиз туризм хизматлари кўрсатишни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эркин туристик ҳудудларнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш асосида самарали ривожлантириш, туризм индустриясини ривожлантиришнинг стратегик моделини ишлаб чиқиш, давлат-хусусий шериклик шароитида минтақалараро ва жаҳон миқёсидаги лойиҳаларни янада ривожлантириш каби устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилиши тақозо этилади. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, шунингдек, энг муҳим устувор вазифаларидан бири бўлган ҳудудларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиётнинг устувор соҳаларини барқарор ривожлантиришга катта эътибор бериб келинган ва ҳозирги даврда ҳам барқарор ривожланиш йўналишлари муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳамда таҳлилларимизга асосланган ҳолда, республикамизнинг тоғли (Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари) ҳудудларида туристик кластерларни ривожлантириш учун инфратузилманинг имкониятлари етарли.

Шу сингари ташкиллаштириш таклиф этилаётган туристик кластернинг фаолиятини ва келажагини белгилашда бир қатор маркетинг тадқиқотларини амалга оширишга тўғри келади. Бу борада бозорни ўрганишда фойдаланиладиган SWOT таҳлилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

---

[1] www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси расмий сайт маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

(1-жадвал)

Кластер фаолиятини ташкил .илишнинг SWOT таҳлили[1]

| Кучли томонлар | Кучсиз томонлар |
|---|---|
| -замонавий услубда хизмат кўрсатиш;<br>-малакали бошқарув ва хизмат кўрсатиш ходимлари;<br>-янги ғояларнинг мавжудлиги ва уларни доимий қўллаб туриш;<br>-туристик фирмаларнинг меҳмон-хоналар ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан алоқалари;<br>-минтақадаги бозорнинг машҳур пешқадами;<br>-кўрсатиладиган хизматларга турист-ларнинг ижобий фикри;<br>-Ўзбекистонинг марказий қисмида жойлашганлиги. | -шу кунгача талаб доирасида ишлаб чиқилмаган стратегия;<br>-янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши;<br>-хизматлар кўрсатиш самарадорлиги пастлиги;<br>-инновацион технологияларнинг етиш-маслиги;<br>-туристик хизматларнинг сифатли даражада эмаслиги;<br>-туристик хизматларга талабнинг пастлиги. |

Хулоса қилиб оладиган бўлсак, кластерлар инновацион тизимлар бўлиб, улар минтақаларнинг самарали иқтисодий ривожланиши учун негиз бўлиши мумкин. Кластерли ёндашув маълумотларни бирлаштиришнинг янги шаклларини яратиш учун жуда катта сало.иятга эга асос ҳисобланиб, инновацион илмий-техник йўналишлари пайдо бўлиши ва уларнинг тижорий таклифларини рағбатлантиради, таълим, фан ва бизнес соҳасини билвосита қўллаб-қувватлайди.

Умуман олганда, туристик бизнес учун кластер ўз рақобатбардошлигини таъминлаш учун, яъни беш-ўн йил ва ундан кўпроқ даврда корхоналарни ривожлантриш бўйича узоқ муддатли стратегияни яратиш учун ҳақиқий имкониятдир. Бу ерда муваффақиятга эришишнинг асосий омиллари бизнес раҳбарларининг фаол позицияси ва минтақадаги турли ташкилий гуруҳларнинг манфаатлари орасидаги ижобий ҳамкорликдир. Шундай экан, кластернинг муваффақият калити бўлиб тараққий этган рақобат, самарали бошқарувга йўналтирилганлик ва минтақа маъмурияти томонидан кўрсатиладиган кўмак ҳисобланади.

[1] Туристик бозордаги маълумотлар асосида муаллифларнинг олиб борган тадқиқоти

**Р.М.Мусаев** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.
**Д.А. Ахмедов -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МДМ -120 гуруҳ магистранти

# ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЭРКИН ТУРИСТИК ҲУДУДДА РИВОЖЛАНТИРИШ

**Аннотация.** Ушбу мақолада давлат-хусусий шерикчилиги, унинг моҳияти, туризм соҳасида давлат-хусусий шерикчилигидан фойдаланишнинг афзалликлари масалалари ўрганилиб, таҳлил қилинган. Шунингдек, давлат-хусусий шерикчилик асосида эркин туристик ҳудудларни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган ҳамда мазкур механизм асосида туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрланган.

**Калит сўзлар:** туризм, эркин туристик ҳудуд, туристик инфратузилма, давлат-хусусий шерикчилиги, механизм, модернизация.

**Аннотация.** В статье исследуется и анализируется государственно-частное партнерство, его сущность, преимущества использования государственно-частного партнерства в туризме. Также разработан организационно-экономический механизм эффективного развития свободных туристических территорий на основе государственно-частного партнерства и подготовлены предложения по дальнейшему развитию туристической отрасли на основе этого механизма.

**Ключевые слова:** туризм, свободная туристическая зона, туристическая инфраструктура, государственно-частное партнерство, механизм, модернизация.

**Abstract.** The article examines and analyzes public-private partnership, its essence, the advantages of using public-private partnership in tourism. Also, an organizational and economic mechanism for the effective development of free tourist territories on the basis of public-private partnerships has been developed and proposals have been prepared for the further development of the tourism industry on the basis of this mechanism.

**Key words:** tourism, free tourist zone, tourist infrastructure, public-private partnership, mechanism, modernization.

Президентимиз томонидан 2019 йил 5 январь куни “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сонли фармон қабул қилинди[1]

Бу фармонга асосан қуйидаги йўналишлар:

-туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш;

-туризм бозорининг турли сигментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш;

-туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган бўлиб, амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди.

[1] www. Lex.uz. ҚҲММБ: 06/18/5611/2430-сон. 06.01.2019 й.

Ҳозирги пайтда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқишда асосий эътибор нималарга қаратилишини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг асосий мақсадларидан бири туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда кластернинг имкониятларидан самарали фойдаланиш бўлиб, бу соҳада кластерли ёндашувлар бошқа тармоқларга қараганда нисбатан кам ўрганилган. Анъанага кўра, кластерли ёндашув саноат ишлаб чиқаришига нисбатан ишлатилган. АҚШнинг электроника ва автомобилсозлик саноати, Германия кимё саноати, Италия пойабзал саноати, Швециянинг ўрмончилик ва ёғочни қайта ишлаш саноати ва бошқа шу каби саноат ҳудудлари нисбатан яхши ўрганилган. Кластерлар туризм инфратузилмасини ва марказларини шакллантириш, улар ташриф буюрувчиларни жалб қилиш, уларнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги истботланган. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, бу соҳада тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади. Аҳолига рақобатбардош турмаҳсулотни яратиш ва тақдим этишга асосланган туристик-рекреацион кластерларни ташкил этиш ҳудуднинг иқтисодий ўсишининг янги сифатига эришишига ёрдам беради. Экспортбоп ҳом-ашёни ошириш моделидан, инновацияларга йўналтирилган иқтисодий ўсиш моделига ўтишни амалга оширувчи туристик кластерларни яратишнинг ўзига хос жозибадорлиги саноат ривожланиши мавжуд бўлмаган, лекин етарлича табиий ресурсларга бой бўлган ҳудудлар учун хосдир. Туризмда давлат хусусий шерикчилигида бошқа корхоналарга нисбатан рақобат устунлигини ўрнатиш стратегиясини жорий қилиши мумкин. Туризмнинг ривожланиши ва аҳоли бандлигини ошириш ўртасида мустаҳкам алоқа мавжуд. Давлат хусусий шерикчилиги асосида узоқ муддатга мўлжалланган стратегияга кўра иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, бандлик даражасини ошириш ва камбағалликни камайтиришга эришиш мумкин 1 Яқин вақтларгача туризм соҳасида рақобатли бозор туфайли давлат ва хусусий шериклик алоқаларини ўрнатиш борасида иккиланишлар бўлиб турди. Давлат харажатларини оширадиган ёки рақобатбардошликни камайтириши мумкин бўлган бирор иш талаб қилинса, давлат сиёсати мазкур лойиҳаларда иштирок этишни истамас эди. Бироқ давлат ва хусусий туристик шерикчилик лойиҳаси аксинча бўлиши мумкин. Бу турли манфаатдор томонларнинг билимлари, тажрибалари, капиталлари ва бошқа манбаларининг бирлашишини англатади. Ҳамкорликнинг фойдали жиҳатлари ҳақидаги хулосалар аста-

[1] Deegan, J., Moloney, R., & Tourism, I. W. (2005). Understanding the Economic Contribution of Tourism to Economic Development: The Case of Ireland West. National Centre for Tourism Policy Studies.

секинлик билан ўсиб бормоқда. Бу шерикчилик тизим ичидаги изчилликни таъминлайди ва режалаштириш, бошқариш муаммоларини ҳал қилиш ва замонга мослашиш учун самарали восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун туризм хизматларининг рақобатдошлигини пасайтириш ўрнига аксинча кучайтиради[1]

Эркин туристик ҳудуд алоҳида ёки махсус иқтисодий ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори асосида қайта узайтириш шарти билан ўттиз йил муддатга ташкил этилади. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эркин туристик ҳудуднинг фаолияти юзасидан қарор қабул қилади. Эркин туристик ҳудудда жойлашган бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектлари эркин туристик ҳудуд иштирокчиларига инвестиция мажбуриятлари асосида “нол” қийматида тақдим этилади. Эркин туристик ҳудуд давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилади ва фаолият юритиши давомида давлат таъсирини камайтириб бориш эвазига хусусий субъектнинг ЭТҲ бошқарувдаги ваколатлари кенгайтирилади. ДХШ асосидаги ЭТҲ қуйидаги шаклларда ташкил этилиши мумкин: ижара, лизинг, концессия шартномаси асосида, қўшма корхона кўринишида, кооперация ва ҳ.к. ДХШ асосида ЭТҲ ташкил этиш давлат харажатларини оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, корхоналар фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, молиявий маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлашга сабаб бўлади[2]

Илмий изланишлар давомида ҳозирда туризм соҳасида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун хусусий инвестицияларни жалб қилиш имконини берувчи давлат-хусусий шериклигининг самарали шаклларини ривожлантириш бир қатор муаммолар учун ечим бўлиши аниқланди:

- мавжуд рекреация ва туризм инфратузилмасини жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ ҳолда модернизация, реконструкция қилиш;
- солиқ имтиёзлари ва давлат кафолатларини тақдим этиш орқали туризм бозорини ҳимоя қилиш;
- замонавий сайёҳлик бозори сифатида Самарқанд вилоятида ЭТҲни шакллантириш;
- туризм соҳасида ахборот таъминоти ва илмий-тадқиқотлар тизимини такомиллаштириш;
- минтақавий туризм бозорининг интеграциясини, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш; - рақобат асосида сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, туризм корхоналари фаолиятида ихтисослашув ва кооперацияни чуқурлаштириш;

1 Bramwell, Bill and Lane, Bernard. 2000, Tourism Collaboration and Partnerships – Politics, Practice and Sustainability, Channel View Publications, Sydney.
2 Бердимуродов А.Ш. ЭРКИН ТУРИСТИК ҲУДУДДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil

Умуман олганда, давлат-хусусий шериклигида давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги замонавий шароитда туризм ва меҳмондўстлик саноатини ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида эркин туристик ҳудудларни ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш ва бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш энг долзарб вазифалардан саналиши лозим.

**Б.Қ. Муродуллаев– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МДМ-121 магистранти**

## ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ

**Аннотация.** Туризм соҳасидаги инновацияларни инвестициялаш – бу илм-фан,техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш, яратиш, шунингдек уларни жорий этиш, мамлакат туристик жозибаорлигини оширишдир. Туризм соҳаси ва иқтисодиётнинг тегишли тармоқларини ривожлантириш учун давлатнинг асосий вазифаси инновацион туристик маҳсулотларни яратиш учун қулай инвестиция шароитларини яратишдир.

**Калит сўзлар:** инновация, инвестиция, инновацион стратегия, туристик маҳсулот, туристик хизматлар бозори, туризм

**Аннотация.** Инвестиции в инновации в сфере туризма - это разработка, создание новых туристских продуктов с применением достижений науки, техники, а также, внедрение, повысить социально-экономическое развитие и туристскую привлекательность страны и регионов. Основная задача государства по развитию туристического сектора и соответствующих секторов экономики - создание благоприятных инвестиционных условий для создания инновационных туристических продуктов.

**Ключевые слова:** инновация, инвестиции, инновационная стратегия, туристский продукт, рынок туристских услуг, туризм.

**Abstract:** Investment in innovation in the field of tourism is the development, creation of new tourism products using the achievements of science, technology, as well as the introduction, to increase the socio-economic development and tourist attractiveness of the country and regions. The main task of the state for the development of the tourism sector and the corresponding sectors of the economy - the creation of favorable investment conditions for the creation of innovative tourism products.

**Key words:** innovation, investment, innovation strategy, tourism product, market of tourism services, tourism.

Жамиятнинг ривожланиши ҳаётнинг турли соҳаларида доимий янгиланиш шарти билангина мумкин бўлади. Бунинг асосий воситаси инновациялардир. Мамлакатнинг инновацион ривожланиши замонавий жамиятнинг устувор йўналишларидан бирідир. Субъектларнинг инновацион фаолиятининг нотекислиги ва етарли даражада ривожланмаганлиги муносабати билан минтақавий инновацион лойиҳаларни яратиш вазифаси пайдо бўлади. Бундай лойиҳалар маълум ҳудудларда анъанавий равишда ривожланиб келаётган миллий иқтисодиёт

тармоқлари асосида яратилади. Субъектларнинг инновацион фаолиятининг нотекислиги ва етарли даражада ривожланмаганлиги муносабати билан минтақавий инновацион лойиҳаларни яратиш вазифаси пайдо бўлади.

Ҳудудлардаги инновацион туризмнинг яна бир йўналиши - бу воқеа туризми. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси инсон ҳаётининг турли соҳаларида интенсивлиги ва диққат марказининг ҳар хил даражадаги янгиликлари билан узвий боғлиқдир. Маданиятшуносликнинг илмий тадқиқотларида биринчи марта "инновация" тоифаси XIX асрда пайдо бўлди. Ушбу тушунча бир маданиятнинг айрим элементларини бошқасига киритиш жараёнига мурожаат қилиш учун ишлатилган. Инновацияларни техник янгиликлар сифатида ўрганиш 20-асрнинг бошларида бошланган [1].

Қабул қилинган муаммони ўрганиш учун, авваламбор, ички туристик оқимларни интенсивлаштиришнинг таркибий қисми сифатида "инновация" атамасининг моҳиятини ифода этиш вариантларини кўриб чиқиш керак. Луғатларда ҳам, маълумотномаларда ҳам, махсус ва ўқув адабиётларида ҳам "инновация" трактовкаси бирма-бир изоҳланмайди. "Инновация" тушунчаси таърифларини таҳлил қилиш шуни айтишимиз мумкинки, уларнинг кўпчилигида инновация янгилик, янгилик, ижодий жараён натижаси сифатида қаралади.

Инновацияларнинг моҳиятини бундай англаш объектив ёндашувни акс эттиради, улар А.К.Казанцев ва Л.Е.Миндели бу ҳақда ёзадилар, бу ҳолда объект - янги маҳсулот (ускуналар), технология, усул - янгилик вазифасини ўтайди [2]. Шу билан бирга Р.А.Фатхутдинов "инновация" ва "янгилик" тушунчаларини тенглаштириш керак эмас деб ҳисоблайди. Муаллиф таъкидлашича, инновация унинг самарадорлигини ошириш учун ҳар қандай фаолият соҳасидаги амалий тадқиқотлар, фундаментал, тажрибавий ёки экспериментал ишларнинг расмийлаштирилган натижасидир. Инновация янгиликка айланиши учун нафақат унинг ривожланишига маблағ сарфлаш керак, балки янгиликларни жорий этиш, амалга оширишнинг ижобий натижасини олиш ва инновацияларнинг тарқалишини давом эттириш муҳимдир [3].

Акс ҳолда, янгилик кўпинча мавжуд бўлган маҳсулотлар ўрнига янги маҳсулотлар, элементлар, ёндашувлар, тамойилларни жорий етиш жараёни сифатида қаралади. Бундай ҳолда, А.К.Казанцев ва Л.Е.Миндели фикрига кўра, инновация моҳиятини тушуниш жараён ёндашувида ётади.

Хизматлар савдоси тўғрисидаги Бош битим қоидаларига асосланиб, туризм соҳасида инновацияларни ривожлантиришнинг учта йўналиши мавжуд [4]:

- ташкилий инновациялар - тадбиркорлик ва туристик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ инновациялар;
- маркетинг янгиликлари - мақсадли истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш ёки маълум вақт мобайнида қамраб олинмаган харидорларни жалб қилиш имконини берадиган янгиликлар;

- маҳсулот янгиликлари - бу туристик маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини ўзгартиришга, унинг жойлашишини аниқлашга ва рақобатдош устунликларни беришга қаратилган даврий янгиликлар.

Шундай қилиб, туризм соҳасида инновация - бу янги жозибали туристик маҳсулотни яратиш, мамлакат ва минтақанинг, хусусан, туризм соҳасидаги инвесторлар фаолиятини кучайтириш учун қулай шароитларни шакллантиришдаги зарур жараён. Осло йўриқномасида таъкидланганидек, инновацияларнинг минимал талаб қилинадиган аломати, уни инновация деб атаган маҳсулот (ёки жараён) янги шароитларда ёки уни муайян шароитларда қўллаш амалиёти учун сезиларли даражада яхшиланиши талабига мувофиқдир. Бунда корхона томонидан яратилган ёки бошқа корхоналардан қарзга олинган инновацион фаолият натижаларини инновациялар деб таснифлаш мумкин. Инновацияларнинг умумий хусусияти бу унинг бозорга чиқиши жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фойдаланишга жорий этишдир.

Инновация – бу ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг ютуқларини жорий этиш, кириш. Туризм ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Туризм соҳаси ҳар қандай қитъага, давлатга ёки шаҳарга таъсир қилади, чунки туризм нафақат турар жой биноларини, балки транспорт, алоқа ва бошқа кўп нарсаларни қамраб оладиган иқтисодиётнинг тармоқлараро соҳасидир. Муваффақиятли ривожланиш шароитида туризм маълум афзалликларга эга, бу унинг турли мамлакатлар иқтисодиёти ва хусусан минтақамиз учун аҳамияти билан боғлиқ.

Шунга асосан Индекс икки гуруҳ кўрсаткичлари баҳоларининг тортилган йиғиндиси сифатида ҳисобланади: инновация ва инновацион натижалар учун мавжуд ресурслар. Ўзбекистон минтақаларида инновацион фаолиятни ривожлантириш зарурати Ўзбекистон субъектларининг аксарият қисмида инновацион фаолиятнинг нотекислиги ва етарли даражада ривожланмаганлигидан келиб чиқади. Ҳудудларнинг инновацион ривожланиши кўпинча маълум ҳудудларда анъанавий равишда ривожланиб борадиган миллий иқтисодиёт тармоқларига асосланган. Ушбу мақола доирасида туризм соҳасидаги инновацион ҳудудий лойиҳалар қизиқиш уйғотмоқда.

Туристик йўналишларнинг ривожланиши уларнинг ҳудудида туризм соҳасидаги янгиликларни амалга ошириш билан боғлиқ. Замонавий мамлакатларнинг минтақавий туризм дастурларида фаол татбиқ этилаётган инновацион йўналишлар қаторида қишлоқ хўжалиги туризмини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ҳозирги вақтда туризмнинг ушбу йўналиши Европа мамлакатларида жуда кенг тарқалган. Ўзбекистон учун агротуризмни ривожлантириш ички туризм бозорини фаоллаштириш, шунингдек, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси ҳаёт сифатини ошириш учун шароит яратиш зарурати билан боғлиқ ҳолда долзарб бўлиб бормоқда.

Агротуризм сайёҳлик йўналиши сифатида истеъмолчига мос туристик маҳсулотни яратиш учун қишлоқ хўжалиги, табиий, маданий, тарихий ва бошқа ресурслардан фойдаланишни таъминлайди. Агротуризм туризм соҳасини ривожлантиришнинг инновацион йўналиши сифатида ҳозирги кунда алоҳида ҳудудларни ривожлантириш шароитида долзарб бўлиб келмоқда.

Туризмда инновацион фаолиятнинг яна бир йўналишини ҳозирги вақтда жадал ривожланиб бораётган воқеа туризми деб аташ мумкин. Ушбу йўналиш туристик йўналишни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ, чунки у маълум бир вақтда ҳудудга ташриф буюришга, ҳар қандай воқеа билан боғлиқ бўлиб, у таассуротларнинг аҳамияти, ўзига хослиги, ёрқинлиги билан ажралиб туради. Воқеалар туризмининг асоси шундаки, воқеалар, туристик маҳсулотни яратиш учун асос бўлиб, тасодифий (бир марталик) категориялардан анъанавийлар тоифасига киради, борар жойни янада таниқли ва ўзига хос қилади. Туризм саноатига маҳсулот, ресурс, техник, технологик, ташкилий ва маркетинг янгиликларини жорий этиш нафақат қўшимча сайёҳлик оқимини жалб қилади, балки туристик корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилайди ва уларнинг ички ва ташқи туризм бозорларида рақобатбардошлигини оширади. Таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш инновацион туристик ва рекреацион ресурсларни фаол равишда оммалаштириш, интернет технологияларидан фойдаланиш ва янги истеъмолчилар гуруҳлари учун юқори сифатли хизмат кўрсатиш орқали ички сайёҳлик оқимининг кучайишини таъминлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш туристик хизматлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам, иқтисодий тизимнинг барча даражаларида бошқариш жараёнида ҳам инновацияларни жорий этиш орқали модернизация қилишни талаб қилади.

**F.Jomonqulova**-Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti, t.f.n

**M.Q.Nizomov** – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

## INNOVATSION TEHNOLOGIYALARDAN TURIZMDA FOYDALANISH TARAQQIYOTNING MUHIM OMILI

**Annotatsiya:** Hozirgi kunda axborot texnologiyalari keskin rivojlangan bir davrda xodimlarni boshqarish tizimiga,yani korxonada band bo‘lgan kishilar salohiyatini rivojlantirish va undan samarali foydalanish,ularning normal faoliyati ko‘rsatkichlari uchun zaruriy shart-sharoitlar yaratish bo‘yicha o‘zaro bog‘langan iqtisodiy-tashkiliy va ijtimoiy tadbirlari tizimi katta e’tibor qaratilmoqda. Maqolada ushbu sohada mavjud bo‘lgan asosiy tushunchalar haqida so‘z yuritiladi.

**Kalit so‘zlar:** tizim, boshqarish tizimi,avtomatlashtirlgan axborot, mutaxassis, mutaxassis menejerlar.

**Аннотация:** система управления персоналом –это система взаимосвязанных экономических,организационных и социальных механизмов развития и использования возможностий занятых людей,создания необходимых условий для их нормального

функционирования.управления трудовыми ресурсами в системе управиления является очень рациональным,посколькув центир внимания производства и управления находится то,что люди работают с рабочими,специалистами и менеджерами для достижения бизнес –целейи реализации плана.

**Ключевые слова:** система управления системой,экспертыменеджеры с автоматизираванной информацией.

**Annotation:** The personnel management system is a system of interrelated economic and organizational and social events designed to develop and enhance the capacity of employed people and create the necessary conditions for their normal functioning. Managing human resources in the production management system is highly unlikely, since the focus of production and management is the ability of managers, professionals, and managers to accomplish the intended purpose and the implementation of the plan.

**Key words:** system, management system, automated, informational expert, expert managers.

Axborot texnologiyalarini rivojlantirish va keng qo‘llash davlatimizning yaqin hamda uzoq muddatga mo‘ljallangan muhim strategik vazifalari qatorida turganini alohida qayd etish joiz. Zero Prezidentimiz ta’kidlaganidek – “2030 yilgacha mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotini 2 barobardan ziyod oshirishda ilg‘or texnologiyalar hamda axborot-kommunikasiya tizimlarini barcha sohaga yanada faol jalb etish muhim ahamiyatga egadir”.

Yurtimizda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jadal rivojlantirish maqsadida “axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalar sohasida, «avtomatlashtirilgan axborot tizimi»ni joriy etishda yagona davlat siyosatining amalga oshirilishini ta’minlash, axborot texnologiyalarini rivojlantirishning jahon darajasidan kelib chiqqan holda milliy axborot-kommunikatsiya tizimini tatbiq etish va rivojlantirish yuzasidan kompleks dasturlarni ishlab chiqish va amalga oshirish tegishli ishlar amalga oshirilmoqda.

Hozirda biz hayotimizni turli hil qurilma(gadjet)larsiz tasavvur qila olmaymiz. Vaqt o’tgan sari tehnologiyalarning yangidan-yangi turlari ixtiro qilinib, mavjudlari rivojlantirilmoqa. Hozirda biz uchun oddiydek ko’rinadigan ko’plab ixtirolar o’z vaqtida olamshumul kashfiyot sifatida butun dunyoni larzaga sola olgan. Albatta bu ixtirolar turizm sohasi uchun ham ishab chiqilgan. Natijada insonlarning sayohat va turizm haqidagi fikrlari, qarashlari ijobiy tarafga o’zgardi. Bu esa, turizmni daromad keltirish jihatidan yetakchi sohalardan biriga aylanishiga olib keldi. Axborot tehnologiyalarini ishlab chiqarish va butun dunyoga taqdim etishda oldingi o’rinlarda turuvchi Amadeus kompaniyasi turizmni mana shunday yuqori cho’qqilarga olib chiqqan va hozirda biz kundalik turmushimizda deyarli har kuni foydalanadigan ixtirolar ro’yhatini tuzib chiqdi[1]. Bular:

- GPS;
- Onlayn bron qilish;
- Samolyot;
- Elektron biletlar;

[1] Buyingbusinesstravel.com.ru

- Fotoappart;
- Tezyurar poyezdlar relslari;
- Kompas;
- Smartfon;
- Kredit kartalar;
- Bug’li dvigatel;
- Bankomat;
- Biometrik identifikator (bamoq izi orqali aniqlash);
- Onlayn registratsiya;
- Avtomobil.

Ushbu ixtirolarga nazar soladigan bo’lsak, ularning barchasi turistga sayohati davomida zarur bo’luvchi xizmatlarni taklif etadi. Yurtimizda asosan ziyorat turizmi rivojlanganini hisobga olsak, tashrif buyuruvchilarning asosiy qismini katta yoshdagilar tashkil etadi. Shu sababdan, mamlakatimiz turizmida qo’llanilayotgan tehnologiyalar asosan katta yoshdagi insonlar uchun mo’ljallangan bo’lishi zarur. Mana shunday tehnologiya sifatida audio-gid qurilmasini qo’llash mumkin. Bu tehnologiya mahalliy gidlar kam bo’lgan joylarda asqotadi. Audio-gidda tegishli ob’ekt ya`ni, tarixiy obida to’g’risida ma’lumotlar keltiriladi. Qurilmaga maxsus datchiklar o’rnatilgan bo’lib, u turistlarni harakati haqida ma’lumot yig’ib, ob’ektning aynan qaysi nuqtasiga kelganligini aniqlaydi va o’sha yetib kelgan hududi haqida ma’lumot beradi. Bu tehnologiyani biroz rivojlantirib, unga video orqali ham ishlash imkoniyatini qo’shish mumkin. Bu tehnologiya gidga nisbatan arzonroq va foydalanish qulayligi bilan ajralib turadi. Tehnologiya asosan turistlar ko’p, biroq gidlar kam bo’lgan vaziyatlarda qo’l kelishi mumkin.

Turizmda innovatsion tehnologiyalardan foydalanish nafaqat turistlarga qulaylik yaratishi balki, bu sohani rivojlantirish uchun katta imkoniyatlar yaratishi mumkin. Hozirda ko’pchilik ilmiy faoliyat bilan shug’ullanuvchi yoshlar uchun eng ko’p kerak bo’luvchi ma’lumotlar bu turizm statisikasidir. Bu ma’lumotlarni olish turli sabablarga ko’ra biroz mushkul bo’lmoqda. Shu sababdan ushbu muammoni bartaraf etish uchun eng qulay vosita sifatida tarixiy ob’ektlarga kirish qismida “Turniket”lar o’rnatilishi lozim. Ob’ektga tashrif buyurgan sayyoh ushbu turniketdan o’tish uchun ma’lum miqdordagi pul mablag’ini to’laydi. Shundan so’ng qurilma yo’lni ochadi va turist bemalol yo’lida davom etadi. Bu tehnologiya nafaqat statistik ma’lumotlar taqdim etishi balki, kassa oldida turistlarning navbat kutib qolishini oldini olishi mumkin. Tehnologiyaning yana bir qulay tarafi ichki va xalqaro turizmni alohida hisoblay olish imkoniyati mavjudligi. Ya’ni, chat ellik sayyohlar uchun AQSH pul birligi (dollar)da ishlovchi va ichki turistlar uchun davlatimiz pul birligi(so’m)da ishlovchi 2ta yo’lak mavjud bo’ladi.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida keltirib o’tilgan tehnologiyalar mamlakatimiz turizmining rivojlanishiga biroz bo’lsada yordam berishi mumkin. Ularni amalda qo’llash orqali statistik ma’lumotlar olish qiyinchiliklari bartaraf

etilishi va uzun navbatlarda turishlarning oldi olinishi mumkin. Audio-gid esa, yakka sayyohlarga qulaylik yaratishda muhim omil bo’lishi mumkin.

**А. Т. Мирзаев** - Фарғона политехника институти доценти, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

## ТУРИЗМ СОҲАСИДА МУЛЬТИПЛИКАТИВ САМАРАНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ

**Аннотация:** Мақолада туризм соҳасида юзага келувчи мультипликатив самара таъсирини баҳолаш имконини берувчи таркибий модель услубиёти ишлаб чиқилди ва ушбу модель асосида миллий иқтисодиётнинг реал сектор соҳасини ривожланишига таъсир самараси асосланди.

**Калит сўзлар:** туризм, туризм соҳаси, мультипликатив самара, миллий иқтисодиёт, реал сектор соҳаси, ресурс компонентлар.

**Аннотация:** В статье разработана методология структурной модели, позволяющая оценить влияние возникающих мультипликативных эффектов в сфере туризма, на основе этой модели был основан эффект воздействия на развитие реального сектора национальной экономики.

**Ключевые слова:** туризм, индустрия туризма, мультипликативная эффективность, национальная экономика, реальный сектор, ресурсные компоненты.

**Abstract:** The article has developed a methodology of a structural model that allows assessing the impact of emerging multiplicative effects in the field of tourism, on the basis of this model, the effect of the impact on the development of the real sector of the national economy was based.

**Keywords:** tourism, tourism industry, multiplicative efficiency, national economy, real sector, resource components.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида иқтисодиёт тармоқларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, ушбу соҳалар ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, минтақаларда иқтисодиётнинг янги, истиқболли тармоқлари ривожланишининг аҳолини ижтимоий ҳолатига таъсирини баҳолаш, минтақалар ҳудудий иқтисодиётида ноанъанавий бизнес шаклларининг ривожланиш ҳолатини ўрганиш асосида келгусида минтақалар иқтисодиётида реал секторни самарали ривожланишини таъминлаш – иқтисодиётни ривожлантиришда устувор йўналишлардан ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиёт соҳаларини импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган асосга ўтказилишида айнан реал сектор тармоқлари муҳим ўрин тутади.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият каби туризи соҳаси ҳам нафақат туристик хизматлар соҳаси, балки миллий иқтисодиётнинг реал сектор соҳаси умумий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади. Туризм соҳасида фойдаланилувчи туризм компонентларини ташкил этувчи ресурслардан фойдаланиш корхона даражасида туристик хизматларини яратишдаги ресурс сифатида фойдаланилса, бу бир вақтнинг ўзида тармоқ ва миллий иқтисодиётда мультипликатив самаранинг юзага келишига олиб келади.

Туризм соҳасининг миллий иқтисодиётнинг реал секторига бевосита таъсири унинг турли даражадаги (маҳаллий ёки марказлашган) бюджетларнинг даромадига солиқлар кўринишидаги қўшган ҳиссаси, шу билан бирга минтақа ёки миллий иқтисодиёт ялпи ички маҳсулоти (GDP)нинг шаклланишига қўшган ҳиссаси билан аниқланса, ижтимоий соҳага таъсири меҳнат ресурсларининг дам олиш ва даволаниш орқали ўз меҳнат қилиш қобилияти сифатини ошириши ҳамда фаолият соҳасида яратилган янги иш ўринларининг миқдори билан баҳоланади[1].

Туризм соҳасида мультипликатив самарани баҳолаш имконини берувчи услубиётни назарий-услубий жиҳатдан кўриб чиқиш асосида уни умумий ҳолатда баҳолаш имконини берувчи услубиётни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Мультипликатив самарани баҳолаш жараёнида технологик компонент чекланган инвестициялар шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлган математик моделлар мажмуи бўлиши ва уни амалиётда фойдаланиш миллий иқтисодиётнинг соддалаштирилган динамик модели асосида олинган кириш маълумотларига асосланиши лозим. Бунинг учун реал сектор соҳасининг асосий таркибий қисмлари билан туризм соҳаси ўртасидаги ўхшашликлар аниқлаб олиниши лозим(1-расм).

Туризм соҳаси бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар асосий фаолият билан бирга унга боғлиқ бўлган фаолият турларининг вақт бирлиги давомидаги ҳажмини ошириб боради.

Миллий иқтисодиётнинг реал секторида мультипликатив самара $t$ вақт учун $\varphi(t)$ экспоненциал функция кўринишида қабул қилинади ва қуйидаги боғлиқлик кўринишида ифодаланади:

$$\varphi(t) = \varphi_0 \exp(mt), \quad \varphi_0 \succ 0, \quad t \geq 0.$$

Бу боғланишда $\varphi(0)$ $-\tau \leq t \leq 0$ бўлган ҳолат учун истеъмол (давлат харидлари ва соф экспорт) йиғиндиси ҳисобланади. $m$ параметр эса $m = (1/\varphi) d\varphi / dt$ бўлганлиги сабабли $\varphi$ нинг $dt$ давр учун нисбий ўсиш суръати сифатида белгиланади.

Туризм соҳаси учун ҳам мультипликатив самара $t$ вақт учун $\varphi(t)$ экспоненциал функция кўринишида қабул қилинади ва қуйидаги боғлиқлик кўринишида ифодаланади:

$$\varphi(t) = \varphi_0 \exp(mt), \ \varphi_0 \succ 0, \quad m \succ 0, \quad t \geq 0,$$

Бироқ ушбу ҳолатда $\varphi(0)$ туризм соҳасидан ташқари ёндош тармоқ ва соҳалар маҳсулотлари истеъмоли йиғиндиси, шу билан бирга асосий туризм соҳаси томонидан ички ва ташқи туристларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йиғиндисидан иборат. $m$ параметр эса миллий иқтисодиёт даражасидаги каби $m = (1/\varphi) d\varphi / dt$ бўлганлиги сабабли туризм соҳасидаги $\varphi$ нинг $dt$ давр учун нисбий ўсиш суръати сифатида белгиланади.

Реал сектор соҳаси даражасида ёндош тармоқлар томонидан қўшимча ўсиш доирасида қилинган харажатлар ($\theta$)нинг прогноз миқдорини интеграл шаклда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$C_l = \int_0^{\theta} \varepsilon x(t) dt,$$

Бу ерда – $\varepsilon = \varepsilon(t)$ $t$ вақтга боғлиқ бўлган ва миқдор жиҳатидан бир бирлик маҳсулот (хизмат)га тўғри келувчи ўртача харажат миқдорига тенг бўлган қиймат.

Туризм соҳасида эса ёндош тармоқлар тушумини баҳолаш учун ушбу тармоқлар учун асосий тармоқ томонидан таъминланаётган туристлар оқимидан фойдаланилади. Бунда $\varepsilon = \varepsilon(t)$ $t$ вақтга боғлиқ бўлган ва миқдор жиҳатидан бир бирлик туристик маҳсулот (хизмат)га тўғри келувчи ўртача тўлов миқдорига тенг бўлган қиймат. Туристик маҳсулот учун умумий ҳолда $de/dt \succ 0$, эканлигини назарда тутилса, ёндош тармоқлар томонидан туристлар оқими ($x$) бутун давр мобайнида қўшимча хизмат (маҳсулот)лар билан таъминланади[3].

Лаг кечикишлари ( $\tau$ ) молиявий қўйилмалар, шу билан бирга технологик ва бошқа омилларнинг ҳажми ва хусусиятларидан келиб чиқади, шу сабабли лаг кечикишларининг минимал ($\tau_{min}$) ва максимал ($\tau_{max}$) чегараларини баҳолаш қулай. $\tau = \tau_{\min}$ ва $\tau = \tau_{\max}$ бўлган ҳолатлар учун $x = x(t)$ функционал боғлиқлик ўзгармайди, $x(t)$ нинг $t$ вақтдаги ўзгармас




**1-расм. Туризм соҳасида юзага келувчи мультипликатив самара таъсирини баҳолашнинг таркибий модели[1]**

моментлари турлича бўлади. Ушбу қийматлар асосида туристлар оқими ўзгариши билан боғлиқ бўлган ёндош тармоқлар даромадлари қўшимча ўсиш суръатлари ($\theta$)ни баҳолаш мумкин[4].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, туризм соҳаси компонентларини ҳисобга олган ҳолдаги миллий иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида мультипликатив самарасини аниқлаш мумкин. Юқорида амалга оширилган услубиёт асосида туризм салоҳияти юқори бўлган

---

[1] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

ҳудудларда фаолиятни ташкил этишнинг ҳудуд ялпи тараққиёти даражасига мультипликатив самарани аниқлаш мумкин. Шу жиҳатдан ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида туризм соҳасининг ҳудуд умумий тараққиётига мультипликатив самарасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

**Э.С.Умронов** -Фарғона политехника институти мустақил тадқиқотчиси

## ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ШАКЛЛАРИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Аннотация:** Мақолада туризм соҳасида тадбиркорлик шакллари диверсификациясига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилиб, уларда юзага келши мумкин бўлган муаммолар кўриб чиқилган .

**Калит сўзлар:** туризм, тармоқ, туризм хизматлари, реал сектор, кичик бизнес.

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы совершенствования управления туристскими услугами в туристских отраслях, появления эффективных стратегий управления туризмом.

**Ключевые слова:** туризм, отрасль, туристические услуги, реальный сектор, малый бизнес.

**Abstract:** The article discusses the issues of improving the management of tourist services in tourism industries, the emergence of effective tourism management strategies.

**Keywords:** tourism, industry, tourism services, real sector, small business.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига сабаб бўлди. Хусусан, трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй берди. Глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради. Будай шароитда туризм хизматларини бошқаришни такомиллаштириш туризм менежментининг самарали стратегиясини юзага чиқариш билан боғлиқ. Аслида туризм менежментининг стратегиясини туризм компанияси фаолиятини узоқ муддатли мақсадлари тизимини шакллантириш ва унга эришишнинг энг маъқул йўлини танлаш деб тушуниш мумкин.

Туризм менежменти стратегиясини шакллантириш даврини аниқлашнинг энг асосий шарти истеъмол бозорининг хусусий ривожланиш истиқболи ҳисобланади. Туризм менежменти стратегиясини шакллантириш даври ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ўртача уч йил доирасида,

мамлакатларнинг йирик туризм компаниялари стратегиясини амалга ошириш даври 10 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади[1]

Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудларида замонавий туризм инфратузилмасини яратиш, туристик бизнес бугунги кунда янада кенгайиб, унда турли давлатлар, тижорат ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар ва хизматлар бир-бирини тўлдириб боради.

Халқаро туризмда Европанинг етакчи мавқеи нафақат хорижий туристлар сони ва валюта даромадининг суммаси билан, балки бошқа мамлакатларнинг туристик индустрияси имкониятларидан ҳам юқори бўлган моддий-техник базасининг қуввати билан ҳам белгиланади. Масалан, пассажир транспорти воситалари, меҳмонхоналар, экскурсион-томоша объектлари буларга мисол бўла олади.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳаси менежменти туризм корхонаси фаолиятини бошқариш жараёнининг барча асосий жиҳатларини ўрганади. У туризм корхонасининг ривожланиш шартлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун бошқаришнинг оқилона ташкил этилишини шакллантиршга қаратилгандир. Туризм бошқаруви умумий менежмент назарияларига асосланган ҳолда турли менежмент усуллари ва қоидаларини туризм фаолиятига мувофиқлаштириш орқали ўрганади. Шу жумладан, туризм менежменти, туризм корхоналари фаолиятига алоқадор ишлаб чиқариш менежменти, инновацион менежмент, персонал менежменти ва молиявий менежментнинг умумий усулларидан фойдаланади.

Туризм менежментининг муҳим томони шундаки, у туризм фаолиятининг турли қирраларига алоқадор барча масалаларни комплекс тарзда бошқарилишини шакллантиради. Ушбу бошқариш масалалари тор маънода хўжалик фаолиятининг охирги натижаларига тўғридан-тўғри ёки эгри (билвосита) таъсир этади. Корхонада туризм жараёнининг такомиллаштирилишига қаратилган алоҳида чора-тадбирлар, қарорларнинг фақат инновацион менежмент нуқтаи назари билан қаралиши корхонанинг иқтисодий фаолияти, шарт-шароитларини тўла ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни таъминлай олмайди. Балки, бошқарувга бир томонлама ёндашиш корхонанинг молиявий аҳволига салбий таъсир этади.

Барча турдаги туризм корхоналарига, уларнинг мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар ўз аҳамиятига эга бўлган туризм менежментининг асосий функцияларини аниқлашда туризм корхонасининг товар ихтисослиги бўйича шакли, хажми ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли муайянлаштирилади. Туризм корхоналарининг ихтисослиги ва хажми бўйича тафовутлар: ўзига хос ташкил этиш ва туризм технологик

---

[1] *Ҳ.Ботирова, Ш.Тоштемиров. Глобаллашув шароитида туризм хизматларини бошқаришнинг такомиллаштириш йўллари. "BIZNES - ЭКСПЕРТ". 02.07.2019 й.*

жараёнларининг махсус, бошқалардан фарқли томонларини юзага келтиради; харидорларга хизмат кўрсатишнинг махсус, шакл ва услубларини амалга оширади.

Тармоқдаги тадбиркорлик шакллари диверсификацияси даражасини баҳолаш услубини янада яққолроқ тасаввур этиш учун унда бажариладиган амаллар кетма кетлигини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин. (1-расм).




**1-расм. Тармоқдаги тадбиркорлик шакллари диверсификацияси даражасини баҳолашда бажариладиган амаллар кетма-кетлиги[1].**

Юқорида баён этилган тармоқдаги тадбиркорлик шакллари диверсификацияси даражасини баҳолаш услубининг қўлланилиши, бир томондан, тармоқда хўжалик юритиш шакллари ҳамда тадбиркорлик эркинлиги, уларнинг амал қилиши учун зарур шарт-шароитларнинг таъминланганлигини аниқлаш имконини берса, бошқа томондан эса, тармоқ фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда иқтисодий салоҳиятдан кенгроқ фойдаланиш мақсадида хўжалик юритиш шакллари диверсификациясини янада такомиллаштириш йўналишларини аниқлашга имкон яратади.

Тармоқдаги тадбиркорлик шакллари диверсификацияси даражасини баҳолаш услубида бажариладиган амаллар кетма кетлигини қуйидагича ифодалаш мумкин: тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари фаолиятининг

---

[1] Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

рентабеллигини ифодаловчи (1-блок) хусусий индекслар қийматини аниқлаш; тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари фаолиятининг салмоғини ифодаловчи (2-блок) хусусий индекслар қийматини аниқлаш; 1-блок ва 2-блок хусусий индексларининг умумий қийматини аниқлаш; хусусий индекслар қийматининг қабул қилинадиган чегарасини аниқлаш; тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси индексини аниқлаш; тармоқдаги хўжалик юритиш шакллари диверсификацияси даражасига баҳо бериш ва уни такомиллаштириш йўналишларини аниқлашга имкон беради.

**A.A.Karimo**v– Samarqand iqtisodiyot instituti mustaqil tadqiqotchi

## MAMLAKATIMIZDA SPORT TURIZMINI TURLARI BO'YICHA RIVOJLANTIRIH IMKONIYATLARI

**Annotatsiya:** maqolada sport turizmining turlari va ko'rinishlari yoritib berilgan. Mamlakatimizda sport turizmining rivojlantirish imkoniyatlarining nazariy asoslari yoritilib berilgan.

**Kalit so'zlar:** turizm, sport turizmi, sport turizmi turlari, Dayving, ot sporti, Alpinistlik, Speleoturizm

**Аннотация:** В статье описаны виды и формы спортивного туризма. Освещены теоретические основы возможностей развития спортивного туризма в нашей стране.

**Ключевые слова:** туризм, спортивный туризм, виды спортивного туризма, дайвинг, конный спорт, альпинизм, спелеотуризм.

**Annotation:** The article describes the types and forms of sports tourism. Theoretical foundations of the opportunities for the development of sports tourism in our country are highlighted.

**Key words:** tourism, sports tourism, types of sports tourism, diving, equestrian sports, mountaineering, caving.

kuchli va yaxshi integratsiyalashgan texnologiyasidir. Buning sababi shundaki, marketing jamiyat va shaxsning umumiy va jismoniy madaniyatini tahlil qilishdan boshlanib, tugaydi. Bundan tashqari, turmush tarzini o'rganishdan boshlab, dasturni amalga oshirishning "oxirida" marketing ma'lum (birinchi navbatda - sog'lom, jismoniy faol) turmush tarzini shakllantiradi. Shunday qilib, marketing jamiyat va shaxsning jismoniy madaniyatini shakllantirishning samarali omili sifatida namoyon bo'ladi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "Jismoniy tarbiya va sport soxasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari tugrisida"gi 2018 yil 5 mart PF-5368-sonli Farmonida jismoniy tarbiya va sportni boshkaquv tizimidagi bir qator muammolar ko’rsatib o’tildi, ya’ni:

- joylarda jismoniy tarbiya va sport boshqaruvining samarali yaxlit tizimi mavjud emasligi, ushbu soxada davlat organlari va boshqa tashkilotlar faoliyatini muvofiklashtirish, soglom turmush tarzini ommalashtirish va targ’ib qilishni lozim darajada ta’minlanmagan;

- mamlakatimizda ham ommaviy sport, ham oliy sport yutuklari soxasida aniq vazifalar va maqsadli kursatkichlarni belgilagan holda, jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishning o’rta va uzoq muddatli istiqbol konsepsiyasi ishlab chiqilmagan;

- davlat-xususiy sheriklik shartlarida sportning zamonaviy moddiy-texnika bazasi va infratuzilmasini yaratish bo’yicha nodavlat sektor bilan uzaro munosabatlarning past darajasi mazkur sohada mavjud muammolarni samarali hal etishga imkon bermayapti;

- sport kadrlarini, ayniksa, boshqaruv kadrlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishning amaldagi tizimi jismoniy tarbiya va sport boshqaruvi soxasida malakali mutaxassislarga bo’lgan ehtiyojni kondirish imkoniga ega emas.

Shundan kelib chikkan holda O’zbekistonda sport faoliyati natijalari tahlil etilsa ayrim tendensiyalar yakkol ko’zga tashlanadi:

- jismoniy tarbiya va sport rivojini muvofiklashtirish faoliyati talab darajasida emas. Okibatda jaxon sport arenalarini qamrab olish darajasi past;

- professional musobaqalarda iqtisodiy va sport modellari yetishmaydi;

- mustaqil daromad topish manbalarining kamligi;

- mustaqil xoxlovchi muhlislarning kamligi;

- sport tashkilotlarini boshqarishda marketingning maksadli strategik konsepsiyasi muqammal ishlab chiqilmagan.

Bugun mamlakatimizda marketingni tobora ommalashib, sarmoya kiritish uchun yangi yo‘nalishlar, yangi bozorlar, yangi reklama imkoniyatlarini ochib bermoqda. Shu bois, ushbu murakkab iqtisodiy jarayonlarni boshqarish uchun malakali kadrlar tayyorlash, shuningdek, yosh mutaxassislar iqtisodiyotning mana shunday qiziqarli va g‘ayrioddiy sohasini idrok eta oladigan yetarli miqdorda adabiyotlar va o‘quv qo‘llanmalarini tayyorlash nihoyatda zarur.

**М.Т. Алимова –** Самарқанд иқтисодмиёт ва сервис институти профессори, DSc

# АҚШ МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ: ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Аннотация:** Мақолада АҚШ тажрибаси мисолида инновацион фаолликни давлат-хусусий бизнес шерикчилиги механизми асосида амалга ошириш йўналишлари бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** инновациялар, илмий-техника тараққиёти, давлат-хусусий шериклик механизми, венчур капитали, инновацион кластерлар.

**Аннотация:** В статье представлена информация об осуществлении инновационной деятельности на основе государственно-частного партнерства на примере опыта США.

**Ключевые слова:** инновации, научно-техническое развитие, механизм государственно-частного партнерства, венчурный капитал, инновационные кластеры.

**Annotation**: The article provides information on the implementation of innovative activity on the basis of public-private partnership in the example of the US experience.

**Keywords:** innovation, scientific and technological development, public-private partnership mechanism, venture capital, innovation clusters.

Дунёнинг турли мамлакатларида давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси турличадир. Хусусан, Япония ва Францияда давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувига устунлик қилса, АҚШ ва Буюк Британияда бозор механизмларига асосий урғу берилади.

Давлатнинг инновацион фаолиятга бевосита ва билвосита усуллар ёрдамида таъсир қилади. Давлат томонидан тартибга солишнинг айрим усулларидан фойдаланиш даражаси ҳам мамлакатлар кесимида фарқ қилади.

Бевосита таъсир усулларига илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, жумладан субсидиялар, биргаликда молиялаштириш, давлат буюртмалари, имтиёзлар, кафолатлар бериш ва бошқалар киради.

Бевосита таъсир қилишнинг кенг қўлланиладиган усули − бу давлат-хусусий шериклик муносабатлари бўлиб, усусий секторнинг илмий-тадқиқот институтлари ва университетлар билан илмий консорциумлар, муҳандислик марказлари, илмий ва технологик парклар яратиш орқали ҳамкорлигини соддалаштириш имконини беради.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усуллари қуйидагилардир:

– солиқ ва амортизация ажратмалари бўйича имтиёзлар бериш;
– қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш;
– тегишли инфратузилмани яратиш ва бошқалар.

Ушбу усулларнинг барчаси давлатнинг яна бир муҳим вазифасини – хўжалик юритувчи субектларнинг инновацион фаолиятини мувофиқлаштириш, оқилона ташкил этишни амалга оширишга ёрдам беради.

АҚШда инновацион сиёсатининг асосий мақсади – инновацион ривожланиш соҳасида етакчи мавқени сақлаб қолишга қаратилган. АҚШнинг мазкур соҳадаги етакчилиги қуйидагилар билан тавсифланади:

– энг кучли ва ривожланган миллий инновацион тизим;

– инновациялар ва илмий-техника тараққиётига асосланган барқарор иқтисодий ривожланиш;

– аҳолини ижтимоий таъминлашнинг илғор тизими.

Бундай тизим илмий ва инновацион соҳада давлат бошқарувининг узоқ давом этган эволюцияси натижасида шаклланди. Мисол учун, АҚШнинг Фан ва технология сиёсати бошқармаси 1961 йилда президент Жон Кеннеди томонидан фазони тадқиқ қилиш кўламининг ортиб бораётганлигига жавоб тариқасида ташкил топган. Бугунги кунда ушбу тузилма Президент девони ҳузурида кенг кўламли илмий ва технологик масалаларни ҳал қилади, илмий-техник таҳлилни таъминлайди ва асосий инновацион сиёсатга, федерал ҳукуматнинг режалари ва дастурларини яратишга оид Президент қарорларини ишлаб чиқади. Бундан ташқари, унинг функцияларига қуйидагилар киради:

– Президент ва Президент девонини бошқа бўлинмаларининг фан ва техниканинг ички ва халқаро муносабатларга таъсири бўйича келишувига эришиш;

– самарали илмий-техник сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда фанни молиялаштириш бўйича тармоқлараро ҳамкорликни амалга ошириш;

– фан ва технологияни ривожлантириш орқали иқтисодий фаровонлик, атроф-муҳит сифати ва миллий хавфсизликка ҳисса қўшиш мақсадида федерал инвестициялар ва хусусий сектор билан ишлаш;

– федерал, штат ва маҳаллий ҳокимият органлари, бошқа мамлакатлар ва илмий ҳамжамият ўртасида мустаҳкам ҳамкорликни яратиш;

– федерал тузилмаларнинг фан ва техника соҳасидаги саъй-ҳаракатлари кўлами, сифати ва самарадорлигини баҳолаш.

Мамлакатда олиб борилаётган инновацион сиёсат туфайли хусусий корхоналар, илмий марказлар ва университетлар ўртасидаги яқин алоқалар жадал ривожланмоқда.

Қўшма Штатларда инновацион ғояларнинг асосий манбаи давлат тадқиқот институтларига тегишли. Буларга федерал лабораториялар ҳам киради, уларнинг умумий сони 700 дан ортиқ (1-расм). Уларнинг барчаси энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, энг илғор олим ва мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Айтиш жоизки, АҚШда миллий тадқиқот инфратузилмасини модернизация қилиш доимий равишда амалга ошириб борилади. Меҳнат ресурслари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Яна бир устувор йўналиш – фундаментал тадқиқотлар улушини ошириш, улар асосида мамлакатнинг келажакдаги илмий-техник салоҳиятини шакллантиришга қаратилган.




**1-расм. АҚШнинг миллий инновацион тизими**

Бу соҳада асосий ролни фундаментал тадқиқотлар ва илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тизими эгаллайди. Давлат буюртмаларини бажарадиган корхона ва ташкилотлар қатор имтиёзларга эга. Яъни:

– фойда солиғи бўйича имтиёзлари;

– тезлаштирилган амортизация усулларидан фойдаланишга рухсат бериш;

– буюртмаларни бажариш ёки молиялаштириш учун давлат имтиёзли кредитларининг мавжудлиги;

– давлатга тегишли асбоб-ускуналар ва илмий лабораториялардан вақтинча фойдаланиш имконияти;

– давлат идораларидан ва давлат маблағларидан арзонлаштирилган нархларда материаллар сотиб олиш;

– хомашёни давлат органларидан чегирмали нархларда сотиб олиш.

Давлат буюртмалари тизимида компанияларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича тўғридан-тўғри, билвосита чора-тадбирларнинг самарали мажмуи мавжуд.

Ҳар бир штат худудида шаклланган инновацион кластерлар мамлакат ҳудудларини ривожлантиришда катта рол ўйнамоқда. Уларнинг энг муваффақиятлилари кўп йўналишли тармоқлараро алоқалар асосида шаклланганлиги диққатга сазовор.

АҚШда инновацион сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири венчур бизнесни қўллаб-қувватлашдир. АҚШда юқори технологияли

компанияларнинг аксарияти венчур капитали томонидан молиялаштирилади.

Венчур капитал бозорининг фаол иштирокчилари давлат ва мустақил инвесторлардир. Улар махсус бошқарув компаниялари раҳбарлигида ишлайдиган венчур капитал фондларини яратадилар. Бундай компаниялар маблағларни инновацион корхоналарга киритадилар.

АҚШда давлат-хусусий шериклик механизми биринчи навбатда, йирик лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, ихтисослашган венчур фондларини яратишда кенг қўлланилади. Давлатнинг қўллаб-қувватлаши туфайли АҚШда кичик бизнес, айниқса инновацион бизнес ниҳоятда ривожланган.

**Б.А.Искандаров –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тадқиқотчиси

## ИҚТИСОДИЁТДАГИ РАҚАМЛИ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ САНОАТИ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда қурилиш махсулоти корхоналарида персоналини бошқаришнинг долзарб масалалари ёритилган. Ўзбекистонда қурилиш махсулоти корхоналари персоналини бошқаришни рақамли стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишга қаратилган турли ёндашувлар тадқиқ қилинган ва муаллифнинг илмий ва амалий хулосалари шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, қурилиш махсулоти корхоналарида персонал, бошқаув, технология, инновация, иш ҳақи, даромад, лавозим, маълумотлилик.

**Аннотация:** В статье рассматриваются актуальные вопросы управления персоналом в масложировых предприятиях в условиях развития цифровой экономики. Изучены различные подходы к разработке и реализации цифровой стратегии управления масложировыми предприятиями в Узбекистане и сформированы авторские научные и практические выводы.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, масложировые предприятия, персонал, управление, технология, инновация, заработная плата, доход, прибыль, должность, образованность.

**Abstract:** The article discusses topical issues of personnel management in fat-and-oil enterprises in the context of the development of the digital economy. Various approaches to the development and implementation of a digital strategy for managing fat-and-oil enterprises in Uzbekistan were studied and the author's scientific and practical conclusions were formed.

**Keywords:** digital economy, fat and oil enterprises, personnel, management, technology, innovation, wages, income, profit, position, education.

Бугунги кунда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш учун зарур институционал асос яратилган, корпоратив бошқарув органлари шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда, акциядорлик жамиятларининг корпоратив қонунларига риоя этилишини

таъминлаш учун давлат назорати тизими яратилган. Шу билан шуни қайд этиш керакки, “таркибий ислоҳотларни давом эттириш жараёнида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришни изчил амалга ошириш” корпоратив бошқарувнинг моҳиятига жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Айниқса, давлат улуши юқори бўлган акциядорлик жамиятларининг муваффақиятли фаолияти кўп жиҳатдан нафақат давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий қилиш билан биргалик акциядорлик жамиятининг ташкилий фаолиятига: акциядорлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қандай амалга ошираётгани, корхона раҳбарлари учун меҳнатни рағбатлантириш усуллари қанчалик самарали эканлиги, молиявий фаолиятининг самарадорлигига ҳам сезиларли боғлиқ.

Корпоратив бошқарувнинг юқори стандартларига риоя қилган компаниялар узоқ муддатда корпорацияларга қараганда капиталга нисбатан кўпроқ фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Корпоратив бошқарув талабларига қатъий бўйсунадиган қимматли қоғозлар бозорлари инвестиция хавфини камайтиришга ёрдам беради. Бу каби бозорлар манфаатли капитал беришга тайёр бўлган кўпроқ инвесторларни жалб қилади ва ташқи молиявий манбаларга эҳтиёжи бўлган мулкдорлар ва тадбиркорларни бирлаштиришда анча самарали бўлади.

Демак, акциядорлик жамиятлари стратегик мақсадларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш, қувватини ошириш учун молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун корпоратив бошқарув тизимини, менежментда тизимли ўзгаришларни, бизнес жараёнларни такомиллаштириш талаб этилади.

Фикримизча, акциядорлик жамиятларида амалга ошириладиган тизимли ўзгаришларни, бизнес жараёнларни такомиллаштириш боғлиқ тадбирлар қўйидагиларни қамраб олиши керак: - ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни кучайтириш;

- корхонанинг ликвидлик кўрсаткичларини ошириш; 27 - ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш;

- моддий-техник базани мустаҳкамлаш имкони беради. Айниқса, қайд этилган тадбирлар билан бир қаторда самарали корпоратив бошқарув тамойилларига қатъий риоя қилиш, шаффофликни, ахборотлар очиқлигини таъминлаш - инвесторларнинг ишончини англатади. Корпоратив бошқарув самарасини фақат сифат кўрсаткичларини тўғри қўллаш натижасида баҳолаш мумкин. Табиийки, самарали корпоратив бошқарув инқироз вазиятларни руй бериш рискини камайтиради ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг муваффақиятли ҳал этилиш эҳтимолини оширади, акциядорлар ва инвесторлар билан муносабатларнинг “ошкоралигини” таъминлайди.

Ва ниҳоят, корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлиги нафақат корхона бозор қийматини оширади, балки ўз навбатида, молиявий

бозорларда рақобатбардошлигини оширади, кредитлаштириш қийматини пасайтиради ҳамда инвесторлар учун янада жозибадор қилади.

Таъкидлаш керакки, замонавий шароитларда корпоратив бошқарувнинг муваффақияти бевосита корхона обрўсига таъсири каттадир. Амалиёт шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланган бозорларда обрўнинг қиймати корхонанинг акциялар баҳосининг 8-15% гача бўлиши мумкин. Инвесторлар учун капитал қўйилмаларни танлашда асосий мезон таниқли рейтинг агентликлари томонидан корхонага берилган рейтинглардир. Чунки рейтинг корпоратив бошқарув сифатининг энг ёрқин баҳосидир.

Яхши бошқариладиган компаниялар миллий иқтисодиёт ва бутун жамият тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшадилар. Улар молиявий жиҳатдан барқарорроқ бўлиб, акциядорлар, ишчилар, маҳаллий жамоалар ва умуман мамлакатлар учун катта қиймат яратишни таъминлайди. Бу билан улар самарасиз бошқариладиган компаниялардан фарқ қилади.

Шундай қилиб, стратегик бошқарув ҳам, оператив бошқариш ҳам корхонада корпоратив бошқарув доирасида амалга оширилади. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятини бошқариш тизимида корпоратив бошқарувнинг операцион бошқарувга қараганда мавқеи юқоридир.

Демак, корпоратив бошқарув моҳиятан акциядорлик жамият бошқарувини самарали ташкил этишга қаратилган бўлиб, бу унинг акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилишни (биринчи навбатда молиявий манфаатларни), шунингдек, кенг доирадаги манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожланишга эришишни таъминлайди. Яъни, бир томондан, корпоратив бошқарув доирасида стратегик менежмент вазифалари ҳал қилиниши керак (ўзгарувчан атроф-муҳит шароитларига жавобан узоқ муддатли истиқболда ташкилотнинг рақобатдошлигини таъминлаш), бошқа томондан эса акциядорлик жамиятида бошқарув тизимида интеграцион механизмни шакллантириш билан боғлиқ вазифаларни қамраб олади. Фикримизча, корпоратив бошқарув менежментнинг стратегик ва оператив даражалари элементларининг ўзаро таъсирини уйғунлаштириши, стратегик даражада эса ишлаб чиқилган режаларнинг жамият учун энг мақбул молиявий ечимлар билан бажарилишини таъминлаши лозим.

Шунинг учун биз акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг сифатини баҳолашни ўтказишни таклиф қиламиз, бундан мақсад мавжуд бошқарув моделларини корпоратив бошқарув сифатини тавсифлайдиган мезонларни қиёсий таҳлил қилишдир.

Шубҳасиз, корпоратив стратегияларнинг асосий йўналиши қисқа ва узоқ муддатли истиқболда корпорациянинг ресурслари бўлиши керак. Корпоратив стратегияни сифатли баҳолаш узоқ муддатли ишлаш учун зарурдир. Стратегия самарали бўлиши учун баҳолаш мунтазам ва доимий равишда олиб борилиши керак.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув амалиётини такомиллаштириш учун корпоратив бошқарувнинг энг яхши амалиёти ва

стандартларига амал қилиш ва уни молиявий-иқтисодий фаолият самарадорлиги ва муваффақияти учун зарур шарт деб билиш, акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек, бизнес жараёнларини оптимал моделлаштириш зарур бўлади.

Шундай қилиб, самарали корпоратив бошқарув ўзгарувчан бозор иқтисодиётининг муҳим элементи ҳисобланади. Акциядорлар акциядорлик жамиятларини стратегик ривожлантиришга оид тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

**З.М.Усманова** - старший преподаватель Ферганский политехнического института

## К НЕКОТОРЫМ ВОПРОСАМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕХНОЛОГИИ КАЙДЗЕН В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ

**Аннотация**. В данной статье рассматриваются вопросы использования технологии кайдзен в целях совершенствования механизма управления персоналом на предприятиях лёгкой промышленности. В рамках исследования изучены вопросы по эффективному использованию технологии кайдзен. Автор изучил вопросы внедрения технологии кайдзен с учётом специфики исследуемой отрасли. В ходе исследования проведён анализ и даны рекомендации по результативному управлению персоналом с точки зрения учёта зарубежного опыта.

**Ключевые слова.** персонал, предприятие, кайдзен, управление, стимулирование персонала, зарубежный опыт, бережливое производство

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada yengil sanoat korxonalarida xodimlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish maqsadida kaydzen texnologiyasidan foydalanish masalalari muhokama qilinadi. Tadqiqot doirasida kaizen texnologiyasidan samarali foydalanish bo'yicha savollar o'rganildi. Muallif o‘rganilayotgan sohaning o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda kaydzen texnologiyasini joriy qilishni o‘rgangan. O‘rganish jarayonida xorij tajribasini hisobga olgan holda xodimlarni samarali boshqarish bo‘yicha tahlillar o‘tkazildi va tavsiyalar berildi.

**Kalit so'zlar**. kadrlar, korxona, kayzen, menejment, xodimlarni rag'batlantirish, xorijiy tajriba, tejamkor ishlab chiqarish

**Annotation**. This article discusses the use of kaizen technology in order to improve the mechanism of personnel management at light industry enterprises. As part of the study, questions on the effective use of kaizen technology were studied. The author studied the implementation of kaizen technology, taking into account the specifics of the industry under study.

In the course of the study, an analysis was carried out and recommendations were given for effective personnel management in terms of taking into account foreign experience.

**Keywords**. personnel, enterprise, kaizen, management, personnel stimulation, foreign experience, lean manufacturing

На сегодняшний день вопросы совершенствования механизма управления персоналом на предприятиях лёгкой промышленности являются особенно актуальными. Как известно правильно организованное

управление это ключ к успеху любого предприятия и предприятия лёгкой промышленности Ферганской области не являются исключением.

В своём исследовании мы бы хотели более подробно рассмотреть использование технологии кайдзен при управлении персоналом.

В чём суть системы кайдзен? Основное внимание эта система уделяет персоналу, так как именно от персонала зависит практически всё. Качественно подобранный персонал может стать фишкой любого предприятия. В центре внимания этой системы индивидуальный вклад каждого работника в конечные результаты производства.

Главная цель внедрения «кайдзен» заключается в повышении качества исходной продукции, а в итоге - удовлетворение потребителей.

Эта цель достигается с помощью оптимизации размеров заказов, уровня запасов, а также постоянным повышением навыков сотрудников. Каким же образом повышаются навыки сотрудников? Это прежде всего связано с эффективным управлением, с совершенствованием механизма управления в том числе и на предприятиях лёгкой промышленности.

В книге Масааки Имаи “Кайдзен – ключ к успеху японских компаний” даны чёткие рекомендации по использованию методологии кайдзен, найму и управлению персоналом. В направлении совершенствования механизма управления персоналом имеется большое количество работ, рекомендации в которых необходимо использовать в настоящее время .

Управление в случае использования технологии «кайдзен» подразумевает стимулирование персонала в разрезе подачи рационализаторских предложений. Предположим в процессе производства текстильной продукции работники определённого предприятия, которые относятся к данной отрасли подают свои идеи по улучшению производственного процесса или его отдельных стадий. Предложения могут носить локальный характер, улучшать какие либо операции, главная цель – это в совокупности улучшить конечный результат.

Совершенствование достигается применением разных технологий, принципов бережливого производства, позволяющих интегрировать производственную цель предприятия с целями партнеров и поставщиков.

Почему же так важно предприятиям внедрять бережливое производство? Какова же цель внедрения проекта по бережливому производству?

Согласно «кайдзен» каждый сотрудник регулярно вносит определённые предложения, касательно, предположим сферы производства, в совокупности все внесённые предложения каждым членом персонала приводят к желаемому результату. Эти предложения несут в себе определённые усовершенствования, они подаются в большом количестве, то есть всеми сотрудниками независимо от занимаемой должности, начиная с высшего звена управления и заканчивая низшим звеном .

В менеджменте качества персонал рассматривается как стержень всех ресурсов. Персонал предприятия используется во всех процессах – от простейших до самых сложных. Если результативно работает система управления персоналом, то высокого эффекта достигнет само предприятие.

Совершенствование механизма управления персоналом может включать следующее:

Во первых – выявление уровня компетентности персонала

Во вторых – своевременная подготовка и обучение персонала

В третьих – оценка эффективности принимаемых мер для обучения и подготовки сотрудников

В четвёртых - мобилизация персонала для достижения целей в области качества

В пятых – фиксирование данных об образовательном уровне, подготовленности и опыте сотрудников.

Предложения с целью улучшения сотрудники могут вносить в различные области – главная цель достижение успехов.

Основными элементами системы кайдзен являются такие как:

- работа в команде, то есть все работники работают в качестве единого целого, постоянно помогая и выручая друг друга, так как основная цель – это достижение улучшений;

-соблюдение личной дисциплины, которая предполагает строгое соблюдение определённых норм, касающихся расходования материальных, финансовых ресурсов;

-моральное состояние, предполагающее поддержание высокого морального духа независимо от того, удаётся достичь успеха или нет

На наш взгляд совершенствование системы управления персоналом с использованием технологии «кайдзен» даст свои положительные результаты так же и на предприятиях лёгкой промышленности нашего региона.

Представим себе ситуацию на предприятии, производящем женское пальто, если принимать во внимание предложения всех сотрудников, которые заняты в данном производстве, в конечном счёте можно достигнуть повышения эффективности всего производственного процесса.

Практическое использование технологии Кайдзен вбирает 2 подхода: активный и пассивный. В соответствии с этими инструментами реализации Кайдзен могут быть активными и пассивными [3]:

а) активные инструменты Кайдзен – регулируемые инструменты, которые направлены на совершенствования в выбранных областях и направлениях. Прежде всего, это Kaizen blitz и Воркшоп (Workshop).

Kaizen blitz (оперативные улучшения) – несколько последовательных и интенсивных проектов по улучшению в конкретной области.

Kaizen workshop (воркшоп). Воркшоп обычно длится около пяти дней. За этот промежуток времени Кайдзен - группа уточняет пути

реализации улучшений в процессах. Изначально исследуются принципы процесса, потом работа продолжается в гемба (на производстве). По итогам деятельности группа предоставляет план мероприятий по внедрению. Результат воркшопа подводится после претворения предлагаемых мероприятий, потому что эффект происходит через длительный промежуток времени (от нескольких месяцев до года).

Таблица 1

**Затраты на мероприятия по внедрению системы предложений**

| № | Мероприятие | Количество | Стоимость |
|---|---|---|---|
| 1 | Печать Кайдзен - карт (формат А4) | 5000 шт. | 500000 сум |
| 2 | Ватман для Кайдзен - листа (формат А0) | 5 шт. | 100000 сум |
| 3. | Журнал учета Кайдзен - предложений | 3 шт. | 50000 сум |
| | Итого: | | 650000сум |

Помимо получения экономической выгоды при внедрении элементов Кайдзен достигается рост уровня квалификации персонала, стимулирования творческой активности работников, улучшение морально-психологического климата в коллективе, таким образом происходит создание необходимого образовательного и квалификационного фундамента для творческой деятельности.

С внедрением Кайдзен на предприятиях произойдёт улучшение решение конкретных задач, повышение качества и снижение затрат на устранение неполадок. Главные результаты ожидаются от последующей деятельности сотрудников, от их творческого отношения к своим обязанностям и заинтересованности не только в личном, но и в общем для предприятия успехе.

В ходе исследования выяснено, что основным отличием Кайдзен от традиционного менеджмента явилось решение всех проблем напрямую на месте их появления, то есть там, где к продукции (услугам) происходит добавление потребительской ценности.

Кайдзен определяет две главные функции менеджмента: поддержание и совершенствование. Поддержание направляется на обеспечение выполнения стандартных рабочих процедур, а совершенствование – на улучшение действующих стандартов. Таким образом, цель Кайдзен - сводение к поддержанию и улучшению стандартов. Это достигается за счет постоянных усилий и поддержания дисциплины всех работников предприятия, которые являются ключевыми фигурами Кайдзен.

# V ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАНК – МОЛИЯВИЙ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ”

**Ж.Р.Зайналов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

**Ш. Каримова** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МДМ-121 гуруҳ магистранти

## ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Аннотация**: Мазкур мақолада қулай инвестиция муҳитини яратиш орқали туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари кўриб ўтилган.

**Калит сўзлар**: туристик корхоналар, хорижий инвесторлар, экспорт, саноат тармоқлари

**Аннотация**: В данной статье рассматриваются вопросы обеспечения финансовой устойчивости туристских предприятий путем создания благоприятного инвестиционного климата.

**Ключевые слова**: туристические предприятия, иностранные инвесторы, экспорт, отрасли.

**Annotation:** This article discusses the issues of ensuring the financial sustainability of tourism enterprises by creating a favorable investment climate.

**Key words:** tourism enterprises, foreign investors, exports, industries.

Хозирги шароитида Республикадаги туристик корхоналарнинг инвестиция фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш, глобал билимларни эгаллаш, солиқларнинг тартибловчи аҳамиятини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчанлик ролини кучайтиришга қаратилишига замин яратиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини бошқариш ва тартибга солишда ҳамда туристик соҳа корхоналарини янада тараққий эттиришда Ўзбекистон Республикасини “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, “Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари дастуриамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Туристик корхоналарнинг инвестиция фаолиятини тартибга солиш борасидаги халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш, сармоядорларга инвестициялашнинг барча турлари ва шакларида тартиботни бериш янада қулай инвестиция муҳитини яратади ва чет эл инвестициялари кириб келишини тезлаштиради. Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, юқорида тилга олинган қонунлар ва қарорлар шарофати ўларок, корхоналарда кўплаб имкониятлар муҳайё этилиб, уларга турли солиқ имтиёзлари берилмоқда. Айниқса, хорижий инвесторлар учун кенг имтиёзлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилди. Учинчиси “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланади. Унда экспортбоп маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини қўллаш вазифалари белгиланган. Бу фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Унга кўра турли мулкчиликдаги шу жумладан туристик корхоналарни кенг миқёсда ислоҳ этиш, энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш, уларнинг фаолиятига илғор илм-фан ютуқлари ва инновация технологияларни жадал тадбиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, шу тариқа миллий саноатимиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, бозор коньюктурсаси ўзгаришларига боғлиқлигини камайтириш кўзда тутилган.1

Ушбу хужжат ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳалийлаштириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, туристик орхоналарни мамлакатимизнинг барча вилоятларида мақбул тарзда жойлаштиришга хизмат қилади. Пировард натижасида туристларга хизмат кўрсатувчи корхоналари ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринларни яратиш, аҳоли банлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, турмуш даражасини янада яхшилаш имконини беради. Фармонда мамлакатимизда туристик корхоналарини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини молиялаштириш манбалари ҳам белгиланган бўлиб, у амалиётга татбиқ этиш учун тайёрлаб қўйилган, шунингдек, ишлаб чиқиш босқичидаги янги ҳамда олдиндан ишлаб чиқилаётган истиқболли инвестиция лойиҳаларини ўз ичига олади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги фармони. 2017 йил 7 феврал.

Умуман, 2017-2021 йилларда жами қиймати 40 миллиард АҚШ долларига тенг 649 та инвестиция лойиҳасидан иборат тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилган. Натижада шу вақт оралиғида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошиши прогнозлаштирилмоқда.

Бундай иқтисодий ўсиш туристларга кўрсатиладиган хизматлар улушини ҳам жадал оширади. Туристик корхоналарни ва уларни тақдим этадиган тур маҳсулотлар ҳажмини ўсиши иқтисодиётнинг барча тармоқларини ўсиши билан бевосита боғлиқ. Иқтисодиётнинг кенг миқёсида реал секторида юз берадиган ижобий силжишлар туристик оқимини оширади. Бу эса, ижтимоий муҳитни ҳам яхшиланишига имконият яратади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш унинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга, иқтисодиётимизнинг реал сектори соҳаси тармоқлари, комплекслари ҳамда корхоналари самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада оширишга йўналтирилган тақдирда туристик корхоналарни иқтисодий ва молиявий барқарорлиги таъминланади.

Айтиш жоизки, 2015 йил 27 майда ҳукуматимизнинг “Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) “нол” харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Шунга кўра, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ҳамда уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу турдаги корхоналар акциялари давлат улушларини хусусийлаштириш тартибини такомиллаштириш, уларни сотиш механизмлари ва тартиб-қоидалари самарадорлигини ошириш, уларга оид битимларни тузишда оммавийлик ва очиқ-ошкораликни таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак бундай имконият гуё иқтисодиётнинг реал секторига қарашлидек туйилади. Аммо ундай қараш бир томонлама бўлиб ҳисобланади. Айнан туристик корхоналарнинг ривожи, тур маҳсулотарни рақобатбардошлилигини туристлар оқимлари ва уларнинг самарадорлиги бевосита реал сектор тарақиёти ўлчами билан белгиланади. Шуни ҳам айтиш жоизки, экспортга мўлжалланган саноат корхоналарни ошиши унда банд бўлган ишчи хизматчиларни иш ҳажмларини ошиши бевосита ички туризмни ривожланишига ҳизмат қилади. Импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулот (товар, хизматлар) эса туристларга янада сифатли хизмат қилиш имкониятини яратади.

Президентимиз 2016 йил 28 сентябрдаги “2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури

тўғрисидаги Қарори мазкур соҳани янада модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Негаки, унда минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга мўлжалланган рақобатбардош ва импорт ўрнини босадиган қурилиш материалларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, энергия самарадоригини оширадиган ва ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни амалиётга жорий этиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш юзасидан белгиланган бир қатор чоралар ўз аксини топди. Хусусан, 2021йилнинг 1 январига қадар ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган технологик ускуналар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловлари ундирилмайдиган бўлгани мамлакатимизга туристик корхоналарда ва туристларга қўшимча хизмат кўрсатувчи тармоқларга янги замонавий жихозларни имтиёзли киритиб келиши бир томондан сабаб бўлса, иккинчи томондан туристларга кўрсатиладиган хизматлар билан боғлиқ харажтларни пассайишига, бу эса туристларга арзон тур хизматларни тақдим этишга имконият ҳам яратади. Натижада арзон ва сифатли тур ҳизмат кўрсатадиган мамлакатлар каби мамлакатимизга хорижий туристлар қатнови кескин ошади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 25 октябрдаги “Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам тармоқ ривожида салмоқли ўрин тута бошлади. Шу асосда қурилиш материаллари саноати тузилмасини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, технологик ва техник қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда унинг экспорт потенциалини ошириш, халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ замонавий корпоратив бошқарув усулларини қўллаш мақсадида “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти тузилиши эзгу ниятлар учун инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, соҳанинг етакчи чет эл компаниялари билан юқори сифатли замонавий қурилиш материалларини кенг жалб этиш, соҳанинг етакчи чет эл компаниялари билан юқори сифатли замонавий қурилиш материалларни кенг турда ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ва ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳам долзарб вазифаларидан бирига айланди. Бунинг натижасида мамлакатимизда туристларга хизмат қилувчи замонавий мехмонхоналар, ресторанлар, туристик объектларни ташкил этишига олиб келади.

Юртбошимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлатириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарорида ҳам қатор муҳим топшириқлар белгилаб қўйилди. Асосий эътибор тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини модернизациялаш, диверсификациялаш, пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, хорижий инвестициялардан фойдаланиш йўли билан рақобатбардош, ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр,

экспортга йўналтирилган махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтиришга қаратилганлиги соҳани рағбатлантириш учун 2020 йилнинг 1январигача солиқ ва божхона тўловларидан талай имтиёзлар берилиши саноат, тўқимачилик каби турстик объектларни ташкил этилишига замин яратади.

Туристик корхоналарини инновацион-инвестиция фаолияти, капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва инвестицияларнинг бошқа ҳамма турларига таалуқли бўлиб, одатда солиқларнинг фискал ва тартибга солиш тартибларидан фойдаланиш воситасида амалга оширилади. Шунингдек, у амортизация, кредит, нарх сиёсатини, дотациялар, субсидиялар, давлат кафолатлари тизимлари, имтиёзлар яратишни, хорижий инветорлар ҳуқуқларни ҳимоялашни ва ҳоказоларни қамраб олади. Давлат харажатларини қисман корхоналарни инновацион фаолиятига қаратиш ва ундан молиялаштириш учун турли даражадаги бюджетларга зарур маблағлар тушумларини таъминлашга қаратилган фискал вазифанинг бажарилиши қисман туристик корхоналарга ривожланиш даражасига боғлиқ. Тартибга солиш вазифасининг ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнига айрим тармоқларига шу жумладан туристик соҳа корхоналарига инвестиция оқимларини бошқариш билан аалга оширилади. Шунингдек иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиш жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш ҳам туристик корхоналари фаолияти билан боғлиқдир. Солиқлар орқали тартибга солиш туристик корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилади.

Туристик корхоналарига хорижий инвестицияларини киритишга тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари уларнинг асосий аолиятига нисбатан жорий этилади. Аниқроғи тур маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва имтиёз бериладиган туристик корхоналарига алоқадор корхоналарга берилади. Агар туристик корхона савдо фаолияти билан ҳам шуғулланса, амалдаги қонунчиликка биноан, ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритиши ва белгиланган тартибда умумий тушумдан солиқ тўлаши лозим бўлади.

Умуман олганда Республикада қабул қилингн инновация-инвестиция ва инвесторларга доир барча қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлар инновацион инвестиция фолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда, инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлашда, энг муҳими, бу жараёнларни тартибга солишда беқиёс ўрин тутами.

Шу боис ҳам туристик корхоналарда инновацион инвестиция оқимларидан фойдаланган ҳолда туристларга мансуб келадиган тур маҳсулотларни тақдим этиш мураккаб масаллаларидан бўлсада ҳам хукматимиз томонидан ушбу соҳа корхоналари ҳар томонлама қўллаб келинмоқда.

Туристик корхоналар ҳозирги шароитида айрим омилларга боғлиқ ҳолда хориж инвестицияларни олиш, лойиҳаларда иштирокларини суний равишда чеклаб тижорат банкларини кредит ресурсларидан фойдаланишга интилишади. Ўтказилган кузатувлар ва сўровлар натижасида қўйидаги омиллар ҳозиргача мавжуд эканлигига нисбатан хулоса чиқариб олиш мумкин. Яъни:

Туристик корхоналари инвестиция олишдан олдин туристик объектни яратиш майдони аҳолини зич жойлашувига алоҳида диққат қаратишади. Агар ушбу ҳолат доирасида шароит бўлмаса улар туристик корхонасини кенгайтириш, яъни инновацион тур маҳсулотларни ишлаб чиқишдан бош тортиб илгаридан мавжуд бўлган ҳолат ва фаолият турини давом этишга харакат қилишади;

Туристик корхоналарини транспорт сув, газ, электро энергия каби коммунал тизимни жойлашиш жойлари ҳам қизиқтиради. Ушбу субъектларни мавжудлиги тадбиркорлар томонидан, инновацион инвестиция лойиҳасини олишга иштирокини тезлаштиради. Агарда улардан бир иккитаси мавжуд бўлмаса унда бундай лойиҳадан иштирок этишдан бош тортишади;

Туристик корхоналари томонидан инноацион инвестиция оқимлари олиши нафақат олинадиган капиталга нисбтан имтиёзлари мавжудлиги, балким қўшимча харажатларни юзага келтирувчи омиллардан ўзларини четга олишига ҳам ҳаракат қилишади. Бундай омил туристлар оқимини қайси давлатлардан таълуқли эканлигига боғлиқ. Мисол учун Малайзия, Корея, Хитой, Вьетнам, Камбоджа, Япония каби давлатларга яқин бўлган давлатлардан келишадиган туристик оқими катта улар учун алоҳида туристик хизматларни тақдим этилиши (у ҳам бўлса ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлари) катта харажатларни талаб этади. Тур путёвкалардан келдиган тушум ёки кўрсатиладиган хизмат харажатларини улардан тушадиган тушумлар орқали қоплаш минимал фойда (даромад) келтиради. Бу эса ушбу давлатларда келаётган туристларга инновацион хизматларни тақдим этиш учун инновацион-инвестицияларни олишга бўлган интилишларни ҳам четламоқда.

Хулоса қилиб айтганда қайд этилган ҳолатлар диққатга молик улар ечимини илмий асослаш зарур. Бу эса Республикада туристик кластерни(кооперацион хамкорликка) тўлиқ шакиллантирмай туриб йирик инновацион инвестиция оқимларини туристик хизматлар соҳасига имтиёзли киритиш хам ўз ижобий самарасини бермаслиги мумкин. Шу боис, туристик класстер тармоқларидан бири бўлмиш мехмонхоналарни йил давомид турли потенциал даражасида фаолият кўрсата олмаслиги давлат томонидан уларга нисбатан ҳам (агарда давлат лойиҳаси асосида ташкил этилган бўлса) турли имтиёзлар тақдим этилса ҳам кўзда тутилган самара бериши узоқ вақтни талаб этади.

**А.А. Каршиев** - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч-докторанти

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ РЕАЛ СЕКТОР САМАРАДОРЛИГИ ОШИШИНИНГ МАНБАСИ

**Аннотация:** Мақолада реал сектор корхоналарини молиялаштирилишида банк кредитларининг аҳамияти, банк кредитларининг иқтисодиётдаги роли, тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда кредит рискини ҳисобга олиш масалалари ва ҳозирга кунда тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар тўғрисида маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** реал сектор корхоналари, банк кредити, кредит риски, депозит(омонат)лар.

**Аннотация:** В статье рассматривается роль банковских кредитов в финансировании предприятий реального сектора, роль банковских кредитов в экономике, вопросы кредитного риска при финансировании инвестиционных проектов коммерческими банками и инвестиционных кредитов, выдаваемых в настоящее время коммерческими банками.

**Ключевые слова:** предприятия реального сектора, банковский кредит, кредитный риск, депозиты.

**Annotation:** The article discusses the role of bank loans in the financing of real sector enterprises, the role of bank loans in the economy, the issues of credit risk in the financing of investment projects by commercial banks and investment loans currently issued by commercial banks.

**Key words:** real sector enterprises, bank credit, credit risk, deposits.

Бугунги тезкор замонда банкларнинг иқтисодиётда, хусусан реал секторнинг қўллаб-қувватланишида аҳамияти тоборо ортиб бормоқда. Йирик корхоналар фаолиятидан тортиб, кундалик турмушимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини кўришимиз мумкин. Шу боис ҳам, банклар иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланиши чуқур маъно-мазмун касб этади.

Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётда молиявий ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти учун қулай иқтисодий шартшароитларнинг яратилиши мамлакат банк тизими барқарорлигининг ошишига имкон яратди. Банк хизматлари бозоридаги рақобатлашув жараённинг кучайиши натижасида тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажми кенгайиб бормоқда. Мазкур жараёнининг жадаллашуви банк операцияларини амалга ошириш тартибларининг соддалаштирилганлиги, иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашда молиявий ташкилотлар ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг фаол тарзда амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда инкор этиб бўлмайда. Шу боисдан, ҳозирги

кунда республикамиз иқтисодиётида реал сектор корхоналари фаолиятини молиялаштириш, уларни фаолиятига тижорат банклари кредитларни, хусусан, хорижий молия институтлари маблағларини кенгроқ жалб этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Маълумки, иқтисодий жихатдан фаол бўлган ҳар қандай корхона ўз молиявий ресурслари ҳисобидан инвестиция лойиҳаласини молиялаштиришга ҳар доим ҳам имкон топа олмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, тижорат банклари кредитлари реал сектор корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб майдонга чиқади.

Тижорат банкларининг кредитлари ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайдиган молиялаштириш манбаси ҳисобланади. Банк кредитлари ёрдамида иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлган инвестиццион ҳаражатларнинг молиялаштирилиши муҳим аҳамият каб этади.




Иқтисодиётимизни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банк тизими томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан 2018 йилда 38,8 трлн. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Бунда банкларнинг инвестициявий фаолияти устувор равишда тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилди.

Шубхасиз, реал сектор корхоналарининг фаолиятини янада кенгайтириш тижорат банкларининг ликвидлилиги билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг бўш пул маблағларини ва хорижий молия институтларининг маблағларини устувор равишда узоқ муддатларда жалб этишни тақозо қилади. Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг фоиз ставкалари кредитлаш манбаси бўлмиш депозитларнинг фоиз ставкаларига боғлиқ. Депозитлар бўйича фоиз ставкалари аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари асосида шаклланади. Кредитларнинг фоиз ставкалари инфляция даражасининг ва инфляцион кутилмаларнинг ҳамда банклар жалб қилган ресурсларнинг фоизларига бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг инфляцион кутилмалари 16 фоиз атрофида бўлиб, банкларнинг муддатли депозитлари фоизлари ҳам шунга мос равишда 17-19 фоиз атрофида шаклланмоқда. Банк жалб қилган депозит ставкасида ёки ундан паст ставкада кредит бера олмайди албатта. Бунда тижорат банки операцион харажатлари (шунингдек кредит риски) ҳамда ички сиёсатидан келиб чиқиб, депозитлар фоиз ставкасига банк маржасини (фойда) қўшиб кредитларга фоиз белгилайди. Бундан кўринадики, тижорат банклари таклиф этаётган кредитлар фоизи жалб қилинган депозитлар фоизига бевосита боғлиқ.

**1-расм. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси** *(фоизда)*




***Манба:** Марказий банк ҳисоб-китоблари.*

Умуман олганда, кредит бозорида кредит фоизлари миқдори асосий ставка, пул ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати, инфляция ва инфляцион кутилмалар, кредит хизматлари бозорида банк рақобати, депозитлар бўйича мижозларга тўланадиган фоизлар, банк таваккалчилигини камайтириш мақсадида фоиз ставкаларини бошқариш, кредит ресурслари структураси ва бошқа бир нечта макро ва микроиқтисодий омилларга боғлиқдир.

Яна бир муҳим масала, соғлом рақобатни шакллантириш ва ажратилаётган кредитларнинг рисклилик даражасини камайтириш учун тижорат банклари фаолиятига аралашувларни кескин камайтириш ҳам

пировардида молиявий маблағларнинг узлуксиз айланишини таъминлайда. Бунда тижорат банкларинг фаолиятинининг мустақиллигини ҳукумат даражасида таъминлаш, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида келтирилган “**Банклар** молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда **мустақилдир**” деб киритилган талаб ижросини тўлиқ таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

**С.Л.Васенев** -доцент кафедры, канд. экон. наук, Институт сферы обслуживания и предпринимательства (филиал) Федерального государственного бюджетного образовательного учреждения высшего образования «Донской государственный технический университет» в г. Шахты

## ВЛИЯНИЕ ФИНАНСОВОГО СЕКТОРА НА СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ РЕГИОНОВ РОССИИ

**Аннотация**: в статье представлены результаты исследования влияния финансовой системы на социально-экономическое развитие регионов России; расчёты проведены методом корреляционно-регрессионного анализа на основе данных о цепных индексах роста показателей: инвестиции в основной капитал, производительность труда, среднедушевые денежные доходы, физический объём валового регионального продукта и валовая добавленная стоимость финансовой и страховой деятельности. Данные индикаторы изучены за 2011-2020 гг.

**Ключевые слова**: банковский сектор, финансовая система, социально-экономическое развитие.

**Annotasiya**: maqolada moliya tizimining Rossiya mintaqalarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ta'sirini o'rganish natijalari keltirilgan; Hisob-kitoblar ko'rsatkichlarning o'sishining zanjirli indekslari: asosiy fondlarga investitsiyalar, mehnat unumdorligi, aholi jon boshiga pul daromadlari, yalpi hududiy mahsulotning jismoniy hajmi va yalpi qo'shilgan qiymat bo'yicha ma'lumotlarga asoslangan korrelyatsiya va regressiya tahlili usuli yordamida amalga oshirildi. moliyaviy va sug'urta faoliyati. Ushbu ko'rsatkichlar 2011-2020 yillar uchun o'rganildi.

**Kalit so'zlar**: bank sektori, moliya tizimi, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish

**Annotation**: the article presents the results of a study of the impact of the financial system on the socio-economic development of Russian regions; The calculations were carried out using the method of correlation and regression analysis based on data on chain indices of growth of indicators: investments in fixed capital, labor productivity, per capita cash income, the physical volume of the gross regional product and the gross value added of financial and insurance activities. These indicators were studied for 2011-2020.

**Keywords**: banking sector, financial system, socio-economic development.

Банковская и финансовая система обеспечивает реальный сектор и социально-экономическую систему ликвидностью. В этом отношении логично предлагать гипотезу о том, что при отсутствии проблем, развитие банковской и финансовой системы однозначным образом стимулирует экономический рост. Последняя категория на практике может интерпретироваться на базе динамики значений разных показателей.

В рамках настоящего исследования в качестве индикаторов экономического роста выбраны цепные индексы роста по показателям: инвестиции в основной капитал, производительность труда, среднедушевые денежные доходы и физический объём валового регионального продукта. Развитие банковско-финансового сектора интерпретируется на основе цепных индексов роста валовой добавленной стоимости финансовой и страховой деятельности. Значения всех показателей определены за период 2011-2020 гг. в разрезе 82 субъектов Российской Федерации на основе официальных данных Росстата Непосредственное исследование особенностей влияния финансового сектора на социально-экономическое развитие регионов России проведено методом корреляционно-регрессионного анализа среднегеометрических значений показателей из базы данных, обозначенной выше. В этом направлении в таблице 1 представлены итоговые значения парных коэффициентов корреляции.

Таблица 1

Итоговые значения парных коэффициентов корреляции, оценивающие характер влияния финансового сектора на социально-экономическое развитие регионов России

| Индикатор | Инвестиции в основной капитал, % | Производительность труда, % | Среднедушевые денежные доходы, % | Физический объём ВРП, % |
|---|---|---|---|---|
| Валовая добавленная стоимость финансовой и страховой деятельности, % | 0,4060 | 0,1925 | 0,1255 | 0,1420 |

В исследовании число пар переменных $n = 82$, тогда при степени свободы $n - 2$ равном 80, критическое значение коэффициента корреляции для уровня значимости $\alpha = 0{,}05$ составляет 0,219. В этом случае получаем,

что парный коэффициент корреляции между показателями среднегеометрического роста за 2011-2020 гг. составил:

1) для пары «валовая добавленная стоимость финансовой и страховой деятельности» и «инвестиции в основной капитал» – 0,4060 > 0,219;

2) для пары «валовая добавленная стоимость финансовой и страховой деятельности» и «производительности труда» – 0,1925 < 0,219;

3) для пары «валовая добавленная стоимость финансовой и страховой деятельности» и «среднедушевые денежные доходы» – 0,1255< 0,219;

4) для пары «валовая добавленная стоимость финансовой и страховой деятельности» и «физический объём ВРП» – 0,1420 < 0,219.

Таким образом, необходимо сделать вывод о том, что на протяжении периода 2011-2020 гг. развитие финансового сектора на региональном уровне приводило к росту объёма инвестиций в основной капитал. Но, при этом, по сути, не оказывало положительного влияния ни на повышение производительности труда, ни на увеличение среднедушевых денежных доходов, ни на рост физического объёма валового регионального продукта. Следовательно, необходимо признать наличие серьёзных проблем. Они на практике приводят к ситуации, когда финансово-кредитный сектор российской экономики развивается «изолировано» от остальной социально-экономической системы.

Если проиллюстрировать выводы, сделанные ранее, построив модели регрессии, то для случая зависимости инвестиций в основной капитал от валовой добавленной стоимости финансовой и страховой деятельности, получим следующее уравнение: $\hat{y}_i = 1{,}1375x_i - 21{,}733$, с коэффициентом детерминации $R^2 = 0{,}1648$ (рисунок 1).




Рисунок 1 – Аппроксимация модели регрессии $\hat{y}_i = 1{,}1375x_i - 21{,}733$

Для случая зависимости производительности труда от валовой добавленной стоимости финансовой и страховой деятельности, получим

следующее уравнение: $\hat{y}_i = 3{,}0178x_i - 208{,}84$ с коэффициентом детерминации $R^2 = 0{,}037$.

Для случая зависимости среднедушевых денежных доходов от валовой добавленной стоимости финансовой и страховой деятельности, получим следующее уравнение: $\hat{y}_i = 1{,}8864x_i - 100{,}66$ с коэффициентом детерминации $R^2 = 0{,}0157$.

Для случая зависимости физического объёма ВРП от валовой добавленной стоимости финансовой и страховой деятельности, получим следующее уравнение: $\hat{y}_i = 1{,}9885x_i - 102{,}49$ с коэффициентом детерминации $R^2 = 0{,}0202$ (рисунок 4).

Оценим качество моделей, представленных выше, на основании значения соответствующих коэффициентов детерминации по $F$-тесту. Расчётное значение критерия $F_{\text{Р}}$ определяется по формуле 1.

$$F_{\text{Р}} = \frac{R^2 \times (n-2)}{1-R^2} \qquad (1)$$

$$F_{\text{Р (для } R^2 = 0{,}1648)} = \frac{0{,}1648 \times (82-2)}{1-0{,}1648} = 15{,}79$$

$$F_{\text{Р (для } R^2 = 0{,}0037)} = \frac{0{,}0037 \times (82-2)}{1-0{,}0037} = 0{,}30$$

$$F_{\text{Р (для } R^2 = 0{,}0157)} = \frac{0{,}0157 \times (82-2)}{1-0{,}0157} = 1{,}28$$

$$F_{\text{Р (для } R^2 = 0{,}0202)} = \frac{0{,}0202 \times (82-2)}{1-0{,}0202} = 1{,}65$$

Критическое значение $F$-критерия для $k_1 = 1$, $k_2 = 82$ при уровне значимости $\alpha = 0{,}05$ равно 3,96. Следовательно, только модель со значением коэффициента детерминации $R^2 = 0{,}1648$ признаётся качественной. Это в очередной раз подтверждает выводы, сформулированные выше. В целом, стоит говорить о том, что рост валовой добавленной стоимости финансовой и страховой деятельности не стимулировал ни экономического роста, ни повышения эффективности труда, ни улучшения качества жизни населения. Тогда остаётся предположить факт наличия проблем, связанных, либо с неоптимальным механизмом распределения кредитных ресурсов и/или с его нерентабельностью для основной массы физических и юридических лиц – резидентов региональной экономики. Последнее заключение, необходимо

подвергнуть более доскональной проверки. В случае подтверждения очень важно предпринять меры по совершенствованию формата взаимодействия финансового и реального сектора российской экономики.

**З. Ш. Ҳайдаров**– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.,
**Ф.М. Равшанов** - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ: ҲОЛАТИ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕЧИМИНИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу илмий маколада тижорат банкларида актив ва пассивларни ҳолати муаммолари ва уларни ечиш буйича таклифлар ва тавсиялар берилган.
**Калит сўзлар:** актив ва пассивларни бошкариш, фонд усули, хеджирлаш, геп тахлили, секрутизация, трансформация риски.
**Аннотация:** В данной научной статье представлены предложения и рекомендации по проблемам активов и пассивов в коммерческих банках и пути их решения.
**Ключевые слова:** управление активами и пассивами, фондовый метод, хеджирование, гэп-анализ, секьюритизация, трансформационный риск.
**Abstract:** This scientific article presents proposals and recommendations on the problems of assets and liabilities in commercial banks and ways to solve them.
**Keywords:** asset and liability management, stock method, hedging, gap analysis, securitization, transformational risk.

Ўзбекистон Республикасида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Банк тизими олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 12-сентабрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2017-йил 13-сентабрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Бевосита, Республикамиз тижорат банклари активларини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда.

1. Тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида даромад келтирмайдиган активларнинг (кассадаги нақд пуллар, тижорат банкларининг миллий валютадаги ва хорижий валютадаги "Ностро" вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағлари) салмоғининг нисбатан юқори (24,5 %) эканлиги. Бу эса, активлар даромадлилик даражасининг паст эканлигидан далолат беради[1].

2. Муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги. Айниқса, давлат дастурлари доирасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори катта. (1-жадвал)

1-жадвал

**Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (НПЛ) тўғрисида 2022-йил 1-январ ҳолатига маълумот[2]**

*млрд.сўмт*

| № | Банк номи | Кредитлар | Муаммоли кредитлар (NPL) | Муаммоли кредитларнинг жами кредилардаги улуши, % |
|---|---|---|---|---|
| **Жами** | | **326 386** | **16 974** | **5,2%** |
| **Давлат улуши мавжуд банклар** | | **280 074** | **15 069** | **5,4%** |
| **Бошқа банклар** | | **46 312** | **1 905** | **4,1%** |

*Узбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитлари тугрисида маълумот[3] (www.cbu.uz)*

Муддати ўтган кредитларни йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий меъёрий даражаси 5% ни ташкил этади. Ушбу кўрсатгичда давлат улуши мавжуд бўлган банкларда 2022 йил 1 январь ҳолатида 5,4% қониқарсиз эканлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткич меъёрий 3 фоиз даражасидан паст бўлганда бошқа банкларда юқори, яъни 4,1 % ни ташкил этмоқда ва муддати ўтган қарздорлик даражаси нормал ҳисобланмайди.

3. Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги. Узбекистонда 2021 йил якунига кура инфилятция даражаси 9,98 фоизни ташкил этди[4].

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг фонд ва геп-таҳлили усулларидан ликвидлилик рискини баҳолашнинг айрим инструменти сифатида фойдаланиш мумкин. Бироқ ушбу усуллар

---

[1] www.cbu.uz
[2] www.cbu.uz
[3] www.cbu.uz
[4] www.cbu.uz

ликвидлилик рискини самарали бошқариш имкониятини бермайди. Бундан кўриниб турибдики, тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг усуллари ва йўллари ҳозирги кунга келиб жиддий ўзгаришларга юз тутди. Асосан активлар ва пассивларнинг бозор қийматидан бозор риски орқали бошқаришнинг асосий обьектига эьтибор каратилиши лозим.

Тижорат банклари активларини бошқаришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади: активларнинг оптимал таркибини шакллантириш; активларнинг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш; пул оқимларига бўлган барча эҳтиёжларни қондириш имконини берадиган даражада ликвидлиликни сақлаш.

Тижорат банклари пассивларини бошқаришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади: пассивларнинг оптимал таркибини шакллантириш; депозитларнинг етарлилигини таъминлаш; регулятив капиталнинг етарлилигини таъминлаш; пассивларнинг фоиз ставкалари ва валюта курсларининг тебранишларига нисбатан мослашувчанлигини таъминлаш; банк томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш.

Тижорат банклари актив ва пассивларидан комплекс фойдаланишга салбий таъсир қилаётган омиллар куйидагилар булиши мумкин:

1. Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш амалиётининг ривожланмаганлиги туфайли Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш йўли пул массасига, тижорат банкларининг ликвидлилигига ва кредитларнинг баҳосига таъсир этиш имкониятининг пастлиги.

2. Марказий банкнинг мажбурий заҳира ставкаларининг таьсирчан даражаси ва заҳира ажратмалари суммасини банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидан олиб қўйилаётганлиги натижасида тижорат банкларининг ликвидлилигига ва ресурс базасининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирнинг юзага келмоқда.

3. Тижорат банкларининг депозит базасида узоқ муддатли депозитлар улушининг пастлиги сабабли уларнинг инвестиция жараёнларига қатнашиши этарли даражада эмас.

4. Республикамизда имтиёзли кредит дастурлари кўп бўлиб, (2021-йилда 78% кредит портфелларини ташкил қилди [1] ) улар молиявий ресурсларни жойлаштириш самарадорлигини пасайтиради ва банк тизимида муаммоларни вужудга келтиради. Айниқса, давлат инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни тижорат банклари томонидан маъмурий равишда молиялаштирилиши муддати ўтган кредит қарздорлигини даражаси ўрнатилган меъёрлардан юқори бўлиб, тижорат банклари молиявий ҳолатига салбий таъсир қилмоқда. Бу нафақат тижорат

[1] www.cbu.uz

банкларининг кредитлаш фаолиятига, балки вакиллик ҳисобварақларида маблағлар етишмовчилигига олиб келиб иқтисодиётимизда тўловларни вақтида ўтишига салбий таъсир қилиши мумкин.

5. Республикамизнинг йирик тижорат банкларида трансформация рискининг мавжудлиги. Трансформация рискининг юзага келганлиги ва чуқурлашганлиги қисқа муддатли ресурслар бир йилгача қисқа муддатли депозит ресурслари бўлганлиги сабабли 5,9 фоизни ташкил қилади узоқ муддатли (3-5 йилгача) кредитларнинг берилганлиги узоқ муддатли кредитнинг 30 фоизини ташкил қилганлиги [1]билан изоҳланади.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришда бир неча усуллари фойдаланилади, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: фонд усули; муддатлар бўйича тақсимлаш усули; геп-таҳлили; хеджирлаш; секюритизациялаш.

Активлар ва пассивларни сўндириш муддатлари бўйича бошқариш (фонд усули) банк актив ва пассивларини бошқаришнинг классик усул ҳисобланиб, банк пассив операциялар натижасида жалб қилинган молиявий ресурсларни муддати бўйича рисксиз активлар ва рискли активларга жойлаштиради.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг фонд усули узоқ муддат давомида ўзининг ижобий самарасини берди, бироқ, молия бозорларида рақобатнинг кучайиши ва фоиз ставкаларининг беқарорлиги; банкларнинг тизимли тўлов қобилиятини йўқотиши; банк омонатчиларининг келишилган муддатидан илгари депозитларни талаб қилиши; бошқа форс-мажор ҳолатлар тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг фонд усули аҳамиятини пасайишига олиб келди.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг дастлабки ривожланиш босқичида ушбу усул кенг қўлланилган, кейинчалик эса активлар ва пассивлар ўртасидаги номутаносиблик билан боғлиқ муаммолар юзага келганда бошқаришнинг геп-таҳлил усули кенг қўлланилган. Банкларнинг активлари ва пассивларини бошқаришда геп-таҳлилининг қўлланилишида унинг муддатли депозит маблағлари ва рискка тортилган активлари ўртасидаги фарқ даражасига эътибор қаратилади.

Албатта, ушбу операция натижасида банк фойдаси юқори бўлса-да, муддатсиз депозит ҳисобидан берилган кредитнинг риск даражаси ҳам юқори бўлади, чунки муддатсиз депозит соҳиби кутилмаган пайтда маблағни қайтариш талаби билан банкка мурожаат қилиши мумкин. Бироқ рискли актив ва муддатсиз депозит ўртасида муддатлари бўйича вужудга келган номувозанатлик геп-таҳлили ёрдамида бошқарилади. Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг фондли усулида мавжуд бўлган муаммолардан ташқари қуйидаги муаммолар вужудга келиши мумкин: Кредит олувчи ўз вақтида кредит суммасини қайтара

[1] www.cbu.uz

олмаслиги; депозит соҳиби муддатидан илгари депозитни талаб қилиши; бошқа кўзда тутилмаган зиддиятли ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг геп-таҳлили усулини қўллаганда молия бозорида фоиз ставкалари 5-10 йиллик даврга таҳлил этилиб, фоиз ставкаларининг энг паст, энг юқори, барқарор ёки тез ўсиб борадиган, ёки пасаядиган ставкаларида бир неча (одатда, 10 тагача) ссенарийлар ишлаб чиқилади.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг геп-таҳлили бўйича ишлаб чиқилган ҳар бир ценарий банк баланси барқарорлиги ва ликвидлигига таъсир даражаси аниқланади. Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган сценарийларнинг ичида банк фойда даражаси паст, риск даражаси ва зарар кўриш хавфи юқори бўлганлари бўйича банк баланси корректировка қилинади, шундан сўнг энг маъқул сценарий танланиб, рискли операцияларни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилинади.

Замонавий шароитда тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг анъанавий (фонд усули, активларни тақсимлаш усули) усуллари асосида банкларнинг қуйидаги операциялари бошқарилади: кредитлаш операциялари; депозит операциялари; рискли активларни сугурталаш операциялари.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг ноанъанвий усуллари сифатида хеджерлаш ва секюритизациялашни таъкидлаш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг ушбу усуллари жуда кенг ва самарали фойдаланиш лозим.

Хеджирлаш – бу келгусида бозор риски ва фоизларининг ўзгариш эҳтимолини аниқлаш ва ундан ҳимояланиш мақсадида муддатли суғурта контрактларни тузиш тизимидир. Бир сўз билан айтганда, тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришда вужудга келиш эҳтимоли бўлган рискларни камайтириш ва бартараф этиш ҳамда молиявий йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида хеджерлаш қўлланилади.

Курслар (баҳо)нинг ўзгариши натижасида вужудга келадиган рискларни суғурталаш мақсадида тузилган шартнома “хеджв” бўлиб, хеджерлашни амалга ошираётган хўжалик субекти “хеджер” ҳисобланади. Ушбу усул мўтадил баҳони белгилаш ва даромад олиш ёки мўлжалдаги харажатни қилиш имкониятини беради. Албатта, рискли операцияларни хеджерлаш улар билан боғлиқ рискларни батомам юқотиб юбориш имкониятини бермайди, балки ушбу хеджерлашда риск трансформацияси юз бериб, вужудга келиши мумкин бўлган рискни воситачи ўз зиммасига олади. Хеджерлашда операцияларнинг иккита ҳолати инобатга олинади: курс (баҳо)ларнинг ошишини хеджерлаш; курс (баҳо)ларнинг пасайишини хеджерлаш.

Активларни бошқаришда қўлланиладиган секюритизациялаш механизми АҚШда вужудга келган. Секюритизациялаш жуда тез муддатда

банк активларини бошқаришда ва молия бозорларида рискларни пасайтиришда оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Моҳиятига кўра секюритизациялаш, банкка даромад келтирувчи активларни зудлик билан сотиш имкониятини берувчи облигация ёки бошқа қимматли қоғозларнинг эмиссияси орқали ликвид маблағларга айлантириш тартибидир. Секлюритазиялаш усулни Узбекистон банк тизимида жорий этиш амалиётидан фойдаланиш лозим. Бироқ, секюритизациялаш активларни бошқаришнинг бевосита риск билан боғлиқ усулларидан бири бўлиб, риск даражасининг юқори ёки паст бўлиши эмитентнинг маҳаллий ва халқаро молия бозорлардаги молиявий ҳолати ва нуфузига боғлиқдир.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг фонд ва геп-таҳлили усулларидан ликвидлилик рискини баҳолашнинг айрим инструменти сифатида фойдаланиш мумкин. Бироқ ушбу усуллар ликвидлилик рискини самарали бошқариш имкониятини бермайди. Бундан кўриниб турибдики, Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг усуллари ва йўллари ҳозирги кунга келиб жиддий ўзгаришларга юз тутди. Асосан активлар ва пассивларнинг бозор қийматидан бозор риски орқали бошқаришнинг асосий обьектига эътибор каратилиши лозим.

Тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг ноанъанвий усуллари сифатида хеджерлаш ва секлюритизациялашни таъкидлаш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришнинг ушбу усуллари жуда кенг ва самарали фойдаланиш лозим.

Секлюритизациялаш усулни Узбекистон банк тизимида жорий этиш амалиётидан фойдаланиш лозим. Бироқ, секюритизациялаш активларни бошқаришнинг бевосита риск билан боғлиқ усулларидан бири бўлиб, риск даражасининг юқори ёки паст бўлиши эмитентнинг маҳаллий ва халқаро молия бозорлардаги молиявий ҳолати ва нуфузига боғлиқдир.

**С.Ю.Пулатова** - преподаватель Термезский Государственный Университет

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВОГО СТИМУЛИРОВАНИЯ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРНОГО ТУРИЗМА В СУРХАНДАРЬЕ

**Аннотация**. В статье рассматривается существующие меры налогового стимулирования сферы туризма в Сурхандарьинской области, а также предлагаются новые меры стимулирования для эффективного развития культурного туризма.

**Ключевые слова.** Туризм, культурный туризм, налогообложение, налоговое стимулирование.

**Аннотация**. Мақолада Сурхондарьё вилоятида туризм соҳасини солиққа тортиш бўйича амалдаги рағбатлантириш чоралари кўриб чиқилиб, ҳамда маданий туризмни самарали ривожлантириш учун янги рағбатлантириш чоралари таклиф этилган.

**Калит сўзлар.** Туризм, маданий туризм, солиққа тортиш, солиқ мтиёзлари.

**Annotation.** The article discusses the existing measures of tax incentives for tourism in the Surkhandarya region, and proposes new incentives for the effective development of cultural tourism.

**Key words.** Tourism, cultural tourism, taxation, tax incentives.

Сегодня проблема совершенствования налогового стимулирования развития туризма особенно актуальна в связи с тем, что индустрия туризма может приносить в бюджет значительные доходы, т. к. предприятия, осуществляющие свою деятельность в данной сфере уплачивают установленные государством налоги и сборы. Особенно, следует отметить, деятельность предприятий, работающих на внутренний туризм, благодаря которым создаются дополнительные рабочие места, обеспечивается общее функционирование национальной экономики без оттока денежных средств за рубеж.

В Сурхандарье индустрия туризма представлена крупными, средними и малыми предприятиями. Согласно Налоговому Кодексу Республики Узбекистан (31.12.2019г.), крупные предприятия работают в общем режиме налогообложения, малые и средние предприятия уплачивают налоги по упрощённой системе налогообложения[1], которая используется в целях стимулирования развития малого предпринимательства, и подразумевает освобождение от уплаты налога на добавленную стоимость НДС – 15% и налога на прибыль – 14% и применение налога с оборота, который составляет – 4%.

В настоящее время, согласно ст.243 Налогового Кодекса Республики Узбекистан, 0% ставка НДС применяется для предприятий, которые находятся в режиме общего налогообложении, в отношении «…по реализации услуг по перевозке пассажиров по единым тарифам:

- Городским пассажирским транспортом и пассажирским автомобильным транспортом общего пользования (за исключением такси, в том числе маршрутного);
- Железнодорожным транспортом в пригородных сообщении»[2].

На наш взгляд, внедрение 0% НДС для всех услуг на определённый срок будет способствовать эффективному стимулированию туризма вообще, и культурного туризма в частности. Внедрение подобной льготы особенно будет ощутима в авиатранспортных услугах, стоимость которых составляет более половины стоимости туристического пакета. Следовательно, чем меньше будут стоимость транспортных услуг, тем больше увеличится, соответственно, количество потребителей туристического продукта и услуг.

---

[1] Предприятия, выручка которых от реализации товаров, работ и услуг превысила 100 млн.сумов в календарном году, но не более одного миллиарда сумов, переходят на уплату единого налогового платежа по ставке 4 процента. https://soliq.uz/page/yakka-tartibdagi-tadbirkorlarga-soliq-solish?lang=ru

[2] https://lex.uz/ru/docs/. Налоговый кодекс Республики Узбекистан. 01.01.2020г.

Вместе с тем, по нашему предположению, в налоговом стимулировании развития культурного туризма эффективной мерой послужило бы применение патентной системы налогообложения. Такая система вызовет большой интерес у субъектов малого предпринимательства. В этом случае необходимо будет включить туристскую деятельность в список услуг по которым применяется патентная система налогообложения.

В контексте инвестиционной деятельности эффективной мерой налогового стимулирования является предоставление льгот по налогу на прибыль.

В Налоговом Кодексе Республики Узбекистан налоговая ставка по налогу на прибыль составляет 15% (глава 47, статья 337 НКРУз). Согласно №УП–4853 [1] субъекты, осуществляющие свою деятельность в МТЗ освобождены от уплаты налога на прибыль.

Как известно, характерной особенностью индустрии туризма является сезонность. В этой связи, видится целесообразным применение налоговых льгот в отношении налога на имущество в низкий туристический сезон. В Сурхандарье деятельность предприятий размещения активна в течении 5-6 месяцев в году, однако, платят налог на имущество за целый год. В связи с чем, в пик сезона своей деятельности многие из них стараются получить максимальную выгоду от клиентов. Поэтому предоставление налоговых льгот (также возможно временное освобождение от уплаты налога на имущество) по налогу на имущество в низкий туристический способствовало бы продлению деятельности предприятий в низкий туристский сезон.

В целом на рисунке 1 представлены возможные меры налогового стимулирования культурного туризма в Сурхандарьинской области.

[1] https://lex.uz/docs/ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4853 “О дополнительных мерах по активизации и расширению деятельности свободных экономических зон”, от 26.10.2016 г.




Рис.1 Возможные меры налогового стимулирования культурного туризма в Сурхандарьинской области в перспективе

Таким образом, можно сделать вывод, что меры налогового стимулирования туризма в целом, и культурного туризма в частности требуют особого внимания в связи с изменения условий хозяйствования в республике.

**К.Б.Уразов -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.,
**У.А.Ширинов -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD
**У. Абдурайимов -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ма-120 гуруҳ талабаси

## СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ БАЛАНСИНИ КОМПЛЕКС РЕТРОПРОГНОЗ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИ

**Аннотация.** Суғурта компаниялари инвесторларининг манфаатлари позициясидан функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласига асосланган янги копмплекс ретропрогноз таҳлил методи ва унинг назарий-методологик базиси таклиф қилинган.

**Калит сўзлар.** суғурта компанияси, унинг инвестори ва бухгалтерия баланси, функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласи, комплекс ретропрогноз таҳлил методи.

**Аннатация.** Новый метод комплексного ретропрогностического анализа на основе формулы интерполяции Лагранжа в виде функций с точки зрения интересов инвесторов страховых компаний и его теоретико-методологическая основа.
**Ключевые слова**. Страховая компания, ее инвестор и баланс, формула интерполяции Лагранжа в виде функций, метод комплексного ретропрогностического анализа.
**Annotation.** A new method of complex retroprognostic analysis based on the Lagrange interpolation formula in the form of functions from the point of view of the interests of investors of insurance companies and its theoretical and methodological basis is proposed.
**Key words:** Insurance company, its investor and balance sheet, Lagrange interpolation formula in the form of functions, complex retroprognostic analysis method.

Ҳанузгача давом этаётган глобал беқарорлик ва рисклар, жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши ва дунё иқтисодиётининг инвестицияларга талаби узлуксиз ошиши шароитида суғурта соҳасининг роли тинмай ошмоқда. Ваҳоланки, молиявий глобаллашув шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминловчи инфратузилманинг муҳим таркибий қисми бўлган замонавий суғурта соҳаси: рискларни профилактика қилиш ва пасайтиришнинг самарали механизмларидан бири сифатида намоён бўлади; ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бузилган ячейкасини тезда тиклаш учун шароит яратади; мамлакатларда ижтимоий барқарорлик ва бозорларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди; суғурта захираларни аккумуляция қилиш ва иқтисодиётнинг барқарор соҳаларига самарали инвестиция қилиш йўли билан иқтисодий ўсишга эришиб молия тизимини мустаҳкамлайди. Юқорида айтилганларнинг Ўзбекистон учун ҳам ўта муҳимлиги Ҳаракатлар стратегияси (Президент Фармони, 2019) билан белгиланади.Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари билан бир қаторда миллий суғурта тизимини ҳам кенг кўламли изчил ислоҳ қилиш назарда тутилганлиги ва бунда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МҲХС) 1 ўтиш тақозо этилганлиги суғурта ташкилотлари молиявий ҳолатини улар бухгалтерия баланс кўрсаткичлари ёрдамида комплекс таҳлили ва прогнозлашнинг ахборот аъминоти, назарий-методологик базиси ва фаолият принциплари такомиллаштирилишини талаб етади. Ушбу талабнинг бажарилиши суғурта ташкилотлари таҳлили сифатини ошириш ва бундан манфаатдор бўлувчи суғуртачилар, суғурталовчилар, аудиторлар, суғурта бозорини назорат қилувчи органлар, актуарийлар, рейтинг агентликлари, инвесторлар ва бошқа шахслар томонидан асосли ва ишончли риск-менежмент, инвестицион ва бошқарув қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Лекин ҳозиргача бизнес субъектлари, жумладан, суғурта компанияларини бухгалтерия баланс кўрсаткичлари ёрдамида комплекс таҳлил ва прогнозлашнинг функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласига асосланган методлари ишлаб чиқилмаган. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хорижий адабиётлар таҳлили асосида суғурта ташкилотлари бухгалтерия балансининг таҳлили ва прогнози

масалаларига хисса қўшган хорижлик олимлар қаторига, масалан, қуйидагиларни киритиш мумкин: John J. Hampton, R.Higgins, Benninga Simon, Mayes Timothy R. ва Todd M. Shank . Россиядаги суғурта ташкилотлари молявий ҳолати, жумладан, тўлов қобилияти ва барқарорлигини бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида таҳлил қилиш масалаларига, масалан, Ринчино Т.Ю, Мозолькина О.А, Репина К.В, Лаптева Н.А. ва Лаптев Г.Г. Миллий иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида, жумладан суғурта соҳасида ҳам, МҲХСга ўтиш кузатилмоқда. Чунки Ўзбекистонда МҲХС ёки GAAP бўйича ҳисоботлар тайёрланиши ва улар асосида молиявий таҳлил амалга оширилиши суғурта ташкилотларига нисбатан ишончни халқаро миқёсда оширади. Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари молиявий таҳлили билан боғлиқ ишларни қуйидаги ўзбек олим ва мутахассислари бажарганлар: Ходжаева М.Х. Ширинов С.Э, Очилов И.К, Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва Суннатов Ю.У. Бу муаллифлар ҳам молиявий таҳлилда классик методларни қўллаганлар. Келтирилган ўзбек муаллифларни ҳурмат ила эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, уларнинг бажарган тадқиқот ишлари суғурта компанияларининг комплекс молиявий таҳлил ва прогнозига қаратилмаган. Ўзбекистонда қўлланилаётган таҳлил методологиясида суғурта компаниялари молиявий ҳолатини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилувчи бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида баҳолаш асосан иқтисодий кўрсаткичлар (коэффициентлар) миқдорларини аниқлаш ва азалдан маълум мумтоз таҳлил методларини қўллашга асосланган. Умуман суғурта компаниялари молиявий таҳлили ва прогнозлаш бўйича жаҳон тажрибасида кенг қўллаб келинаётган методологияни тизимлаштириш имконини берувчи библиографик шарх натижалари суғурта ташкилотлари томонидан ишончли молиявий ҳисоботларни тақдим етиш ва транспарентлиликни таъминлаш ҳамда улар бухгалтерия баланс кўрсаткичларининг комплекс таҳлили ва прогнозлашнинг янги ёки такомиллаштирилган ёҳуд самарали методларини излаб топиш ва асосли қўллаш йўлларини танлаш бўйича фойдали бўлган назарий ва амалий хулосалар шакллантириш имконини беради. Суғурта компанияси бухгалтерия балансини комплекс таҳлил қилиш деган мазмун контекстида “комплекс” тушунчаси суғурта компания бухгалтерия баланси актив ва пассив бўлимлари таркибидаги бешта a, b, c, x, d қисмни (яъни: a – активнинг биринчи қисмидаги узоқ муддатли активлар; b – активнинг иккинчи қисмидаги жорий активлар; x – пассивнинг биринчи қисмидаги ўз маблағлари манбалари; c – пассивнинг иккинчи қисмидаги суғурта захиралари; d – пассивнинг учинчи қисмидаги мажбуриятлар) ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш мазмуни билан боғлиқ. “Ретро” (лотинча “Retro” – “орқага”, “ўтмишга қаратилган”, “ретроспектив”) термини ҳозирги вақтда маънавий ва ёки моддий қимматга эга “эски буюм”, “тарихий воқеа, ҳодиса”, “тарихий факт” каби мазмундаги сўз бўлиб, уни фактологик тарихий таҳлилда ҳам қўллаш мумкин. “Таҳлил” тушунчаси бирор-бир

объектни унинг кўрсаткичлари асосида олдиндан танлаб олинган маълум (ўтмиш) даврлардаги холатини ўрганиш мазмунида қўлланилади. Прогноз – келажак даврда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисанинг фаразий башорати. Агар, юқорида “прогноз” сўзига берилган таърифга ҳамда дисконтлаш методига кўра, мавжуд кўрсаткичлар (содир бўлган фактлар) асосида келаси ва ўтмиш даврларга амалга ошириш мумкинлигини ҳисобга олсак, “комплекс ретропрогноз таҳлил” сўзини шу метод мазмунига ўхшаш талқин қилиш мумкин, яъни: “комплекс ретропрогноз таҳлил” – “комплекс”, “ретро”, “прогноз” ва “таҳлил” сўзлари бирикмасидан иборат умумлашган термин мазмунидаги комплекс ретрофактологик башорат (прогноз) таҳлил методи бўлиб, унга кўра, охирги давр учун комплекс ретрофактологик башорат таҳлил камида уч йил чуқурликдаги ўтмиш даврлардаги ретротарихий фактларга асосланиб амалга оширилади. Суғурта компанияси инвесторларининг манфаати суғурта компанияси бухгалтерия балансини ташкил қилувчи актив ва пассив бўлимларнинг таркибий қисмлари бўлмиш узоқ муддатли активлар (a), жорий (қисқа муддатли) активлар (b), суғурта захиралари (c) ва мажбуриятлари (d) ўзаро боғлиқликда комплекс бошқарилиши асосида ўз маблағлари манбалари, яъни ўз (хусусий) капитали (x) оширилиб кўпроқ дивиденд ёки дивиденд реинвестицияси эвазига қўшимча акциялар олинишига бўйсундирилган бўлади. Шунинг учун ҳам суғурта компания бухгалтерия балансини ташкил қилувчи актив ва пассив бўлимлар таркибига кирадиган a, b, c, x, d қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги мувозанатлашган математик кўринишда $a + b = x + c + d$ тенглик кўринишида ифодаланиши мумкинлигига асосланган $a + b - (c + d) = x$ кўринишидаги математик тенглик – суғурта компанияси устав фондига улуш қўшган инвесторлар манфаатининг қондирилишига қаратилган модель дейилади. Бунинг учун авваламбор функциялар кўринишидаги Лагранж интерполяция формуласини ахборот учун қуйидагича кўпҳад шаклида келтирамиз: $P(x) = (x - x1\ )(x - x2\ ) \dots (x - xn\ )\ (x0 - x1\ )(x0 - x2\ ) \dots (x0 - xn\ )\ y0 + (x - x0\ )(x - x2\ ) \dots (x - xn\ )\ (x1 - x0\ )(x1 - x2\ ) \dots (x1 - xn\ )\ y1 + \cdots + (x - x0\ )(x - x1\ ) \dots (x - xn{-}1\ )\ (xn - x0\ )(xn - x1\ ) \dots (xn - xn{-}1\ )\ yn$ (1) Келтирилган (1) формулани қисқа кўринишга келтириш учун каср кўринишидаги кўрсаткичларни $p1\ , p2\ , \dots , pn$ харфлари билан белгилаб оламиз. $p1 = (x{-}x1\ )(x{-}x2\ )\dots(x{-}xn)\ (x0{-}x1\ )(x0{-}x2\ )\dots(x0{-}xn)$ ; $p2 = (x{-}x0\ )(x{-}x2\ )\dots(x{-}xn)\ (x1{-}x0\ )(x1{-} \langle\ 2\ )\dots(x1{-}xn)$ ; ..... $pn = (x{-}x0\ )(x{-}x2\ )\dots(x{-}xn{-}1\ )\ (xn{-}x0\ )(xn{-}x2\ )\dots(xn{-}xn{-}1\ )$ . (2) (2) формуладаги $p1\ , p2\ , \dots , pn$ ларни (1) формулага қўйсак, қуйидаги кўринишга келади. 3 Юқорида ва катта энциклопедияда “прогноз” сўзига берилган таърифга кўра, башоратни мавжуд кўрсаткичлар (содир бўлган фактлар) асосида келаси даврларга амалга ошириш мумкин. прогноз = $(x) = p1y0 + p2y1 + \cdots + pnyn$ (3) Бунда: $y$прогноз – n даврлар учун аввалдан маълум бўлган x ва $y$ кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаб топилувчи прогноз кўрсаткич. Энди (1) формулага иқтисодий мазмун бериш

учун уни суғурта компанияси бухгалтерия баланс кўрсаткичлари a, b, c, x, d билан 1-расмда келтирилган схематик моделда кўрсатилганидек боғлаймиз. Мавзу доирасида амалга оширилган назарий-амалий тадқиқот негизида суғурта ташкилотларининг молиявий рискларини баҳолашнинг баъзи масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:Илмий ишланмалар ва тадқиқотларда қатор назарий-методологик муаммолар,хусусан, молиявий рискларни баҳолашнинг турли ёндашувлари таърифланган. Аммо фундаментал ва амалий тадқиқотларда ҳозирга қадар “молиявий риск”нинг умумий категория сифатидаги талқини, уни тизимли баҳолашнинг кенг қамровли, яхлит назарий қоидаси ишлаб чиқилмаган.

**Z.Sh. Haydarov** - Samarqand iqtisidiyot va servis instituti dotsenti, i.f.n
**R.Maqsudov** - Samarqand iqtisidiyot va servis instituti magistranti

# TIJORAT BANKLARI RISKLI AKTIVLARINI BOSHQARISH: HOLATI, MUAMMOLARI VA YECHIMLARI

**Annotatsiya**: Ushbu maqolada tijorat banklarida riskli aktivlarni boshqarishniholati, muammolari va yechimlari bo’yicha xulosalar va tavsiyalar berilgan.
**Kalit so‘zlar**: Xalqaro bank standartlari, riskli aktivlar, risk darajasi, muddati o‘tgan kreditlar, zahira ajratmalari, kredit portfelini diversifikatsiyasi, regulyativ kapital, depozitlar.
**Аннотация:** В данной статье представлены выводы и рекомендации по состоянию, проблемам и решениям управления рисками в коммерческих банках.
**Ключевые слова:** международные банковские стандарты, рискованные активы, уровень риска, просроченные кредиты, резервы, диверсификация кредитного портфеля, регулятивный капитал, депозиты.
**Abstract:** This article presents conclusions and recommendations on the state, problems and solutions of risk management in commercial banks.
**Key words:** international banking standards, risky assets, risk level, overdue loans, reserves, loan portfolio diversification, regulatory capital, deposits.

Bazel standartida xalqaro bank amaliyotida birinchi bo‘lib, tijorat banklarining aktivlari to‘rt risk darajasi bo‘yicha riskka tortildi: 0% risk darajasiga ega bo‘lgan aktivlar, ya‘ni risksiz aktivlar; 20% risk darajasiga ega bo‘lgan aktivlar; 50% risk darajasiga ega bo‘lgan aktivlar; 100% risk darajasiga ega bo‘lgan aktivlar.

Bazel-1 tizimiga binoan risk darajasini o‘lchash standart koeffitsiyentlari aktivlarning keng toifalariga, chunonchi: davlat (suveren), bank va korporativ aktivlarga beriladi. Masalan, korporativ riskni qoplash uchun qarz oluvchining kredit sifatidan qat‘i nazar kapitalga 8% (ya‘ni, riskni o‘lchash koeffitsiyentining 100% bo‘lgan holda) miqdorida ajratmalar qilish nazarda tutiladi.

Tijorat banklari riskli aktivlari ichida asosiy o‘rinni kreditlar egallaydi. Shu sababli, kredit portfelini boshqarish riskli aktivlarni boshqarish tizimida muhim, o‘ziga xos o‘rin egallaydi.

Tijorat bankining kredit portfeli – bu bank tomonidan berilgan va hali qaytarilmagan barcha kreditlarning yig‘indisidir. Kredit portfeliga muddati o‘tgan kreditlar ham, sharti qayta ko‘rib chiqilgan kreditlar ham, sud jarayonidagi kreditlar ham kiradi.

Kredit portfelining sifat ko‘rsatkichlari quyidagilar bilan aniqlanadi:

Birinchidan. Muddati o‘tgan kreditlarning normal darajasi: (Muddati o‘tgan kreditlar Brutto kreditlar) x100%. Agar ushbu ko‘rsatkichning darajasi 3 foizdan oshmasa, u holda kreditlar bo‘yicha muddati o‘tgan qarzdorlikning darajasi normal hisoblanadi.

Ikkinchidan. Muddati o‘tgan kreditlarning yo‘l qo‘yish mumkin bo‘lgan chegaraviy darajasi: (Muddati o‘tgan kreditlar: Brutto kreditlar)x100%. Ushbu ko‘rsatkichning me‘yoriy darajasi 5 foizni tashkil etadi. Agar bu ko‘rsatkich 5 foizdan oshsa, bank kredit portfelining sifati qoniqarsiz deb hisoblanadi.

Muddati o’tgan kreditlar miqdorining katta ekanligi. Ayniqsa, davlat dasturlari doirasida berilgan kreditlar bo’yicha muddati o’tgan qarzdorlik miqdori katta. (1-jadval)

1-jadval

Tijorat banklarining muammoli kreditlari (NPL) to’g’risida 2022-yil 1-yanvar holatiga ma’lumot[1]

*mlrd.so’mm*

| № | Bank nomi | Kreditlar | Muammoli kreditlar (NPL) | Muammoli kreditlarning jami kredilardagi ulushi, % |
|---|---|---|---|---|
| Jami | | 326 386 | 16 974 | 5,2% |
| Davlat ulushi mavjud banklar | | 280 074 | 15 069 | 5,4% |
| Boshqa banklar | | 46 312 | 1 905 | 4,1% |

Uzbekiston Respublikasi tijorat banklarining muammoli kreditlari tugrisida malumot[2] (www.cbu.uz)

Muddati o’tgan kreditlarni yo’l qo’yish mumkin bo’lgan chegaraviy me’yoriy darajasi 5% ni tashkil etadi. Ushbu ko’rsatgichda davlat ulushi mavjud bo’lgan banklarda 2022 yil 1 yanvar holatida 5,4% qoniqarsiz ekanligidan dalolat beradi. Ushbu ko’rsatkich me’yoriy 3 foiz darajasidan past bo’lganda boshqa banklarda yuqori, ya’ni 4,1 % ni tashkil etmoqda va muddati o’tgan qarzdorlik darajasi normal hisoblanmaydi.

Uchinchidan. Kreditlardan ko‘rilgan zararlarni qoplashga mo‘ljallangan zahira ajratmalari darajasi: (ZAS : BAO‘S) x 100% Bu yerda: ZAS – zahira ajratmalari summasi, BAO‘S – bank aktivlarining o‘rtacha summasi. Ushbu ko‘rsatkichning yuqori me‘yoriy darajasi 1,0 foizni tashkil etadi.

[1] www.cbu.uz
[2] www.cbu.uz

To‘rtinchidan. 1 so‘mlik kredit qo‘yilmasiga to‘g‘ri keladigan daromad darajasi: (KOFDS : KQS) x 100% Bu yerda: KOFDS – kreditlardan olingan foizli daromadlar summasi: KQS – kredit qo’yilmalari summasi.

Xalqaro bank amaliyotida tijorat banklarining kredit emissiyasi darajasini baholashda kreditlarning yalpi ichki mahsulotga nisbatan darajasi ko‘rsatkichidan keng foydalaniladi. Quyidagi rasm ma’lumotlari orqali respublikamiz tijorat banklari kredit emissiyasining darajasiga baho beramiz.




O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklari kreditlarining yalpi ichki mahsulotga nisbatan darajasi, foizda **1** (www.cbu.uz).

Ushbu rasm ma’lumotlaridan ko‘rish mumkinki, 2013-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklari kreditlarining YaIMga nisbatan salmog‘ining 22,6 bandga o‘sish tendensiyasi kuzatilgan. Bu esa, tijorat banklarining kredit emissiyasi ko‘lamini tobora kengayib borayotganligidan dalolat beradi.

2017-yilda tijorat banklari kreditlarining YaIMga nisbatan salmog‘ining 2016-yilga nisbatan keskin oshganligi 26,8% dan 36?5 % gacha, 2017-yil sentabr oyida milliy valyutaning AQSH dollariga nisbatan almashuv kursining keskin pasayganligi natijasida dollardagi kreditlarni so‘mdagi qiymatini oshganligi bilan izohlanadi (valyuta siyosatini liberallashtirilishi munosabati bilan).

Shunisi ahamiyatliki, tijorat banklarining kreditlash amaliyotini qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan davlat siyosati izchillik bilan amalga oshirilmoqda[1].

Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 12-sentabrdagi PQ-3270-sonli “Respublika bank tizimini yanada rivojlantirish va barqarorligini oshirishga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorida tijorat banklarining kredit

[1] www.cbu.uz

portfelini shakllantirish jarayonlariga vazirliklar va idoralarning, joylardagi davlat hokimiyati organlarining rahbarlarini aralashuviga yo‘l qo‘yilmasligi belgilab qo‘yilgan.

Shu o‘rinda qayd etish joizki, 2018-yilning 1-oktabr oyidan boshlab O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining majburiy zahira stavkalarini yuridik va jismoniy shaxslar bo‘yicha tashkillashtirish tijorat banklarining kreditlash salohiyatini oshirishda muhim rol o‘ynadi. Ta’kidlash joizki, respublikamiz tijorat banklarining kapitallashish darajasining oshib borayotganligi, depozitlari miqdorining ko‘payayotganligi ular tomonidan berilayotgan kreditlar hajmining oshirishga imkon bermoqda.

1-jadval

**O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklarining regulyativ kapitali, depozitlari va kreditlari hajmi, trln. so‘mda[1]**

| Ko‘rsatkich nomi | Yillar | | | | | | | | | | 2021-yilda 2012-yilga nisbatan o‘zgarishi, marta |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | |
| Regulyativ kapital | 6,2 | 6,5 | 6,9 | 7,8 | 9,4 | 20,0 | 24,2 | 52,4 | 58,1 | 70,1 | **11,3** |
| Depozitlar | 22,9 | 26,1 | 28,5 | 35,6 | 44,6 | 59,6 | 70,0 | 91,0 | 114,7 | 156,1 | **6,8** |
| Kreditlar | 20,4 | 26,5 | 34,8 | 42,7 | 53,4 | 108,5 | 164,7 | 211,5 | 276,9 | 326,6 | **16,0** |

1-Jadvalda keltirilgan ma‘lumotlar ko‘rsatadiki, 2012-2021-yillarda respublikamiz tijorat banklarining regulyativ kapitali va depozitlari hajmining o‘sish tendensiyasi kuzatilgan. Bu esa, o‘z navbatida, mazkur davrda kreditlar hajmini yuqori sur‘atlarda o‘sishini ta‘minlash imkonini bergan.

Tijorat banklarining kreditlarini boshqarishda asosiy e‘tibor kredit portfelining risk darajasini pasaytirishga va risk darajasining oshib ketishining oldini olishga qaratiladi.

Beshinchidan. Tijorat banklari kredit portfelining risk darajasini oshib ketishining oldini olishda sinalgan, ishonchli yo‘li bo‘lib, kredit portfelining

[1] O`z MB statistic byleteni 2021 y

diversifikatsiya darajasini ta'minlash hisoblanadi. Xalqaro bank amaliyotida tijorat banklarining kredit portfelini kreditlarning tarmoq xususiyatiga ko'ra diversifikatsiya qilish keng qo'llaniladi.

Bunda me'yoriy mezon sifatida 25% olingan. Ya'ni, tijorat banki tomonidan berilgan jami kreditlarning 25 foizdan ortiq qismi bitta tarmoqda to'planib qolmasligi kerak.

Oltinchidan. Shuningdek, tijorat banklarining kreditlarini boshqarishda tasniflangan kreditlar tarkibini yaxshilash usulidan ham foydalaniladi.

Bunda asosiy e'tibor tasniflangan kreditlar tarkibida shubhali va umidsiz kreditlar salmog'ini pasaytirish hisobidan yaxshi va standart kreditlar salmog'ini oshirishga qaratiladi.

Respublikamizda to'lovlarning maqsadli ketma-ketligi qo'llanilayotgan hozirgi sharoitda davlat soliq xizmatiga solishtirish dalolatnomasisiz inkasso qo'yish va soliq to'lovlarini avans tariqasida undirish huquqining berilganligining tijorat banklari tomonidan berilgan kreditlarni o'z vaqtida undirishga to'sqinlik qilayotganligi bu boradagi dolzarb muammolardan biri hisoblanadi.

Shuningdek, tijorat banklari tomonidan iqtisodiyotning real sektoriga berilgan xorijiy valyutalardagi kreditlarning qaytmasligi muammosi ham mavjud.

O'zbekiston Respublikasining Prezidenti SH.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "xalqaro moliya institutlarining kreditlari, ayniqsa, loyihalar buyurtmachilari bo'lmish Respublika yo'l jamg'armasi va "O'zkommunxizmat" agentligi tomonidan samarasiz ishlatilmoqda. Chunki ularning faoliyatida tizim, nazorat va mas'uliyat yo'q"[1].

Haqiqatdan ham, yirik investitsiya loyihalarini amalga oshirishdagi xatoliklar, suiste'molliklar tijorat banklari faoliyatiga va bank infratuzilmasiga nisbatan salbiy ta'sirni yuzaga keltirmoqda.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, 2017-yilning 5-sentabridan boshlab amalga oshirilgan valyuta siyosatini liberallashtirish banklar faoliyati va bank infratuzilmasiga nisbatan salbiy ta'sirni yuzaga keltirdi.

2017-yilning 5-sentabridan boshlab, valyuta siyosatini liberallashtirish talablaridan kelib chiqqan holda, so'mning 1 AQSH dollariga nisbatan nominal almashuv kursi 8100,00 so'm qilib belgilandi. Bu esa, bungacha amal qilgan almashuv kursidan qariyb ikki barobar yuqoridir. Natijada, iqtisodiyotning real sektori korxonalarining importni to'lash va xorijiy valyutalardan olingan bank kreditlarini qaytarish bilan bog'liq bo'lgan xarajatlarining keskin oshishiga olib keldi. Oqibatda, import hajmini qisqarishi va xorijiy valyutadagi kreditlarni qaytara olmaslik ehtimoli kuchaydi.

Yettinchidan: Tijorat banklarining yuqori riskli aktivlarining ikkinchi turi bo'lib, korporativ qimmatli qog'ozlarga qilingan investitsiyalar hisoblanadi. Korporativ qimmatli qog'ozlarga qilingan investitsiyalarning risk darajasini pasaytirishning asosiy usuli qimmatli qog'ozlar portfelini diversifikatsiya qilish hisoblanadi.

---

[1]Sh.Mirziyoyev "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak" – Toshkent: O'zbekiston, 2017. – 28-bet

Korporativ qimmatli qog‘ozlar bilan amalga oshiriladigan operatsiyalar yuqori riskli bo‘lganligi sababli tijorat banklari qimmatli qog‘ozlar portfelini diversifikatsiyalashga katta e‘tibor beradilar.

Xalqaro bank amaliyotida tijorat banklari investitsiya portfelini diversifikatsiya qilishda 7 foizli me‘yoriy chegara keng qo‘llaniladi. Ya‘ni, bir emitentning qimmatli qog‘ozlariga qilingan investitsiyalar tijorat banki investitsiya portfelini 7 foizidan oshib ketmasligi kerak.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarini investitsion faoliyatiga nisbatan uchta iqtisodiy me‘yor belgilangan:

* tijorat bankini bir emitentni qimmatli qog‘oziga qiladigan investitsiyalari miqdori uning birinchi darajali kapitalining 15 foiizdan oshib ketmasligi kerak;

* tijorat bankini oldi-sotdiga mo‘ljallangan qimmatli qog‘ozlariga qiladigan investitsiyalari miqdori uning birinchi darajali kapitalining 25 foizidan oshib ketmasligi lozim;

* tijorat bankining barcha emitentlarni qimmatli qog‘ozlariga qiladigan investitsiyalari miqdori uning birinchi darajali kapitalining 50 foizidan oshib ketmasligi kerak.

Qimmatli qog‘ozlarni investitsion jozibadorligi banklarni investitsion operatsiyalarini rivojlantirishda muhim o‘rin tutadi. Shu sababli, banklarni investitsiya portfelini daromadliligi va risk darajalari o‘rtasidagi mutanosiblikni ta‘minlashda sotib olinadigan qimmatli qog‘ozlarni investitsion jozibadorligiga alohida e‘tibor qaratiladi.

Xalqaro bank amaliyotida tijorat banklarining kredit emissiyasi darajasini baholashda kreditlarning yalpi ichki mahsulotga nisbatan darajasi ko‘rsatkichidan keng foydalanish lozim.

2013-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklari kreditlarining YaIMga nisbatan salmog‘ining 22,6 bandga o‘sish tendensiyasi kuzatilgan. Bu esa, tijorat banklarining kredit emissiyasi ko‘lamini tobora kengayib borayotganligiga asos bo‘la oladi.

2012-2021-yillarda Respublikamiz tijorat banklarining regulyativ kapitali va depozitlari hajmining o‘sish tendensiyasi kuzatilgan. Bu esa, o‘z navbatida, mazkur davrda kreditlar hajmini yuqori sur’atlarda o‘sishini ta‘minlashni tavsiya etadi.

Tijorat banklari kredit portfelining risk darajasini oshib ketishining oldini olishda sinalgan, ishonchli yo‘li bo‘lib, kredit portfelining diversifikatsiya darajasini ta‘minlash usullaridan foydalanish lozim.

Tijorat banklarining kreditlarini boshqarishda tasniflangan kreditlar tarkibini yaxshilash usulidan ham foydalanish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Korporativ qimmatli qog‘ozlar bilan amalga oshiriladigan operatsiyalar yuqori riskli bo‘lganligi sababli tijorat banklari qimmatli qog‘ozlar portfelini diversifikatsiyalashga katta e’tibor berish lozim.

# VI ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИК ҲИСОБ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ”

**Н.Э. Эрназаров**– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

**Ш.Ф. Самандаров** - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 3-босқич талабаси

## АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДАГИ АХАМИЯТИ

**Аннотация:** Мақолада акциз солиғининг давлат бюджет даромадларини оширишдаги ахамияти, солиқ тизимидаги иқтисодий ислоҳатларнинг амалга ошириш билан давлат бюджетининг даромадларини оширишда солиқларнинг ролини бошқариш амалиётини зарурлиги, моҳияти ва омиллари, мақсади, вазифалари ва муаммолари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** солиқлар ва солиққа тортиш, эгри солиқлар, акциз солиғи, акцизости маҳсулотлар, акцизости товарларни солиққа тортиш амалиёти.

**Аннотация:**В статье рассматривается значение акцизного налога в увеличении доходов государственного бюджета, необходимость практики управления ролью налогов в увеличении доходов государственного бюджета путем проведения экономических реформ в налоговой системе, сущность и факторы, цели, задачи и проблемы.

**Ключевые слова:** налоги и налогообложение, косвенные налоги, акцизный сбор, подакцизные товары, практика налогообложения подакцизных товаров.

**Абстракт:** The article discusses the importance of excise tax in increasing state budget revenues, the need for the practice of managing the role of taxes in increasing state budget revenues through economic reforms in the tax system, the essence and factors, goals, objectives and problems.

**Key words:** taxes and taxation, indirect taxes, excise duty, excisable goods, practice of taxation of excisable goods.

Бугунги иқтисодиётнинг жадалик билан ривожланаётган даврда солиқ тизими ёки солиқ тизимига тегишли қонунчиликдаги ислоҳатларга дуч келамиз. Ушбу тизимнинг ҳам ўзига хок булган хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси давлат бюджети даромадларини шакллантиришга хизмат қилади. Эгри солиқ турларидан бири бўлган акциз солиғидир. Акциз солиғи (франс. accise – қирқиб олмоқ) – кенг истеъмол товарлари, энг муҳим хом ашёларга, шунингдек хизматлар учун давлат томонидан солинадиган қўшимча солиқ тури. Муайян товарлар нархига, кўрсатилган хизмат ҳақига қўшимча устама солиқ сифатида қўшилади ва уни тўловчилар бевосита ҳаридорлар ҳисобланади[1]. Мамлакат ичида истеьмол товарлари ишлаб чиқариш вақтида кириб келаётган турли хил тамаки, таркибида сипирт, алкагол бўлган ва таркибида этанол 0.5% юқори бўлган товарлар нархига ёки хизматлар тарифига киритилади ва шу билан истеъмолчи томонидан

[1] https://uz.wikipedia.org/w/index.php?title=Aksiz&variant=uz

ҳақиқатда тўланади. Акциз тўланадиган товарларни чакана савдода сотишда акциз солиғи миқдори ажратилмайди. Бунинг оқибатида турли хил кўринишдаги касаликлар юзага келмоқда. Мисол тариқасида буйрак саратони ва саратон касалик кабилардир. Аҳолида солиғини мустаҳкамлаш ва турли хил касалилларни олдини олиш мақсадида дунё миқиёсида турли хил кўринишдаги чора тадбирлар кўрилмоқда.

Юқорида келтирлган давлатлар тамаки ва сипиртли ичимликлар энг кўп истеъмол қилинадиган давлатлар ҳисобланади. Ҳар қайси давлатда ўз қонун ва қоидаларига мувофиқ ҳолда акциз соғлиғини қоллаш жорий қилинган.

Давлатларнинг солиқ кодекси ёки солиқ қонуни доирасига киритилган. Акциз солиғи Ирландияда - 1 литр мутлақ спирт учун 42,284 дан 61,645 эврогача, энг ками - Греция, Испания, Германия, Болгария, Чехия, Люксембург, Венгрия, Австрия, Португалия, Руминия, Словения, Словакияда, Италия, Хорватия, Малта ва Кипрда. Айтиш жоиски, кўпчилик Эвропа мамлакатларида шароб учун акциз солиғи йўқ. Этил спиртига энг катта акциз солиғи Швецияда - 1 литр мутлақ спирт учун 597.7 эвро, энг ками Болгарияда - 56.2 эвро,[1] тўлаш жорий қилинган, бу каби қатий тизим аҳоли ўртасида сипиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини олдини олишга қаратилган.

Акцизлар солиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан тартибга солиш, шунингдек, мамлакат бюджетини тўлдириш учун ишлатилади. Миллий иқтисодиётнинг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш муносабати билан импорт қилинадиган товарларга ҳам акциз солиғи солинади. Солиқларнинг тартибга солиш функцияси бу жараён учун жавобгардир. Шу ўринда айтиш жоизки акциз солиғини давлат бюджет даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этиб бугунги кунда ўрганиш долзарб булган масалалардан биридир.

Акциз солиғи умуман олганда эгри солиқларнинг назарий жиҳатлари хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Эгри солиқлар хусусан акциз солиғининг давлат бюджет даромадларида ўрнини турли олимлар ҳар хил қарашлар ва фикрлар бериб ўтган. Хусусан. А.В.Вахобов, А.С.Жўраевлар акциз солиғининг иқтисодий мохияти ва ахамиятини назарий жихатдан ёритиб берган[2].

Турсунова М.Р - акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва вужудга келиши, солиқ элементлари: солиқ тўловчилар, объекти, базаси, ставкалар, имтиёзлар, муддатлар, акциз солиғи тўланадиган товарларга доир солиқ солинадиган операциялар амалга ошириш, акциз солиғи тўланадиган товарлар экспортини тасдиқлаш, акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқдан

[1] Соловьёв А.М. Сравнительный уровень потребления алкогольной продукции в странах Европы. // «Проблемы прогнозирования», 2016

[2] А.В.Вахобов, А.С.Жўраев "Солиқлар ва солиққа тортишъ Дарслик. Т.: «Иқтисод-Молия», 2018. -408 б.

чегирма, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби, солиқ тўлаш тартиби, акциз солиғи тўланадиган товарларни акциз маркалари билан тамғалаш, акциз солиғини ундириш амалиётидаги мавжуд муаммоларни[1] ёритиб берган.

А.С.Жўраев, Ғ. А.Сафаров, О.Р.Мелиевлар - солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммалаштириш самарали давлат иқтисодий сиёсатини олиб боришга, хусусан молиявий тизимни ривожланишга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджетини шакилантриш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади[2].

Замонавий мамлакатлар давлат бюджети учун акцизлар муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Кўпгина товарларга акциз солиғи миқдори уларнинг нархининг яримига, баъзан эса 2/3 қисмига этади. Ҳозирги кунда тамаки ва сипиртли ичимликлар истеъмолига бўлган талаб йилдан йилда ортиб бормоқда. Бу кўрсатгичларни нафақат мамлакатимиз бюджет даромадлари таркибидаги улушини кузатишимиз мумкин.

**016-2021 йилларда акциз солиғининг давлат бюджет даромадлари таркибидаги улуши %[3]**

| Кўрсаткичлар | | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) - жами** | | **100** | **100** | **100** | **100** | **100** | **100** |
| **1.** | **Бевосита солиқлар** | **24,0** | **23,23** | **19,8** | **28,2** | **34,0** | **31,8** |
| **2.** | **Билвосита солиқлар** | **51,5** | **52,6** | **52,2** | **41,4** | **34,9** | **42,5** |
| 2.1 | Акциз солиғининг билвосита солиқларда таркибидаги улуши | 29,6 | 28,5 | 23,5 | 22,2 | 25,2 | 18,9 |
| | Акциз солиғининг давлат бюджет даромадлари таркибидаги улуши | 15,2 | 15,0 | 12,3 | 9,2 | 8,8 | 8,0 |
| **3.** | **Ресурс тўловлари ва мулк солиғи** | **12,9** | **13,8** | **16,0** | **17,5** | **16,0** | 13,2 |
| **4.** | **Бошқа даромадлар** | **8,2** | **7,5** | **10,1** | **12,7** | **15,1** | 12,5 |

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, акциз солиғининг давлат бюджет даромадлари таркибидаги улушини фоизда тахлил қилганимизда акциз солиғининг давлат бюджет даромадлари таркибидаги улуши бир мунча пасайиб борганлигини кўришимиз мумкин. 2016 йилда 15,2 фоиз, 2017 йилда 15,0 фоиз, 2018 йилда 12,3 фоиз, 2019 йилда 9,2 фоиз, 2020 йилда 8,8 фоиз ва 2021 йил прогноз кўрсаткичларига кўра 8.0 фоизга пасайган. Шу билан бу пасайиш билвосита солиқлар таркибидаги улушига ҳам ўз таъсирини ўтказганлигини кўришимиз мумкин.

[1] Турсунова М.Р. Молия ва солиқлар (солиқлар ва солиққа тортиш). Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2019. – 210 б.
[2] А.С.Жўраев,Ғ.А.Сафаров,О.Р.Мелиев. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. - Т.: «Иқтисод-Молия», 2019. -376 б.
[3] https://soliq.uz/ - O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi

Акциз солиғининг билвосита солиқлари таркибидаги улуши бир мунча пасайиб борганлигини кўришимиз мумкин. 2016 йилда 29,6 фоиз, 2017 йилда 28,5 фоиз, 2018 йилда 23,5 фоиз, 2019 йилда 22,2 фоиз, 2020 йилда 25,2 фоиз ва 2021 йил прогноз кўрсаткичларига кўра 18.9 фоизга пасайган. Жадвалдаги кўрсатгичларни яъни фоизларида кўриниб турубдики, охирги йилларда акциз солиғи салмоғини камайиш тендендияси эгаллаганини кўришимиз мумкин. Маълум вақтлар ўтгач йиллик фоиз ставкалари пасайиши бу мамлакатда акциз солиғи ундириладиган товарлар мамлакат миқёсида кенг миқёсида ишлаб чиқарилмоқда. Бу акциз солиғи ундуриладиган қимматбаҳо заргарлик буюнлари, кумуш ва олтиндан ясалган буюмлар тамаки, сиртли ичимликлар ва акциз солиғи унадириладиган кўпгина товарлар маҳаллий завод ва корхоналарда ишлаб чиқарилиб маҳаллий бозорни тўлдиришга йўналтирилмоқда. Ҳозирги кунда импорт ҳажми ўтган йилларга қараганда камайганлиги сабаб давлат бюджет даромадларида акциз солиғини ўрни серзиларли даржада пасайган.

Акциз солиғини давлат бюджетида ўрни камайиши бу давлатнинг ўз функцияларини бажариш омилини пасайтириши мумкин. Мамлакатимизда импортни ўрнини камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш муҳим зарурий молиявий дастак ҳисобланади. Давлат бюджетига ундириладиган акциз солиғини улушини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни амалиётга тадбиқ этиш лозим:

-акциз солиғининг давлат бюджети даромадларида улушини ошириш учун бугунги кунда акцизости товарлари таркибини қайта кўриб чиқиб ички бозорда мавжуд булган товарларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Ички бозорда мавжуд булган акциз ости товарлари акцизсиз истемол қилиниши солиқ тизимининг адолатлилик тамойилига мос келмайди.

- маҳалий ишлаб чиқарувчи булган акциз сўлиғи ундуриладиган заргарлик буюмлари кумуш, биронза, олтин ва шунга ўхшаш рангли ва рангсиз металларни қайта тайёрлаш ва унинг жаҳон стандардларига муносиб экспортбоп махсулотларга айлантиришимиз, бу давлат бюджет даромадларини ортишига сезиларли таъсир кўрсатади.

# VII ШЎЪБА. “РЕАЛ СЕКТОРДА СЕРВИС ТИЗИМИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ”

**Н.З. Алиева** - доктор филос. наук, профессор института сферы обслуживания и предпринимательства (филиал) ДГТУ в г. Шахты
**Е.Б. Ивушкина** - доктор филос. наук, профессор, института сферы обслуживания и предпринимательства (филиал) ДГТУ в г. Шахты
**Н.И.Морозова** - канд. филос. наук, доцент института сферы обслуживания и предпринимательства (филиал) ДГТУ в г. Шахты

## БЕЗОПАСНОСТЬ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

**Аннотация.** Рассмотрены угрозы безопасности цифровой трансформации. Внедрено понятие цифровой трансформации, преобразующей все сферы социума и человека. Рассмотрены последствия цифровой трансформации, которые наряду с положительными имеют и негативные стороны, требующие цифровой безопасности. К ним относят новые векторы угроз и расширение спектра уязвимостей для информационной безопасности. А также рассмотрены понятия киберпреступности, кибертерроризма и кибербезопасности.

**Ключевые слова.** Цифровая трансформация о, угрозы, безопасность.

**Annotasiya.** Raqamli transformatsiya xavfsizligiga tahdidlar ko'rib chiqiladi. Jamiyat va inson hayotining barcha sohalarini o‘zgartiruvchi raqamli transformatsiya tushunchasi joriy etildi. Raqamli transformatsiyaning oqibatlari ko'rib chiqiladi, bu ijobiy tomonlar bilan bir qatorda raqamli xavfsizlikni talab qiladigan salbiy tomonlarga ham ega. Bularga yangi tahdid vektorlari va axborot xavfsizligi zaifliklari doirasini kengaytirish kiradi. Shuningdek, kiberjinoyat, kiberterrorizm va kiberxavfsizlik tushunchalari ko'rib chiqiladi.

**Kalit so'zlar.** Raqamli transformatsiya, tahdidlar, xavfsizlik

**Annotation.** Threats to the security of digital transformation are considered. The concept of digital transformation has been introduced, transforming all spheres of society and man. The consequences of digital transformation are considered, which, along with positive ones, also have negative aspects that require digital security. These include new threat vectors and an expansion of the range of information security vulnerabilities. And also the concepts of cybercrime, cyberterrorism and cybersecurity are considered.

**Keywords**. Digital transformation about, threats, security.

В настоящее время в мире происходит цифровая трансформация. Вместе с ней появилось много новых терминов – трансформация, социальная трансформация, цифровизация, автоматизация, оптимизация, индустрия 4.0. Термин «трансформация» означает количественные изменения и качественные преобразования, которые обусловлены сложным взаимодействием внешних и внутренних факторов развития. Как известно, синтез элементов развития рождает новое качество, поэтому в общественных науках термин «трансформация» стал активно

использоваться для описания качественных изменений. Сущность трансформации заключается в появлении нового качества.

Трансформации направляют и преобразуют общество его формами и содержанием, включая разные стороны социума. Трансформация – это действие или процесс изменения формы, вида, природы или характера общества, или отдельной структуры. Трансформация означает превращение сущностных компонентов не только социума, но и всех сторон общественной жизни.

Цифровая трансформация основана на информационных технологиях и проявляется внедрением современных технологий в процессы, которые фундаментально изменяют управление, корпоративную культуру, внешние коммуникации предприятий и т.п. Сущность цифровой трансформации состоит не в автоматизации и цифровизации отдельных процессов на производстве, а в интеграции технологий разного рода, как традиционных, так и новых информационно-технологических. К ним относятся облачные вычисления, искусственный интеллект, машинное обучение и т.п.

Одной из составляющих цифровой трансформации является цифровизация. Есть мнение, что цифровизация внедряет цифровые технологии только в бизнес-модели компаний. Однако цифровая трансформация касается любой сферы. В качестве примера можно привести цифровизацию, которая активно происходит в здравоохранении – в виде использования приборов удаленного мониторинга состояния пациентов, мобильных приложений по поиску врача; в образовании – в виде использования интерактивных досок, электронных дневников, а также во многих других сферах.

Отличие цифровизации состоит в том, что она внедряет новейшие цифровые технологии в различные сферы производства и жизни. Первым шагом цифровизации является оцифровка, которая переводит информацию в цифровой вид, вторым шагом – оптимизация обработки оцифрованной информации. Особенность цифровой трансформации состоит в первую очередь во внедрении новых технологий в производство, бизнес, деловую культуру. К основным технологиям цифровой трансформации относят технологии искусственного интеллекта, машинного обучения, обработки больших данных, облачных вычислений, блокчейна, виртуальной и дополненной реальности, интернета вещей, граничных вычислений, процессной аналитики, роботизации бизнес-процессов.

Рассмотрим особенности цифровой трансформации. К ним относят:

– в области принятия решений ведение процессов отдаётся не человеку, а системам, что обусловливает ускорение и улучшение процессов, которые происходят в моделях;

– создание новых моделей, примерами которых являются экосистемные, платформенные бизнесы и т.п.;

– использование аналитики данных – в новых моделях предлагают новые возможности огромного выбора, персонализации, скорости и дешевизны в

масштабе, который недоступен традиционным компаниям, что приводит к стремлению многих компаний стать технологическими;
– использование процесса цифровизации в стиле жизни клиента.

Для проведения цифровой трансформации необходимо использование не одной технологии и не одного бизнес-процесса. Цифровая трансформация требует комплексного подхода для использования информационных технологий не только во внутренних процессах компании, но и внешних, взаимодействующих с внешним миром, государством, потребителями. Другой стороной цифровой трансформации стали негативные последствия, которые вносят проблемы безопасности. Таким образом возникает парадоксальная ситуация, в которой инновационные процессы, которые должны защищать пользователей, сами несут для них риски и угрозы.

Цифровая трансформация общества привела к развитию разнообразных и масштабных потребностей в безопасности. Это связано с тем, что цифровая техника и технологии усилили негативное влияние на технические процессы и объекты. Социальные, экономические процессы увеличили степень неопределенности и турбулентности развития общества. Природные и социально-экономические системы всё больше стали зависеть от технологий, в том числе и цифровых. В результате возросла уязвимость таких систем и возникновение новых опасностей, угроз, рисков их безопасности, которое указывает на увеличение значимости такого рода проблем. Одновременно увеличилось количество и масштабы рисков и угроз для человека и его жизнедеятельности.

В настоящее время в связи с возникновением цифровой трансформации возникла необходимость защиты и обеспечения информационной безопасности высокого уровня, задачами которых явилось обеспечение конфиденциальности, доступности и целостности информации и ИТ-инфраструктур.

Такая необходимость связана с ростом внутренних и внешних угроз информационной безопасности, обусловленных значительным расширением кибератак и киберпреступности, а также рисками реализации облачных технологий, IoT и т.п. Отметим, что угрозы выступают опасными факторами – явлениями, процессами, действиями которых может быть приведён ущерб. Риски представляют вероятности опасных событий в виде явлений, процессов или их развития в виде последствий.

В связи с появлением цифровой трансформации возникли новые векторы угроз цифровой безопасности и расширение спектра уязвимостей. К ним относятся:
– непрозрачность событий информационной безопасности в корпоративной инфраструктуре предприятий в случаях использования технологических локаций, развернутых в облачных сервисах, причем оснащенных собственными инструментами и разными внутренними сервисами;

– трудности с вопросами автоматизации всех процессов информационной безопасности;
– плохая интеграции и масштабируемость отдельных решений не повышает общий уровень безопасности в организации, по причине плохой интеграции отдельных решений, даже если в компании есть эффективно работающие решения, защищающие отдельные компоненты инфраструктуры ИТ, например, антивирусы, межсетевые экраны и т.д.
– небывалый «расцвет киберпреступности». Последняя угроза обусловлена развитием технологий и стиранием граней между личными и рабочими устройствами, что облегчает доступ к конфиденциальной информации, личным данным и т.п.

Рассмотрим понятия киберпреступности, кибертерроризма и кибербезопасности. Киберпреступность – это преступная деятельность, целью которой является неправомерное использование компьютера, компьютерной сети или сетевого устройства. А также «киберпреступность – это совокупность преступлений, совершаемых в киберпространстве с помощью или посредством компьютерных систем или компьютерных сетей, а также иных средств доступа к киберпространству, в рамках компьютерных систем или сетей, и против компьютерных систем, компьютерных сетей и компьютерных данных» [6]. Большинство киберпреступлений совершаются киберпреступниками или хакерами, которые зарабатывают на этом деньги.

К киберпреступлениям относят мошенничество с электронной почтой, личными данными, кражу и продажу корпоративных данных, кибершантаж, атаки программ-вымогателей, кибершпионаж, кибертерроризм и т.п. Киберпреступления относят к двум категориям криминальной деятельности: компьютеры как цель и компьютеры для совершения других преступлений.

Кибертерроризм – это осуществление террористических действий в киберпространстве. Таким образом, киберпреступность и кибербезопасность представляют две амбивалентности одного глобального виртуального пространства.

Кибербезопасность ставит перед собой следующие задачи:
– выявление угроз информационной безопасности и рисков потерь данных, выработки и внедрения мер противодействия угрозам и решения для защиты от потери информации;
– обеспечение сохранности и конфиденциальности данных;
– разработка и внедрение IT-решений.

Кибербезопасность и информационная безопасность имеют различия. Компьютерная безопасность занимается защитой техники, а информационная безопасность – защитой данных. Тем не менее, эти два направления безопасности имеют много общего из-за неотделимости компьютеров от информации. Различия обусловлены стоимостью активов. В компьютерной безопасности более дорогой является техника, а в информационной безопасности – данные. Что касается рисков, то они

одинаковы как в физической безопасности, например, в виде поломки компьютера, так и не физической – поломки программы.

Понятие угрозы представляет потенциальную возможность нарушения информационной безопасности. Реализацию угрозы называют атакой. К угрозам информационной безопасности относятся угрозы доступности, целостности и конфиденциальности. Доступность обеспечивает доступ к информации. Целостность обеспечивает достоверность и полноту информации. Конфиденциальность подразумевает обеспечение доступа к информации только авторизованным пользователям.

Угрозы информационной безопасности знакомы каждому пользователю. К ним относят:

– вредоносное программное обеспечение в виде вирусов, червей, троянских программ, программ-вымогателей;

– фишинг в виде получения доступа к логинам и паролям пользователей;

– кражу личности в виде использования чужих персональных данных.

Информационная безопасность необходима для удаления препятствий на пути к цифровой трансформации. В настоящее время внутренние и внешние угрозы информационной безопасности нарастают. При этом необходимо учитывать факторы нарастания как внутренних, так и внешних угроз информационной безопасности, которые связаны со значительным ростом сектора киберпреступности, а также рисками, возникающими естественным путем в ходе реализации облачных технологий, IoT и т.п. А также угрозы информационной безопасности приобретают совершенно новый облик. Происходит значительный рост киберпреступности, рисков реализации облачных технологий, IoT.д.

Для решения задач защиты информационной безопасности от угроз доступности, целостности и конфиденциальности в настоящее время разрабатываются новые эффективные подходы и технологии. Одним из достаточно новых и эффективных подходов в области обеспечения безопасности информационных активов является применение методов проактивной защиты, которые способны не просто защитить, но и предотвратить кибератаки.

**З.С.Артиков –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доц.в.б., PhD
**А.И.Асроров -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти МИ-220 гуруҳ магистранти

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ПУЛЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирш, Самарқанд вилоятида пуллик хизматларни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари, уларга таъсир этувчи омиллар, хизматлар бозоридаги рақобат мухитини яхшилаш ҳамда вилоятда пуллик хизматларни ривожлантириш бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ва амалга оширилиши керак бўлган ишлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш соҳаси, пуллик хизмат, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, рақобат, бозор, инвестиция.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере услуг, концептуальные направления развития платных услуг в Самаркандской области, факторы влияющие на них, улучшение конкурентной среды на рынке услуг и развитие платных услуг в область, край.

**Ключевые слова:** сфера услуг, платные услуги, малый бизнес, частное предпринимательство, конкуренция, рынок, инвестиции.

**Annotation:** This article discusses the development of small business and private entrepreneurship in the field of services, the conceptual directions of development of paid services in Samarkand region, the factors influencing them, improving the competitive environment in the service market and the development of paid services in the region.

**Key words:** service sector, paid services, small business, private entrepreneurship, competition, market, investment.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонни барпо этишимизда мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар ўзининг натижаларини намоён этиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида "Бугунги кунда ва яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида олдимизда қатор стратегик вазифалар турибди. Уларнинг барчаси устувор аҳамиятга эгадир"[1] – деб таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлмиш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатларда ривожлантириш орқали асосий муаммолардан бири, аҳолини иш билан бандлиги масалаларини ҳал қилиш имконияти яратилди. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Республикамизда, хусусан Самарқанд вилоятида сохани ривожлантиришга қаратилган Дастур ва Қарорда кўрилган чора–тадбирлар, уларга берилган имконият ва имтиёзлар келажакда ушбу соҳанинг жадал

[1] Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2022. – 174-бет

ривожланишини таъминлаш билан бирга, хизматлар сифатининг ошишига, унинг халқаро андозалар даражасидаги ҳолатининг шаклланишига олиб келади.

Шу жиҳатдан, хизмат кўрсатиш соҳасига эътиборнинг кучайтирилаётганлиги бежиз эмас. Чунки, вилоятимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устувор вазифаларидан бири сервис соҳасини ривожлантиришдан иборат эканлиги ҳукумат қарорлари ва Президентимизнинг фармон ва маърузаларида қатъий белгилаб қўйилган. Шу туфайли, ҳокимиятнинг қуйи бўғинларида ҳам ушбу масалани эътибордан қочирмаслик лозимдир. Зеро, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаларининг рағбатлантирилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар натижасида бошланган кичик корхоналар ташкил этиш ва уни рағбаталантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётимизда мухим ўзгаришларга олиб келди.

Пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг концептуал йўналишлари жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муайян босқичида уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типидаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларни ҳисобга олувчи воситалар, чора-тадбирлар, шакллар ва усуллар ҳисобланади. Бу ўз навбатида муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида миллий иқтисодиётимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва замонавий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш жараёнида вужудга келаётган янгича иқтисодий муносабатлар пуллик хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратди. Яъни, иқтисодий ислоҳотлар пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларининг вужудга келишига имконият яратмоқда.

Пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти кўпроқ истеъмолчиларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши билан белгиланади. Чунки бу ҳолат соҳада интенсив ривожланиш натижасида вужудга келаётган рақобат муҳити чуқурлашиб боришини назарда тутади.

Бизнинг фикримизча, хизматлар бозоридаги рақобат:

1. ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг динамик такомиллашувини рағбатлантиради;
2. пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиради ва такомиллаштиради;
3. хизматлар бозоридаги рақобатчилар нархларни пасайтиради;
4. сифатни ва хизмат кўрсатишни яхшилайди;
5. янги маҳсулотни барпо этади.

Самарқандда пуллик хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш учун муайян чоралар кўрилаётганлигига қарамай, тегишли рақобат муҳити ҳали яратилгани йўқ, шу боис пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларининг бажарилиши давлат томонидан назорат остига олиниши керак.

Юқорида қайд қилинган омиллар хизматлар бозорини реконструкция қилинишини таъминлайди. Натижада пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти кўлами кенгаяди. Яъни, бир томондан якка тартибдаги истеъмолчиларнинг ҳозирги даврдаги талабларини қондирувчи, иккинчи томондан, ташкилотларнинг эҳтиёжларини қондирувчи сервис хизматларининг янги йўналишлари вужудга келади.

Пуллик хизматлар фаолияти Самарқанд вилояти ҳудудий иқтисодиётининг умумий ҳолатига боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда пуллик хизматлар соҳасини ривожлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Пуллик хизматлар соҳасини ривожлантиришда аввалом бор соҳа ривожига таъсир этувчи омилларни аниқлаш зарур. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

- хизмат билан банд бўлган ходим меҳнатининг сифати;
- уларнинг етарли малака ва кўникмаларга эгалиги даражаси;
- хизмат корхонасини жойлашган ўрни, уларнинг иш графиги;
- замонавий техника ва технологияларнинг мавжудлиги, жиҳозланганлиги ва бошқалар.

Самарқанд вилоятида пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

– хизматларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
– аҳоли эҳтиёжларини тўлиқроқ ҳисобга олиш;
– соҳадаги салбий ҳолатларни олдини олиш;
– пуллик хизматни ижтимоий аҳамиятини ошириш;
– пуллик хизмат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш;
– соҳада янги ташкилий тузилмаларни шакллантириш зарур.

Сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган изчил тадбирлар ва қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек пуллик хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Вилоятда пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган бўлсада, лекин соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муамоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Самарқанд вилоятининг чекка туман ва қишлоқ жойларига ушбу соҳани ривожлантириш ишлари яхши даражада ташкил этилмаганлиги;
2. пуллик хизматларнинг талаб даражасида ривожланмаганлиги;
3. пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида айланма маблағларнинг етишмаслиги;
4. соҳага инвестициялар киритилишининг камлиги;

5. вилоят ва туман хокимлиги томонидан хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш сиёсатининг ўз вақтида изчил амалга тадбиқ этмаслиги;

6. хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун Самарқанд вилоятида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

– “Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш;

– республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда пуллик хизматлар классификаторини ишлаб чиқиш;

– пуллик хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятларини суғурталаш консепциясини ишлаб чиқиш;

– хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш консепциясини ишлаб чиқиш;

– аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш объектларини жойлаштиришнинг янги чизмасини ишлаб чиқиш;

– пуллик хизмат кўрсатишни лицензиялаш, сертификатлаш ва стандартлаштиришни ўтказиш;

– пуллик хизматлар объектларининг инвестицион лойиҳалари паспортини ишлаб чиқиш;

– соҳада ахборот-таъминоти хизмати тизимини такомиллаштириш;

– ижтимоий ҳимоя қилинган аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш учун алоҳида пуллик хизматлар турлари бўйича маҳаллий хизмат кўрсатиш корхоналарининг ихтисослашган тармоғини яратиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш вилоятда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларининг самарадорлигини оширишда ва соҳани ривожлантиришда муҳим воситалар ҳисобланади.

**Д.Б.Ахтамов -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти катта ўқитувчиси
**А.Амонов –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ИК-620 талабаси

# ЎҚУВЧИЛАР ЎЗ-ЎЗИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАБ, СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ.

**Аннотация** Ушбу мақолада мактабгача ва бошланғич таълимда Ўқувчилар ўз-ўзини жисмоний тарбиялаб, соғлиғини мустаҳкамлаши уларни жисмоний ривожлантиришдаги роли жисмоний тарбия машғулотларини болаларни соғломлаштиришга йўналтириш асосида ташкил қилиш усуллари баён этилган.

**Калит сўзлар:** соғломлаштириш, соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, ўз-ўзини жисмоний тарбиялаш, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси, дифференциал ёндашув, яхши ва тез ўзлаштирувчи ўқувчилар, секин ўзлаштирувчи ўқувчилар.

**Аннотация:**В данной статье изложены методы организации оздоровительных уроков физической культуры, в дошкольных организациях и начальных классах общеобразовательных школ.

**Ключевые слова:** оздоровление, оздоровительнае физическое воспитание, степень физической подготовленности учащихся, дифференциальный подход, быстроуспевающие учащиеся, слабоуспевающие учащиеся.

**Annotation** In this article enlightened the ways of directing to health and fitness of children in the activities of physical instruction and elementary education. Support conceptions: health and fitness, pupils' physical preparation levels, physical instruction which makes health and fitness, approaching differential, pupils who acquire well and fast, pupils who acquire slowly.

**Keywords:** improving, healthy physical education, the degree of physical fitness of students, a differential approach, quickly respected students, weakly speaking students.

Шахсни у ёки бу жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган ижтимоий омиллар мажмуасида жисмоний тарбияга алоҳида ўрин ажратилади. Тарбиянинг умумий тизимида индивиднинг жисмоний ривожланишдаги миқдорий ва сифат ўлчовлари яхшиланишида айнан жисмоний тарбиянинг ҳиссаси катта. Айнан шу йўл билан индивидуал жисмоний сифатларга, мақсадга йўналтирилган жараён жиҳатлари етказилди. Тарбия масаласига замонавий ёндашиш орқали "жисмоний мукаммаллик" атамасини биз жисмоний тарбияга, соғлом турмуш тарзи, шахснинг жисмоний ҳаракатланишининг асоси бўлган эҳтиёж, деб тушунамиз.

Тарбия ва таълим шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаш шахсни ривожлантириш баробарида уни рақобатга бардошли, билими, малака ва кўникмаси билан жамиятда муносиб ўрин эгаллашга интилиш имконини

беради. Шахснинг рақобатга бардошлилигини тавсифловчи сифатларнинг руҳий педагогик таҳлили орқали шахснинг юқори даражадаги рақобат бардошлилигини белгилаб берувчи бир нечта тизимни ишлаб чиқди: мақсаднинг аниқлиги, ишчанлик, ишга ижодий ёндашув, таваккал қилишга қодирлик, мустақиллик, стрессга бардошлилик, касбий парвозга интилиш. Буларнинг бари шахснинг жисмоний тарбия даражасининг ривожланганлиги, иккинчи томондан унинг соғлом турмуш тарзини кечиришига боғлиқ.

Жисмоний ўз-ўзини тарбиялаш бу аниқ мақсадга йўналтирилган, шахснинг онгли ва режага мувофиқ ўз соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўз устида ишлаши, жисмоний маҳоратнинг ошиши, ҳамма томонлама жисмоний ривожланганлик, профессионал фаолиятда шахсий сифат ва муваффақият-ларнинг мукаммаллигидир. Ўз-ўзини жисмоний тарбиялашнинг асосий мақсади жисмоний тарбиянинг маънавий, ижтимоий, моддий қийматларидан мустақил фойдалана олишни шакллантириш орқали жисмоний мукаммалликка эришиш мумкинлиги қайд этилган. Буни амалга ошириш учун қуйидаги топшириқларни бажариш лозим:

- саломатликни таъминлаш, жисмоний ўз-ўзини тайёрлаш, ўз-ўзини тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини кечиришга оид билимларни, кўникмаларни шакллантириш орқали ўзлаштириш ва жисмоний тарбия воситаларидан фойдаланишга ўргатиш;

- организмнинг ривожланиш босқичларини инобатга олган ҳолда унинг жисмоний салоҳият ва ишчанлигини оширишда организмни табиий, самарали ривожлантиришга кўмаклашувчи форма ва функциялар;

- якка жисмоний риважланишни инобатга олган ҳолда спорт ўйинлари асосида ҳаракатланиш қобилиятини тарбиялаш;

-ҳаракатлантирувчи кўникма ва малакаларни, жисмоний ўз-ўзини камолга етказиш, ҳаёт учун муҳим бўлган фаолиятда талаб этиладиган мустақил дарсларнинг кўникмаларини тарбиялашни шакллантириш.

Шахснинг тарбиялилиги унинг нафақат айтилган ишни вақтида бажариши билан белгиланади, балки маълум бир ишлардан ўзини тийиб туриши лозимлигини онгли англашида ҳам кўринади. Жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулоти жараёнлари ва мусобақаларда қатнашиш ўқувчилардан онгли равишда топшириқлар, буйруқ, ўқитувчининг вазифасини бажаришни, тарбияли бўлишни, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускор бўлишни талаб этади. Жисмоний машқларни бажариш маълум таҳлика ва жасорат кўрсатиш билан боғлиқ. Машқларни бажариш

жараёнида ўқувчи ташқи таъсирларга эътибор бермасликка ўрганади, ўзидаги ўз-ўзига ишонч кайфиятини кучайтириб, мардликни ривожлантиради. Ўз-ўзини жисмоний тарбиялаш жараёнида қатъиятлилик ва жиддийлик каби шахс хислатлари ривожланади ва янада мустаҳкамланади. Бу нарса ўқувчиларнинг узоқ вақт мобайнида ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиш йўлида онгли равишда иш олиб боришларида намоён бўлади.

